


# ЎЗБЕКISTON QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№10. 2018




*Юртимизда  
мезон нафаси*



**AGRI PARTS**  
**OSIYO**

Реклама

*Кузги шудгор мавсуми  
учун Германияда ишлаб  
чиқарилган Lemken  
ва Kverneland плугларига  
эҳтиёт қисмларни  
тавсия этади.*



*Маҳсулот сертифициланган. Хизматлар лицензияланган*



Тошкент шаҳри, Сергели  
тумани, Ҳалқа йўли 107-уй.



(+998 95) 143-76-06



(+998 90) 178-59-99



(+998 93) 376-12-70

E-mail: [agriparts@gmail.com](mailto:agriparts@gmail.com)

[ahmadgadaev@yahoo.com](mailto:ahmadgadaev@yahoo.com)

Веб-сайт: [www.apo.uz](http://www.apo.uz)

# МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР МУШТАРАК

**Бугун Ўзбекистон юксалиш сари дадил қадам ташламоқда. Буни давлатимиз раҳбарияти томонидан узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ барча соҳалардаги рағбат ва бу жараёнда халқимизнинг кўтаринки руҳ билан яшаб, меҳнат қилаётганида кўриш мумкин. Айтиш мумкинки, ҳар жабҳада бунёдкорлик, яратувчанлик ва ривожнинг гувоҳи бўляпмиз.**

Шу жиҳатдан, аграр соҳанинг қай бир тармоғига назар ташламайлик, уларда ҳам жадал ислоҳотлар ўз самарасини бериб бормоқда. Мазкур жараёнда Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси мамлакатимизни янада ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Аграр соҳанинг қишлоқ ҳамда сув хўжалиги тармоқларида ҳам давлатимиз томонидан ўзига хос амалий ва маъмурий ислоҳотлар жорий қилинмоқда. Бу борада қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳаларида самарадорликни янада ошириш мақсадида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралда “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Жорий йил 17 апрелда эса, “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликларининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

Мазкур фармонда қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

– қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида тармоқни комплекс модернизация

қилишга, қишлоқ хўжалигида фан ва техника ютуқларини, ресурсларни тежайдиган замонавий ва интенсив агротехнологияларни, илғор тажрибаларни жорий қилишга йўналтирилган ягона сиёсатни амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, давлат-хусусий шерикчилиги механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантиришни таъминлаш;

– таълим, фан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тизимли асосда узвий интеграциялашни, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифа ва фаолияти йўналишлари этиб:

– сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

– ҳудудларни ва иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ҳамда оқилона таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишини ва барқарорлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

– ирригация ва мелиорация тизимлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг ишончли фаолият кўрсатишини таъминлаш, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим объектлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш;

– сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилари масъулиятини ошириш, уларнинг сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш;

– сув хўжалиги соҳасида фан ва техника ютуқлари, замонавий сув тежовчи технологиялар, илғор тажрибалар, сув хўжалигини ва сувдан фойдаланишни бошқариш тизимида инновацион услубларни жорий қилиш;

– сув хўжалиги соҳасида мутахассислар малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ютуқларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш кабилар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги нашри бўлган “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали бу жараёнда ҳар иккала вазирлик раҳбариятининг келишувига асосан мақсад ва вазифалар муштараклиги моҳиятидан келиб чиқиб, келгусида “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” номи билан юритиладиган бўлди.

Шу ўринда “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали тарихий манбаларга кўра, 1906 йилдан буён “Туркестанский вестник”, “Деҳқон” каби турли номларда нашр этилиб, мамлакатимиз аграр соҳа ходимларига беминнат хизмат қилиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Шундай қилиб, журналимиз эндиликда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ҳамда Сув хўжалиги вазирликлари ҳаммуассислигида чоп этилади. Бу жараёнда Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳаммамиз деҳқоннинг хизматида эканлигимиз ижодий жамоамизнинг фаолияти мезони бўлиб қолади.

**Тоҳир ДОЛИЕВ.**



## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

**Ўлкамизда мезон шамоллари кезиб юрибди. Бу ойда дала лару боғлар ўзининг тўкин-сочин ҳосилини соҳибкор аҳлига тақдим этмоқда. Улар эса фурсатни ганимат билиб, йил бўйи қилган меҳнати маҳсулини саранжом-саришта қилиш ташвиши билан банд. Эл-юрт тўкинлиги, фаровонлиги бободехқон меҳнати, куз саховатидан янада ортиб бормоқда. Бугун бозор ва дўконлардаги тўкин-сочинлик манзарасидан ҳар қандай кишининг кўнгли ифтихорга тўлади.**

**Лекин дунёда ҳамма халқ ва элатлар ҳам шундай саодатга мушарраф бўлаёпти, деб бўлмайди.**

Озиқ-овқат тақчиллигини баргараф этиш, хавфсизлигини таъминлаш дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган муаммолардан бири экани ҳеч кимга сир эмас. БМТ ҳар йили 16 октябрни Бутунжаҳон озиқ-овқат кун сифатида нишонлаши ҳам бунинг исботидир. Бугун ушбу муаммога ечим топиш мақсадида ташкилот кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил 25 сентябрда ўтказилган анжуманида аъзо давлатлар “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби” деб номланган ҳужжатни қабул қилди. Мазкур ҳужжатда бир қатор муҳим масалалар қаторида дунёда ҳар қандай шаклдаги қашшоқлик ва очарчиликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, овқатланиш сифатини яхшилаш каби вазифалар белгилаб олинди.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, бугун Ер шари аҳолисининг 815 миллиондан кўпроги тўйиб овқатланмайди. Бу она сайёрамизда истиқомат қиладиган деярли ҳар саккиз нафардан бири оч-наҳор кун кечираётганлигидан далолатдир. Шу боис дунёнинг барча мамлакатларида тобора кўпайиб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ортиб бораётган аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Жаҳонда озиқ-овқат таъминоти шундай мураккаб вазиятлар кузатилаётган бир пайтда юртимизда мўлқўлчилик, арзончилик ҳукмрон. Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш юзасидан тизимли тадбирлар белгиланиб, ҳаётга изчилик билан татбиқ этилаётганлиги боис бозорларимиз озиқ-овқат

маҳсулотларига тўла, халқимиз дастурхони тўкин, турмуши фаровон.

Бу мустақилликнинг илк йилларида қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар амалга оширилиб, озиқ-овқат экинлари майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилганлигининг мевасидир. Бунинг натижасида мева-сабзавот, полиз, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштириш салмоғи йил сайин ортиб бормоқда.

Мисол учун, бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол метёридан уч баробар кўп демакдир. Агар Ўзбекистонда 1990 йилда аҳолининг озиқ-овқат, хусусан, гўшт, сут, қандолат маҳсулотларига бўлган



эҳтиёжи асосан импорт ҳисобидан қондирилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, ушбу маҳсулотларнинг 96 фоизи юртимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлабгина қолмасдан, халқимиз эҳтиёжидан ошиқча қисмини дунёнинг Россия, Хитой, Қозоғистон, Жанубий Корея, Япония, Таиланд, Индонезия, Ҳиндистон, Саудия Арабистони сингари кўплаб давлатларига экспорт қиляпти. Демак, Ўзбекистон нафақат ўзининг, балки дунё давлатларининг ҳам озиқ-овқат хавфсизли-

гини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан 2015 йилда Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришганлиги учун 14 та давлат қаторида махсус мукофот билан тақдирланганлиги ҳам бу борадаги ишлар самараларининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган етакчи ўн та давлатлар қаторига кирди.

АҚШнинг изланишлар маркази ўтказган тадқиқотларга кўра, дунёда Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлиги рейтингидан 2017 йил якунлари бўйича 64-ўринни эгаллади. Ваҳоланки, бир йил олдин Ўзбекистон ушбу рўйхатда 75-ўринда қайд этилган эди.

Бундан кўриш мумкинки, Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018

йил 16 январда имзоланган “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ республикамизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мазкур со-

ҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш борасидаги қатор долзарб вазифалар белгилаб берилдики, уларни изчил амалга ошириш мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада юксалтириш имконини бериши шубҳасиз.

Зеро, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш халқимизнинг фаровон турмуш кечириши, дастурхони тўкинлиги, юртимиз тараққиётини таъминлашнинг асосий омилдир.

**Ашраф ҒАФҒОРОВ,**  
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масбул ходими.

# КУЗГИ БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ

*бунда нималарга эътибор бериш керак?*

**Жорий йил ҳосили учун кузги бошоқли дон етиштириш жараёни таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, ғалла парваришида агротехника тадбирларини бажаришда йўл қўйилаётган камчиликлар асосан айрим фермерларнинг ерларни экишга сифатли тайёрлаш, навни тўғри танлаш, экиш техникаларини таъмирлашга етарли аҳамият бермаганлиги, экиш муддатларига қатъий риоя қилмаслиги каби омиллар ташкил этмоқда.**

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда фермерларимиз, мутасадди раҳбар ва мутахассислар келгуси йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари уруғини экишни ташкил этишда куйидагиларга жиддий эътибор беришлари мақсадга мувофиқ.

**Ер тайёрлаш.** Биринчи навбатда очиқ майдонларда ғалла ўрнига кетма-кет 3–4 йил ғалла экилишининг олдини олиш зарур. Ёзда шудгор қилинган майдонларда ер текислаш ишлари сифатли ва ўз вақтида бажарилиши лозим. Бунда ер текислаш мосламалари (длиннобазный планировщик)нинг техник созлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўтли майдонлардаги ажриқ, гумой илдизлари тозалаб териб олиниши керак.

№	Республика минтақалари	Экиш меъёрлари, кг	Мақбул экиш муддатлари
1	Шимолӣ минтақалар	200-240	1.IX-1.X
2	Фарғона водийси	180-230	15.IX-20.X
3	Марказий минтақалар	180-230	15.IX-15.X
4	Жанубий минтақалар	180-220	20.IX-20.X

Ер текислаш ишлари суғориш жараёнида сув қўллаш эҳтимоли батамом йўқ бўлгандан кейингина тугатилади. Агар далада сув қўллайдиган нотекис жойлар қоладиган бўлса, ниҳоллар униб чиққандан кейин, сув қўллаши оқибатида касалланиб нобуд бўлади ва келгусида айнан шу майдонларда занг касаллигининг ўчоқлари пайдо бўлади.

**Экишдан аввал албатта фосфорли ва калийли ўғитларнинг 100 фоизи ерга солинишини ва тупроққа аралаштиришни таъминлаш зарур. Фосфорли ва калийли ўғитсиз ғалла экмаслик керак.**

Ғўза қатор орасига ғалла экиш учун ер тайёрлашда энг муҳим агротехник тадбир бу — эгатларнинг тўлиқ бузилиши ва 15–18 см. ли юмошқ тупроқ қатламини ҳосил қилишга эришишдир. Бунинг учун культиваторнинг барча органларини тўлиқ ўрнатган ҳолда охириги сувдан кейин сифатли культивация ўтказилади.

Ғўза қатор орасига экиш олди-

дан ер тайёрлашда культиваторларни отряд усулида, яъни пахта териб олинган майдонларда ташкил этилса ер қисқа муддатда тайёрланади ва кесак кўчишининг олди олинади.

**Экиш.** Ғалладан юқори ҳосил олишининг асосий гарови экиш муддатларига қатъиян риоя қилишдир. Кўп йиллик тажрибаларга кўра, мамлакатимизнинг шимолий минтақалари — Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида экишни 1 октябрдан яқунлаш лозим. Бу муддат Фарғона водийси — Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида 15 сентябрдан 20 октябргача, марказий минтақалар — Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий вило-

ятларида 15 сентябрдан 15 октябргача, жанубий минтақалар — Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида 20 сентябрдан 20 октябргача тўғри келади. Ғалла экишни мақбул муддатдан 1 кунга кечиктириш гектардан 1 центнердан ҳосил йўқотилиши демакдир. Агар экиш 20 кунга кечикса, 20 центнер кам ҳосил олинади.

**Экиш меъёри экилаётган навнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда 1000 дона уруғлик вазнига қараб, 4,5–5,0 млн. дона уруғлик ҳисобида белгиланади.**

Агар бирор сабаб билан экиш муддати кечикса ёки қўшимча майдонларга кечроқ ғалла экиш зарурати туғилса, экиш меъёри 20–30 кг оширилади.

Уруғ экишда экиладиган навнинг хусусиятларига қараб мақбул экиш муддати белгиланади. Бунда биринчи навбатда ўрта кечпишар, ўртапишар ва охирида эртапишар навлар экилади.

Республикаимиз минтақалари-

нинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда эритроспермум (*erithrospermum*) тур хилига мансуб, яъни қилтиқли, эртапишар “Чиллаки”, “Андижон-4”, “Бобур”, “Ёғду”, “Звезда”, “Матонат”, “Ғозғон”, “Дўстлик”, “Яксарт”, “Есаул”, “Старшина”, лютесценс (*lutescens*) тур хилига мансуб, яъни қилтиқсиз, ўрта ва ўрта кечпишар “Аср”, “Андижон-2”, “Дурдона”, “Давр”, “Ўзбекистон-25”, “Дружба”, “Таня”, “Гром”, “Грация”, “Первица”, “Краснодарская-99”, “Зимница”, “Крошка”, “Юка”, “Васса”, “Лебедь”, “Бригада”, “Табор” каби навлардан бири танланади.

Кўп йиллик тажриба натижаларига кўра, республикаимиз ҳудудларида кузги бошоқли дон экинлари уруғини экиш ишларини 20 октябрга қадар тўлиқ яқунлаш мақсадга мувофиқ. Шунда униб чиққан майсалар қишлоғга туллаган ҳолда кириши таъминланиб, совуққа чидамлилиги ортади. Пировардида эрта баҳорда кўчат сийраклашмаган ҳолда ўсимлик ривожланиш фазалари жадал давом этади.

**Очиқ майдонларда ғалла экишда биринчи навбатда экиш ишларини махсус ғалла экиш сеялкаларида амалга оширишга эътибор қаратиш керак. Бунда уруғ бир хил чуқурликка тушади ва текис униб чиқади. Махсус СЗТ-3,6, СЗУ-3,6 ёки замонавий “Лемкен” сеялкалари ёрдамида бир вақтнинг ўзида ҳам уруғ, ҳам минерал ўғитни тупроққа аралаштириб экиб кетишига замин яратилади.**

Ғўза қатор ораларига экишда экиш ишлари махсус мосламалар ёрдамида амалга оширилиши ва бу мосламаларнинг ишга яроқлилиги ҳамда уруғнинг бир текисда ташлашига эътибор қаратилади.

Экиш пайтида кесакли тайёрланган майдонларда уруғ сепиш тавсия эътиломайди. Эгатлар тўлиқ бузилмаган, 15–18 см чуқурликда юмшатилмаган майдонларда ғалла экиш ўта салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Биринчидан, уруғ белгиланган чуқурликка тушмайди, иккинчидан, 20–30% уруғ ғўзапоя тагидаги юмшатилмаган қолган жойлар устида қолиб кетади, учинчидан кесакли экилган майдонларда 30–40% уруғ тупроқ билан аралашмай ке-



сак устида қолиб кетади. Бундай салбий ҳолатларнинг олди олинмаса, ниҳол белгиланган меъёрдагидан 30–40% кам бўлади. Қишлоқ даврида бу майдонларни совуқ уриши оқибатида эрта баҳорда қўчат сийраклашади, белгиланган кўчат сони бўлмайди.

**Кузги бошоқли дон экинларини экишда бу йил эрта баҳордан ёғингарчилик кам бўлганлиги, қурғоқчилик кузатилганлиги боис тупроқда намнинг етарли бўлмаганлигини ҳисобга олган ҳолда ғалла ниҳолларининг бақувват тўла униб чиқишини таъминлаш ҳамда қишқи тиним даврига киргунча озуқага бўлган талабини қондириш учун экиш билан бирга физик ҳолда 100 кг/га. дан азотли ўғитлар билан экишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шунда майсалар қишлоқдан талофатсиз чиқади.**

**Пешма-пеш суғориш.** Суғориш ишлари экиб бўлингандан кейин зудлик билан амалга оширилиши шарт. Шунда юзага тушган уруғларни қушлар еб кетишининг эҳтимоли пасаяди. Ғалла энг мақбул муддатларда экилган бўлсада суғорилмаса унинг униб чиқиш самардорлиги кундан-кунга пасая бориб, ернинг табиий намида 20–30% уруғлар бўртиб қолади.

Ўтган йили бу борада жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Аксарият фермерлар ғалла экилгандан кейин зудлик билан суғориш ишларига эътибор қаратмади. Суғориш ишлари кечиктирилган майдонлар-

да ерга сепилган уруғларнинг 20–25 фоизи нобуд бўлди. Бу эса ўз навбатида ҳосилдорликка таъсир этмай қолмайди.

Суғориш ишларини ташкил этишда бу йил сув танқислиги натижасида даланинг ҳар 50–60 метрдан кўндаланг ўқариқлар олиб ҳамда шарбат билан суғориш энг самарали усул ҳисобланади. Бунда дала қанчалик катта ва узун бўлмасин, дала-



нинг барча қисмида бир текисда нам сақланиб тўлиқ ниҳол олиш имконини беради. Аксинча, ўқариқлар олинмаса, дала бошларидаги ер кучли захлаб кетиб, дала охирида сув қўллайди, асосий ҳосил берадиган ўрта қисм яхши суғорилмаслиги оқибатида ҳосилдорлик пасаяди.

**Биринчи сувдан кейин 7–8 кунда майсалар тўлиқ униб чиқмаса, зудлик билан такрорий суғоришни ташкил этиш керак. Бунда даланинг чала суғорилган қисми алоҳида сувчилар назоратида 1 гектар майдонда 2 нафардан кам бўлмаган сувчилар ёрдамида бажарилиши керак.**

Экилган кузги буғдой кўп йиллик тажриба кузатув натижаларига қўра уруғ униб чиқиши учун кунлик ҳарорат 12–20°C бўлиб, фойдали ҳарорат йиғиндиси 120–140°C бўлади. Кузги тупланиш фазасида кунлик ҳарорат 8–12°C бўлса, фойдали ҳарорат йиғиндиси 250–320°C ни ташкил этади.

**Майсалар униб чиққандан кейин 20–22 кун давр ичида туплаш фазаси бошланади. Агар туплаш фазаси шу муддатдан кечикса зудлик билан маҳаллий ўғитлар ёрдамида шарбат усулида суғоришни ташкил этиш энг самарали усул ҳисобланади. Ғўза қатор орасига экилган майдонларда далани ғўзапоядан тозалаш ишлари декабрь ойининг ўрталарига тугатилиши лозим.**

Бундан ташқари ернинг унумдорлиги паст майдонларда ғалла ниҳоллари тупламасдан саргайиб қолса 1 га майдонга соф ҳолда 30–35 кг азотли ўғитлар билан қўшимча озиқлантириб суғориш яхши самара беради.

Ғалла ниҳолларини қишлоқга туплаган ҳолда кириши ниҳолларнинг совуққа чидамлилигини ошириши билан бир қаторда юқори ҳосилдорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Р.СИДДИҚОВ,**  
қ.х.ф.д.,

**А.МАНСУРОВ,**  
қ.х.ф.ф.д.,

**Н.ЮСУПОВ,**

илмий ходим, (Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти).

## **БОҒ-ТОКЗОРЛАРНИ ҚИШГА ТАЙЁРЛАШ**

**Жорий йил боғбону соҳибкорларимиз учун баракали келди. Боғ ва токзорларимизда ҳосил мўл ва сифатли бўлди. Халқимизнинг мева-узум маҳсулотларига бўлган талаби тўлиқ қондирилиб, бир қисми экспорт қилинмоқда.**

Ушбу ойда мевали ўсимликлардан олма ва нокнинг кеч қишқи навлари, беҳи, шарқ хурмоси ва анор навларининг мевалари, узумнинг қишқи Пушти тоифи, Нимранг навлари ҳам териб олиниб, боғларни қишга тайёрлаш керак бўлади.

**Боғларда меваларнинг барча турлари териб олингач, боғ-токзорларни келаси йили юқори ва сифатли маҳсулот олиш мақсадида мевали дарахтларни ҳамда токзорларда ток тупларини ҳозирдан қишнинг аёзли совуқларига чидамлилигини ошириш чораларини кўришни тақозо этади.**

Бунинг учун октябрь ойида боғ-токзорларда суғоришни батамом тўхтатиш зарур.

Жорий йилда мевали дарахтларда ва ток тупларида ҳосил кўп бўлганлиги боис, дарахтларда келаси йили ҳосили учун ҳосил куртаклари етарли даражада шакл-

ланмади. Келаси йили боғлардан имкон даражасида кўпроқ ҳосил олиш учун боғларда боғ қатор ораларини ҳайдашдан олдин, уларни кузги озиқлантириш, яъни ҳар бир гектар боғга 15–20 тонна чириган гўнг, минерал ўғитлардан соф ҳолда 180 кг фосфор, 90 кг калий ўғитини солиб, бўз тупроқли суғориладиган боғларда дарахтларнинг қатор оралари 25–30 см, шағалли ерларда 10–15 см чуқурликда шудгор қилиш керак. Бунда юза жойлашган илдишлар шикастланмайди. Тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида боғлар қатор ораларига сидерат ўтларни экиш ҳамда баҳорда уларни ҳайдаб ташлаш ҳам яхши натижа беради.

**Боғларда кўплаб касаллик ва зараркундаларнинг замбуруғлари дарахтларнинг ёриқликларда қишлайди. Уларни қириб ташлаш мақсадида дарахтларнинг танаси оқланади.**

Дарахтларнинг танаси оқланганда улар қишки со- вуқлардан ҳам ҳимоя қилинади. Бунда 2 кг тупроққа 1,5–2 кг оҳак аралаштириб, ҳар 10 л эритмага озроқ мол шатмоғидан қўшиб, уни суяқ қаймоқсимон масса ҳолига келтириб, дарахт танасини ҳамда она шохлар- ни тўлиқ оқлаш зарур. Ушбу суяқлик данакли мева дарахтлар (ўрик, шафтоли, гилос, олча ва ҳ.к.)га ай- ниқса яхши самара беради. Бунда ҳар 10 л эритмага 80–100 г мис купоросини сувда эритиб, қўшиб юбо- рилса самараси янада ортади.

**Уруғли боғлар (олма, нок, беҳи)да тўкилган барг- ларда касаллик ва зараркунанда юқумлари сақланади, шунинг учун боғлар қатор ораларидаги тупроқ ағдариб ҳайдалади. Ҳайдалмай қолган ҳар бир дарахт атрофи 25 см чуқурликда ағдариб чопилади. Касалланган, син- ган шохлар, қуриб қолган дарахтлар қирқилади ва боғ ташқарисига чиқариб ташланади. Об-ҳаво шароитига қараб, октябрь ойи охирида дарахтларнинг барги ёппа- сига тўкилса, замбуруғ касалликларига қарши Бордо суяқлигининг 3 фоизли ёки 6 фоизли карбамид эрит- маси билан яхшилаб ювиш керак.**

Резавор мевали ўсимликлар (қулупнай, қорағат, малина)га алоҳида эътибор қаратилади. Қулупнайзор- лар бегона ўтлардан тозаланиб, қатор оралари куль- тивация қилиниб, ўсимликнинг икки томонига қишки совуқдан ҳимоя қилиш мақсадида органик ўғит – гўн солинади. Ой давомида ёғингарчи- лик бўлмаса, қулупнайзор бир марта суғорилади.

Қорағатнинг синган, қуриган шохлари кесиб ташланиб, қора- ғат тупларига шакл бериш, қир- қиш ва сийраклаштириш ишлари олиб борилади. Қорағат туплари- даги эски беш йиллик шохлари кесиб ташланади, бунда туп ичи очилади. Янги ўсиб чиққан бир йил- лик новдалардан 5–6 таси қолди- рилиб, қолган новдалар кесиб ташланади. Туп атрофи чопилиб,

қатор ораси 20–25 см чуқурликда ҳайдалади. Ҳайдов- дан олдин қорағат қатор орасига 15–20 т гўн ёки ми- нерал ўғитлардан соф ҳолда фосфор 120 кг, калий 60 кг ҳисобида солиб озиқлантирилади. Тупроқда на- млик етарли даражада бўлмаса, 1 марта суғорилади.

**Малиназорда ҳосил бериб бўлган шохлар қурий бош- лади. Бундай шохлар ер билан бир текисликда кесиб ташланиб, янги новдалардан ҳар бир тупда 12–15 та шохлари қолдирилади. Нимжон, касалланган, синган новдалар кесиб ташланади. Бир йиллик ўсган новдалар жуда узун бўлиб ўсган бўлса, бундай новдаларнинг 1,5–1,6 метрдан юқори қисми кесиб ташланади.**

Цитрус ўсимликлари асосан иссиқхоналарда ҳамда ҳандакларда ўстирилиши боис ушбу ойда иссиқхона- лар ва ҳандакларнинг тепа қисми ёпилади. Цитрус ўсим- ликларнинг мевалари пиша бошлайди. Иссиқхона ва ҳандаклар ёпилгач, улар ичидаги ҳарорат, ташқари- даги ҳароратга нисбатан 1,5–2 баробар кўтарилади. Бу вақтда ўсимлик тиним давридан қулай шароит ярати- лиши билан вегетация давом этади. Бунинг олдини олиш мақсадида иссиқхона, ҳандаклар дарчалари ва туйнуқлари очилиб шамоллатиш яхши натижа бера- ди. Цитрус ўсимликларининг дарахтларини иссиқхо- наларда кўпинча юмшоқ сохта қалқондор, ўсимлик битлари, каналар зарарлайди. Ушбу зараркунандалар- нинг олдини олиш мақсадида уларга қарши Омайт (10 л сувга 3–4 г), Данадин (10 л сувга 10 г), Нигуол,

Алтикор (10 л сувга 1,5 г), Вертемэкс препаратини 0,5–0,8 фоизли қилиб сепса ҳам бўлади. Препаратлар ўсимликнинг ҳамма қисмига, айниқса, баргларининг пастки тарафидан пуркалади.

Цитрус ўсимликларининг оқ каналарига қарши Ни- гуол, Алтикор (10 л сувга 1,5 г) эрталаб ва кечқурун- лари, яъни каналар ёппасига учиб чиққанда пуркала- ди. Бу иш 8–10 кунда такрорланади. Цитрус ўсимлика- рининг баргларидаги қорақуясимон замбуруғлар ва оқ чириш касалликларини сув билан ювганда улар кет- майди. Бунинг учун барглар 1 фоизли Бордо суяқлиги ёки 0,5 фоизли мис хлор оксиди эритмаси билан қўшимча пуркалганда улар йўқ қилинади. Цитрус ўсим- ликларини октябрь ойида бир марта қорамол гўнги билан парранда гўнгини тенг миқдорда олиб сувда яхшилаб аралаштириб суғорилса, ўсимликларнинг со- вуққа чидамлилиги ортади. Ҳаво ҳарорати иссиқ бўлса, суғоришни яна 1–2 марта қайтариш мумкин.

Республикамызда айрим йиллари қишда ҳаво ҳаро- рати –25–30°C гача пасаяди, бу ток тупларини қишда ерга кўмишни талаб этади. Шунинг учун ушбу ойда ток тупларига шакл бериб қирқиш, қўндоқлаш ва кўмиш ишлари бажарилади. Ток кўмилмайдиган жанубий мин- тақаларда кузда ток туплари кесилмайди, чунки кесил- ган токнинг совуққа чалиниши кучаяди. Кесилмайдиган ток тупларининг нави ёки симбағазнинг турига қараб шакл берилади. Ток тупларини кесишда биринчи галда оидиум (кул), антракноз, милдью, бак- териал рак билан зарарланган новдалар ва занглар қирқиб оли- ниб, токзордан чиқариб ёкиб юборилади. Кўпинча фермер хўжаликларида деҳқонлар ток тупларини ёпиш учун қирқилган новдалардан фойдаланишади. Бунга асло йўл қўймаслик зарур. Чунки турли касаллик юқумла- ри бўлган барг ва новдалар кел- ласи йили уларнинг янада

кўпроқ тарқалишига замин яратади. Ток туплари кесилгач, улар қўндоқланиб, ерга ётқи- зилади. Уларни кўмишдан олдин оидиум (кул), ан- тракноз, милдью ва бактериал рак касаллик юқумла- рига қарши 3 фоизли Бордо суяқлиги ёки 5 градусли оҳак-олтингургурт (ИСО) қайнатмаси ёки мис куппро- сининг 3 фоизли эритмаси билан пуркаш зарур. Ток туплари шимолий минтақаларда 25–30 см қалинли- кда тупроқ билан кўмилади. Бошқа минтақаларда эса тупроқ қалинлиги 20–25 см бўлиши керак. Тупроққа ток кўчатини яхши кўмилиши учун тупроқдаги на- млик 70–80 фоизни ташкил қилиши керак. Бунинг учун ток туплари қўндоқлангандан сўнг ёки олдин токзор енгил суғорилиши зарур.

Токзорлардан келаси йили мўл ҳосил олиш учун токзорларни озиқлантириш талаб этилади. Бунда ток- зорларда гектарига 15–20 т миқдорда органик ўғит, 90 кг фосфорли ва 60 кг калийли ўғит солиш керак. Ушбу тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарил- са, келаси йили мева-узумдан мўл ҳосил олишга за- мин яратилади.

**Р.АБДУЛЛАЕВ,**  
қ.х.ф.н.,

**Х.АБДУЛЛАЕВА, Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ, С.ШОДИЕВ,**  
илмий ходимлар,

**А.ҚОСИМОВ,**

докторант, (Академик М.Мирзаев номидаги БУВАВИТИ).





## САБЗАВОТ ВА КАРТОШКА МАҲСУЛОТЛАРИНИ СИФАТЛИ САҚЛАШ



Мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш миқдори йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу аҳолини йил бўйи арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бермоқда.

Тадқиқотларга кўра, очик жойда ёки бостирма остида қолдирилган редиска, укроп, исмалоқ каби экинлар бир кеча-кундуз давомида вазнини 8–10, боғ-боғ қилиб сотиладиган пиёз, хўраки лавлаги, сабзи 5–7, бодринг, карам 3–5 фоизгача йўқотади. Ушбу маҳсулотлар омборларда сақланса, вазнини йўқотиш кўрсаткичи икки-уч барабар камроқ бўлиб, сунъий совутиладиган омборларга сақланган ҳолда маҳсулотнинг табиий камайиши 0,5–1,0 фоиздан ошмайди. Сернам шароитда сақланган маҳсулотларнинг вазни деярли йўқотилмайди.

Ўзбекистон иқлим шароити иссиқ минтақа ҳудудига тааллуқли бўлиб, йил фаслининг ҳар бир даврида ҳароратнинг ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Сабзавот, полиз, картошка ва ҳар хил кўкат ўсимликлари маҳсулотни sanoat шароитида сақлаш анча мураккаб вазифадир. Шунинг учун мева ва сабзавотларни сақлаш даврида сифатига таъсир қиладиган ҳамма жараёнларни ва омилларни кўра билиш зарур. Илмий ечимлар, кўп йиллик тажрибалардан кўриниб турибдики, сақлаш шароитларини такомиллаштириш, маҳсулотга ҳар хил физик-кимёвий усуллар билан ишлов бериш, қулай ва янги хилдаги идишларга жойлаш, сақлаш билан боғлиқ ишларнинг бажарилишида механизациядан етарлича фойдаланиш ҳамда кўпгина бошқа

омиллар сақловдаги маҳсулотларнинг товарлигини ва сифатини ҳимоя қилиб, чиқитлар миқдорини камайитиришга олиб келади.

Сабзавот ва меваларни тежамкорлик билан сақлаш хусусиятига эга бўлишдаги асосий омиллардан бири унинг сақлашга мойиллиги, биологик ва навдорлик хусусиятларидир. Бу, биринчи галда, нав яратишда сақлаш талабларига жавоб берадиган мойилликка эга бўлишни кўзда тутиб, муайян вақт сақлангандан сўнг истеъмолчиларга сифатли маҳсулот етказишни ҳисобга олиш керак. Кўпгина янги сабзавот, полиз ва картошка навлари мавжуд, улар ҳар хил муддатларда пишиб, турлича сақланиш хусусиятига эга. Улар орасида узоқ муддатга сақланиш хусусиятига эга бўлганлари ҳам бор. Аммо бу навлар юқори ҳосил бериш талабларига жавоб бермайди. Хўжаликлар эса серҳосил навлардан фойдаланадилар, бироқ улар унинг сақланишига катта аҳамият беришмайди. Бунинг натижасида маҳсулотлар сунъий совутиладиган омборларга сақлашга келтирилганда сақлаш талабларига жавоб бермапти ва мейёрдан ортиқ чиқитлар чиқишига сабаб бўлмоқда.

Картошка ва сабзавот маҳсулотларни сақлашга ўстириш давридаги ҳаво ва тупроқ намлиги ўз таъсирини кўрсатади. Аниқ таҳлилларга кўра, вегетация даврида тупроқ намлиги 55 фоиздан 85 фоизгача оширилса, картошкани сақлаш давридаги чиқитлар 1,5–2,0 баробар кўпаяди. Олимларнинг тавсияларига кўра, карам сақлаш учун етиштирилса, тупроқ намлиги 70 фоизгача ушлаб турилиши керак. Пиёз учун тупроқ намлиги

80 фоизгача бўлиб, пиёз барглари ёта бошламасдан 2 ҳафта олдин суғоришни тўхтатиш лозим.

Сабзавотларни терилгандан кейин ташиш ва сақлашда муқобил шароит яратиш учун дастлаб ҳароратни тезлик билан пасайтириш талаб қилинади. Бунда совутилган ҳаво, вакуум-буғлатгич ёки совуқ сув воситасида ҳароратнинг пасайтириш усулларини қўллаб, энг кўп тарқалгани – совуқ ҳаво ёрдамида бажарилади.

Совуқ ҳаво билан маҳсулотнинг дастлабки ҳароратини пасайтириш совутиладиган хонага мунтазам совуқ ҳавонинг юбориш ҳисобига эришилади. Сабзавотларни терилгандан сўнг, қанча тез ҳарорати пасайтирилса, унинг совуқ шароитида сақланиш муддати узайиб, сифати ҳам юқори бўлади. Кузатувларга қараганда, сабзавотлар меваси тўқимасининг умри 25°C ҳароратда икки кунга тенг бўлса, 15°C да тўрт кунга, 10°C да саккиз кунга ва ниҳоят 0°C да 16 кунга чўзилади. Шунинг учун ҳам сабзавот сақлашдан олдин совутиш катта аҳамиятга эга.

Ҳарорат паст бўлиши сабзавотларнинг нафас олиши суръатининг кайтириб, ўсимлик тўқималардаги энергетик жараёнларни сусайтиради. Уларнинг пишиб етилиши секинлашиб, маҳсулотнинг таъми, хушбўйлиги, витаминлар, органик кислота миқдори ва бошқа фойдали сифат кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгаради. Аини вақтда совутилган сабзавотларнинг касаллик чақирувчи воситаларга бардош бериши ортиб, уларнинг узоқроқ сақланишига эришилади. Аини вақтда совутилган сабзавотларнинг касаллик тарқатувчи воситаларга бардош бериши ортиб, уларнинг ўзоқроқ сақланишига эришилади. Совуқ ҳароратда сақлаш чиқитни юзга келтирувчи замбуруғлар, бактериялар, ачитқиларнинг ривожланишига тўсиқ бўлиб, сабзавотни сақлаш муддатини бир неча ҳафтадан бир неча ойгача (тур ва навга қараб) узайтиради.

**Картошкани сақлаш.** Такрорий экин сифатида буғдойдан кейин экилган картошка октябрь ойи охири-ноябрнинг бошларида қовланади. Қовлаб олинган ҳосил омборга келтирилганидан 20–25 кун ўтгач, уларни саралаб, лат еган ёки димиқш туфайли зарарланганларидан ҳоли қилиб сақлашга қўйилади.



Агар даладан келтирилган картошка дарҳол сақлашга қўйилган бўлса ташқи кўринишидан зарарланганлиги сезилмайдиган айрим туганаклар 10–15 кундан кейин сасий бошлайди ва чиқит кўпайишига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, сақланаётган картошкани 2–3 ойдан кейин албатта саралаш зарур.

Картошка одатда совутгичли ёки оддий омборларда контейнер, яшчик, тўрхалта, тўкма ҳолда сақланади. Омборда ҳарорат 2–4 даража илиқ, нисбий намлик 80–85% бўлса, маҳсулот яхши сақланади. Бундай шароит сунъий совутиладиган омборхоналардагина яратилади.

**Картошкани омборда сақлаш имконияти бўлмаган шароитда сизот сувлари яқин бўлмаган ерларда қовланган ўраларга қўмиб сақлаш мумкин.** Бунда ўранинг эни 60–70, чуқурлиги 70–80 см, узунлиги 2–3 м бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўрага картошка жойлангач, устига 10–15 см қалинликда похол ёки қамиш ёпилади, сўнгра устидан 30–35 см қалинликда тупроқ тортилади. Картошка шундай шароитда апрель ойгача яхши сақланади.

Картошкани уй-рўзғор шароитида сақлаш учун ёруғ тушмайдиган жой танланиши керак. Чунки ёруғ тушадиган жойда туганак устида кўк ранг пайдо бўлиб, соланин моддаси кўпаяди ва аччиқ бўлиб қолади.

**Пиёз сақлашдаги асосий вазифа** маҳсулот сифатини пасайтирмастикдир. Сақлаш муддати мумкин қадар узокроқ бўлишини таъминлаш лозим. Пиёз совутгичли омборларда тўр халталарда турли ҳажмли яшчик ва контейнерларда штабелланиб 1–3°C гача пасайтирилган ҳароратда сақланиши мақсадга мувофиқ. Умуман, яхши пишиб етилган пиёз +18°C да ҳам яхши сақланади.

Маҳсулот сақланадиган жой қуруқ, ҳавоси алмашиб турадиган бўлиши керак. Хонадаги ҳарорат илиқ, нисбий намлик 70–75% атрофида бўлгани маъқул. Пиёз музлаб қолгандан (-30–50°C) сўнгра ҳам ўз ҳолига келиши мумкин. Аммо бу ҳол қайта-қайта такрорланса, маҳсулот сифати бузилади.

Пиёз сақланадиган жойда намлик 75 фоиздан ошадиган бўлса, салбий таъсир этади. Бундан ташқари, вегетация даврида пиёз трипс касаллигига чалинган бўлса, узок муддатли сақлаш даврида ост ва бўғиз чириш касаллигига чалиниши, илдиз чиқариб кўкариши мумкин. Шунинг учун омборни доимий назорат қилиб туриш талаб этилади. Трипсга нисбатан чидамлиси “Қоратол”, “Испанский-313” навлар ҳисобланади.

**Сабзини сақлаш.** Сақланадиган сабзини қовлашдан 10 кун олдин суғориш яхши самара беради. Саб-



зи барги сарғайгандан кейин қовланиб, баргидан тозаланади ва сақлаш жойига келтирилади. Сабзи совутгичли омборларда контейнер ва 30 кг. ли яшчикларда 0–2°C ҳароратда, нисбий намлик 90–95% бўлган шароитда яхши сақланади.

**Сабзини эни 50–60, чуқурлиги 80–90 см, бўйи 2,5–3 м ўрада сақлаш ҳам мумкин.** Ўра тупроғи нам бўлиши ва унга ўт ёки барг тушмаслиги талаб этилади. Ўрага сабзи тўлдириш вақтида эланган қум солиб борилса, сабзи сўлимайди ва узок сақланади. Ўра тўлдирилгандан кейин усти похол ёки қамиш (5–10 см) билан ёпилади ва 30–35 см тупроқ тортилади.

Сабзини январь-февраль ойларигача салқин ертўлаларда полиэтилен қопларда, яшчикларда (ичига полиэтилен тўшама қилиб) сўлимаслиги учун устига қум ёки нам тупроқ билан ёпиб қўйиб, кунлик эҳтиёж учун ишлатиб бориш мумкин.

**Турпни сақлаш.** Турпни узок муддат сақлаш учун ҳар бири ўртача 300–500 г келадиганлари танланади. Турп йиғиб олинанишидан олдин баргини пичоқ билан кесиб, суви

селгигач қўлда суғориб олинади. Турп сақланадиган ўрани офтоб тушмайдиган, нам ерлардан қовлаш зарур. Турпни кундалик ишлатиб туриш учун ертўла ва шунга ўхшаш салқин жойларда полиэтилен қопларда сақлаш мумкин. Узок муддатга сақланиши учун ўрага қўмилади.

Турп сақланадиган ўра эни 70, чуқурлиги 90–100 см бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўрага солинаётганда барг, ўт ва бошқа чиқиндилар, кўкатлар тушмаслиги керак. Ўра тўлишига 10 см қолганда 30 см қалинликда тупроқ ташланади ва икки томони нишаб қилиб теқисланади.

**Шолғомни сақлаш.** Шолғомни сақлаш ҳам турпнигача ўхшаш бўлиб, нисбатан нозикроқ ҳисобланади. Шу боис ўранинг эни 60–70, чуқурлиги 80–90 см, бўйи 1,5–2 м қилиб қовланади. Кўкламда ўра очилиб шолғом сараланади ва захроқ хона ёки ертўлаларда қум остида сақланади.

**Хўраки лавлаги (қизилча) ҳам худди шолғом сингари сақланади.** Карамни сунъий совутиладиган омборхоналарда 0–3°C ҳароратда 4 ойгача (март охирларигача) сақлаш мумкин. Қисқа муддат сақланадиган карам турлари табиий шароитда чуқур ертўлаларда, биноларнинг соя-салқин томонларида уюм ҳолида, устига барглари ёпиб қўйиб сақланади.

**Карамни сақлаш.** Эртаги карамни совутгич хонада -1°C ва +1°C даги ҳароратда оғзи ёпиқ полиэтилен қопларда 80 кунгача сақлаш мумкин. Кечки карамни сунъий совутиладиган омборхоналарда 0–3°C да 4 ойгача (март охирларигача) сақлаш мумкин.

Карам фақат пасайтирилган илиқ ҳароратда сақланади. Қисқа муддат сақланадиган карам туплари табиий шароитда чуқур ертўлаларда, биноларнинг соя-салқин томонларида уюм-уюм буртлар ҳосил қилиб, улар устига барглари ёпиб қўйиб сақланади. Бунда иложи борича -2–3°C ҳарорат вужудга келтирилса, карам 2 ойгача яхши сақланиши мумкин.

**Ф.РАСУЛОВ,**  
қ.х.ф.ф.д.,  
**Д.ТУРСУНОВ,**  
к.и.х., (СПЭваКИТИ)

## КУЗГИ РАПС – БЕБАҲО МОЙЛИ ЭКИН

**Деҳқончиликда рапснинг икки – баҳорги ва кузги тури мавжуд. Кузги рапс фойдаланилишига қараб мойли экинлар гуруҳига киради ва асосан мой олиш учун экилади. Бугунги кунда рапс дунё деҳқончилигида 30 млн. гектарга яқин майдонда етиштирилмоқда. Жумладан, Хитойда 7,3, Ҳиндистонда 6,7, Россияда 1,5, Германияда 1,3 млн. гектарни ташкил қилади.**

Кузги рапс мой берувчи истиқболли ўсимликлардан бири бўлиб, уруғидан ўсимлик мойи олинади. Бир гектар ерга кузги рапс экилганда 10 ц мой ва 5 ц оқсил олиш мумкин. Кейинги йилларда яратилган рапс навлари уруғлари таркибида 45–48% мой, 20–22% оқсил мавжуд.

Рапснинг мойи ўз хусусиятига кўра, чала қурийдиган мой бўлиб, озиқ-овқат саноатида, полиграфия ва тери ошлаш саноатида ишлатилади. Бундан ташқари рапс мойи лак-бўёқ ва каучук олишда, тўқимачиликда сунъий матолар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Рапс гуллари сариқ рангли, жуда чиройли кўринишда бўлганлиги учун ариларни ўзига тез жалб қилади ва асалчил ўсимлик ҳисобланади.

Рапс гуллари эрта баҳордан бошлаб бир-бир ярим ой давомида очилиб туради. Бир гектар рапс майдонидан 90 кг. гача асал олиш мумкин. 100 кг рапс уруғидан 56 кг. гача кунжара олинади. Кунжарасида оқсил миқдори 38–40 фоизни ташкил этади. 100 кг кўк массасида 16 озуқа бирлиги бўлиб, унда 190 г ҳазм бўладиган протеин мавжуд.

Рапснинг кўк массаси эрта баҳорда чорва моллари учун тўйимли озиқа бўлиши мумкин, аммо тез ўрб олинмаса, кейинчалик барглари моллар яхши емайди. Рапсни

оралиқ экин ва кўк масса учун ҳам экиш яхши натижа беради. Молларга рапсни кўклигича, сенаж, силос, ўт уни ҳолида бериш мумкин.

Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда узоқ йиллар рапсдан оралиқ экин сифатида фойдаланиб келинган ва бу борада бир қатор илмий ишлар бажарилган. Собиқ Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида профессор Е.П.Горелов раҳбарлигида ҳамда Тожикистон Деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида илмий изланишлар олиб борилган.

Рапс сидерат экин сифатида қовун навлари касалликларига қарши курашда яхши самара беради. Рапснинг яхши жиҳати шундаки, у тупроқни тозалайди, кислотали тупроқларни меъёрга келтиради.

Ҳозир селекцияда мойи таркибида эрук кислотаси бўлмаган рапс навлари яратилмоқда.

Кузги рапс қишки совуқларга нисбатан чидамли. Майсалари қор тагида қолганда совуққа чидамлилиги янада юқори бўлади. Қорсиз пайтда майсалар -12–15°C совуқда нобуд бўлади Баҳорда 2–3°C да ўса бошлайди ва қисқа муддатли -10°C совуққа бардош беради.

Рапс намга талабчан. Тупроқда ҳаво ҳарорати куруқ бўлса, ўсимлик паст бўйли бўлиб, яхши ривож-

ланмайди. 30–32°C ҳаво ҳароратида нам етарли бўлганда яхши ўсади.

Рапс нисбатан шўрланган ва қумоқ, оғир соз тупроқларда яхши ўсмайди. Ўтлоқ ва бўз ҳамда ўртача шўрланган тупроқларда жуда яхши ўсади. Кузги рапснинг ўсув даври 220–240, баҳорги рапсники эса 120–140 кунни ташкил этади. Рапс чорва моллари учун ем-хашак мақсадларида, гуллаш фазасида ўрилади. Кейинчалик, кўзоқлаганда моллар яхши емайди.

Алмашлаб экишда карамгуллилардан бошқа ўсимликлар рапс учун яхши ўтмишдош бўла олади. Рапснинг ўзи ўтмишдош ўсимликларга унча талабчан эмас.

Рапс майдонига 4–5 йилдан кейингина рапс экиш мумкин, акс ҳолда касаллик ва зараркундандалари кўпайиб кетади. Бир далага такроран эрмаган маъқул.

Рапс экиладиган ерларни кузда 27–30 см чуқурликда ҳайдаб, гектарига 10 т гўнг ва 30–35 кг (соф ҳолда) фосфорли ўғитлар солинади. Рапс экиладиган дала текис ва нами етарли бўлиши зарур. Тупроқда нам етарли бўлганда рапс уруғлари 3–4 кунда униб чиқади. Агар дала нотекис бўлса, рапс уруғлари жуда майда бўлганлиги боис униб чиқиш миқдори пасайиб кетади.

Экиш даврида ерлар, албатта оғир молалар билан молаланиши



зарур. Бундан ташқари, бегона ўтларнинг уруғи бўлмаслиги керак. Чунки бу ўсимлик ўсув даврининг бошида суст ўсади ва бегона ўтлар тупроқдаги бор озукани ўзлаштириб олади.

Кузги рапсни октябрь ойи бошларида ерни суғориб тезлик билан экиш лозим, чунки 8–10 та барг чиқарган пайтда қишки совуқларга чидамли бўлади. Агар экиш муддати кечикса, ўсимлик ўзи учун зарур бўлган озукани моддаларини ҳужайра ширасида тўплай олмагани учун нобуд бўлади.

Кузги рапс асосан кенг қаторлаб (60–70 см) экилади, тор қаторлаб экиш ҳосилнинг пасайишига олиб келади. Рапс мой олиш учун экилганда 2–3 марта культивация қилиб, жўяк тортилади. Культивация билан бирга қатор ораларига минерал ўғитлар билан озиклантирилади. Эрта баҳорда гектарига 60 кг азот, 45 кг фосфорли ўғит берилди. Озиклантириш икки марта ба ўтказилади.

Кузги рапсни мой олиш учун экилганда экиш меъёри гектарига 6–7 кг, сидерат учун экилганда эса

10–12 кг. Бир гектар майдонга мой учун 1,2–1,5 млн. дона унувчан уруғ экилади.

Уруғлар яхши текисланган тупроқларга 2–3 см чуқурликка дон ёки сабзавот сеялкалари билан экилади. Мой олиш учун экилганда кенг қаторлаб экиб, қатор ораларига ишлов бериш мақсадга мувофиқ.

Кузда ҳаво илиқ келиб, бегона ўтлар униб чиқса, албатта, бир марта культивация қилиш зарур. Кузда ёғинлар ёғмаса, албатта сув берилди, бунга сабаб рапс имкон қадар яхши ўсиб, қишки совуқларга чидамлилигини ошириш зарур. Қишларга кетаётган ўсимликда камида 8–9 дона барг ҳосил бўлиши ва поясининг баландлиги 15 см. дан баланд бўлса, қишки совуқларга яхши бардош беради.

Баҳорда икки марта культивация қилинади, минерал ўғитлар билан озиклантирилади, ерости сувларининг жойлашишига қараб суғорилади. Ерости сувлари юза жойлашган дарё воҳалари бўлса 2 марта, ерости сувлари чуқур жойлашган бўлса, 3–4 марта сув берилди.

Нам билан етарли таъминланган пайтда рапс ўсимлигинининг ҳосилдорлиги яхши бўлади, уруғлари яхши етилади. Рапс ўсимлигининг ҳам касаллик ва зараркуналари мавжуд бўлиб, уларга кимёвий усулларда қарши курашилади.

Умуман, рапс уруғини юртимизнинг қуруқ иқлимидида икки фазада йиғиштириш яхши натижа беради. Ҳосил комбайнларда ўриб олинади, ўриш пайтида уруғнинг намлиги 30–40% бўлиши лозим. Дастлаб чала пишиб етилган уруғлари билан ўсимлик ўриб хирмонга тўпланади ва кейин тоза пишиб етилгандан сўнг янчиб олинади.

Ўзбекистонда рапс асосан кузда экилганда жуда яхши самара беради. Кўк поя ҳосилдорлиги гектарига 320–350 ц, уруғлари юқори агротехникада 25–27 ц. ни ташкил қилади.

**Д.ЁРМАТОВА,**  
*профессор,*

**Х.ХУШВАҚТОВА,**  
*доцент,*

**С.ЯКУБОВ,**  
*изланувчи.*

## РОМАН БОБОНИНГ «АРАЗ»И ВА «ЗАВҚ»И

**Хизмат сафари билан Пахтакор туманига ташриф буюрганимизда Ўзбекистон Республикаси Президентини учун “Ташаббус-2018” кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилаётган экан. Ҳокимликнинг Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Алишер Очилдиев бизни танлов иштирокчиларининг фаолияти билан танишишга таклиф этди.**

Мўъжаз, аммо нозик дид ва маҳорат билан безатилган кўргазма майдонини айланар эканмиз, ўзининг “Араз” деб номланган экспозиция тўплами билан иштирок қилаётган 71 ёшли Роман бобонинг экспонатлари эътиборимизни тортди.

Бульдозерчилик касбини эъзозлаб, анча йиллар туман қурилиш корхонасида ишлаган Хачян Роман Александрович нафақага чиққач, севимли хоббиси — ёғочга ишлов бериб, турли устакорлик буюмлари яшаш билан шуғулла-



на бошлади. Ушбу ажойиб экспонатлар туфайли бугун уни нафақат туманда, балки вилоятда кўпчилик яхши танийди. Эътиборлиси шундаки, у турли дарахт бўлаклари, ёғочлар, темир-терсақлардан кишини ҳайратлантирадиган ҳар хил ажойиб ишланмалар ярагади.

У маҳорат билан ясаган “Ўрмон мушуги”, “Қўшиқчи”, “Деҳқон”, “Ҳинд маликаси”, “Бобо”, “Ўзбек оиласи”, “Завқ” каби жамланмалар кўрик-танлов иштирокчиларига айниқса манзур бўлди.

Роман бобонинг экспонатлари Ўзбекистон Республикаси Президентини учун ўтказилган “Ташаббус 2018” кўрик-танловининг туман босқичида “Энг яхши ҳунарманд” йўналиши ғолиби бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Суратда: Хачян Роман ўз экспонатлари ёнида.*



## МЕВА ВА УЗУМЧИЛИКНИ ИLMИЙ АСОСДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

**Жорий йилнинг 10 сентябрь куни Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида мазкур муассаса ташкил этилганлигининг 120 йиллиги муносабати билан “Минтақалараро мевачилик ва узумчиликнинг ҳолати, муаммолари, истиқболлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Б.Юсупов, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори Ю.Саимназаров ва бошқалар кейинги йилларда Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан иқтисодиётнинг барча жабҳалари сингари аграр соҳани ҳам жадал ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, мева ва узум ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириш, бозорларимиз тўкинлигини таъминлаш, аҳоли турмуши фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар тизимли равишда амалга оширилаётганлигини алоҳида қайд этди.

Таъкидлаш жоизки, республика-мизда боғлар майдони 1991–2017 йилларда 138,6 минг гектардан 272,7 минг гектарга, токзорлар 94,5 минг гектардан 148,6 минг гектарга кенгайтирилди. 2010 йилдан буён мамлакатимизда 50 минг гектардан ортиқ майдонда интенсификация мевали боғлар яратилди.

Натижада биргина 2017 йилда турли аминокислоталар, витаминлар, минерал моддалар, микроэлементларга бой 3 миллион тоннадан зиёд мева ва узум маҳсулотлари етиштирилди. Бу 1991 йилга нисбатан 5,3 марта кўп демакдир.

Кейинги 10 йил мобайнида ҳосилдорлик боғдорчиликда гектардан 61,6 центнерга ва узумчиликда эса 62,1 центнерга ошди.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 80 дан зиёд давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқда. Ўзбекистон ўрик, олхў-

ри, узум ва бошқа кўплаб мева ҳамда сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган етакчи ўнта давлатлар қаторига кириди.

Бундай салмоқли кўрсаткичлар-



га эришишда 1898 йилда Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси негизда ташкил қилинган, 2010 йилдан бошлаб академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига айлантирилган муассаса жамоасининг ҳам ҳиссаси катта.

Ўтган давр мобайнида институт селекционер олимлари томонидан истеъмол хусусиятлари юқори, мамлакатимиз минтақаларининг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос, серҳосил мева, резавор экинлар ва узумнинг 160 дан ортиқ янги нави яратилиб, амалиётга жорий этилган.

Кейинги тўрт йил мобайнида олманинг “Феруза”, “Ҳаёт” узумнинг “Мускат Орзу”, “Мускат Шавқи”, “Кишмиш Мотруди”, “Кишмиш Самарқанд”, қулупнайнинг “Ўзбекистон гўзали”, қорағатнинг “Рухсона”, “Олтиной”, бодомнинг “Зарина”, фундуқнинг “Ўзбекистон”, лимоннинг “Мейер”, апельсиннинг “Гамлин”, мандариннинг “Климентин” каби нав-

лари Давлат реестрига киритилди.

Бундан ташқари, институт олимлари томонидан яратилган 18 та янги ҳамда истиқболли мева-узум навлари давлат нав синаш комиссияси синовида топширилган.

Бугунги кунда институт олимлари томонидан соҳанинг долзарб йўналишлари бўйича қатор фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Институтда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли илмий-амалий алоқалар ўрнатилган. Хусусан, 2015 йилда АҚШнинг халқаро алоқалар агентлиги USAID билан ҳамкорликда замонавий “In-vitro” лабораторияси ташкил этилган. Бугунги кунда бу ерда вирусиз интенсификация кўчатлар (ёнғоқ, узум, ток, шафтоли, ўрик, бодом) пайвандтагларини кўпайтириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги JICA, Россиянинг М.А. Лисавенко номидаги Сибирь боғдорчилик илмий-тадқиқот институти, Хитой Халқ Республикаси Шинжон қишлоқ хўжалик академиясининг Шинжон боғдорчилик институти, Шинжон ўсимликларни ҳимоя қилиш институти, Жанубий Кореянинг КОPIA Халқаро ҳамкорлик агентлиги каби қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда янги навлар яратиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, лабораторияларни жиҳозлаш, ходимларнинг малакасини ошириш ва тажриба алмашиш ишлари амалга оширилмоқда.

Конференцияда кейинги йилларда дунёда иқлим ўзгариши оқибатида юзага келаётган экологик омиллар селекционерлар олди-га янги талабларни қўяётганлиги таъкидланиб, тажрибаларда сув танқислиги ва қурғоқчил шароитга мослашувчан, ўта иссиқ ҳароратга бардошли, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил навларни яратиш масалалари атрофида муҳокама этилди.

**О.НОРБЕКОВ,**  
ўз муҳбиримиз.

# ПЕШКУЛИК ДОНГДОРЛАР

Пешку тумани заршунослари қишлоқ хўжалик экинларидан йиллар давомида мўл ва сифатли ҳосил етиштириб вилоятда, қолаверса, мамлакатда пешқадамлар сафида бўлиб келмоқда. Жорий йил ҳам туман деҳқонлари учун омадли келмоқда. Биргина ғаллачиликда 5266 гектар майдондан ишлаб чиқариш режалаштирилган 22226 тонна ўрнига 34148 тонна хирмон кўтарилди. Фермер хўжаликлари ҳисобига 17782 тонна дон қолди. Давлат эҳтиёжлари учун 15809 тонна режалаштирилгани ҳолда 16366 тонна ғалла топширилиб, шартномавий режа 104 фоизга бажарилди. “Самойиддин Мухаммад Али”, “Аслонфармон”, “Эгамобод Амирдилошодбек”, “Ражаб Қосим”, “Мухаммад Азим Азиз” каби фермер хўжаликлари шартномавий режани 110 фоиздан ошириб бажардилар.

250 гектар сабзавот, 85 гектар картошка, 40 гектар полиз, 100 гектар соя, 1184 гектар майдондаги озуқа экинларидан режадагидан ошириб ҳосил олинди. 48 гектар майдонда янги интенсив боғ сифатли парвариш қилинмоқда. Вилоятда ўтказилган “Қовун сайли-2018” да тумандаги “Баҳор баракаси” фермер хўжалиги



Зулфия Очилова

раҳбари Ш. Умаров олий ўринни, “Зоир ширин замини” фермер хўжалиги раҳбари Ш. Шокиров имтиёзли ўринни эгаллаб, вилоят ҳокимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

9212 гектар майдондаги ғўзадан ҳар қачонгидек мўл ҳосил етиштирилди. Раҳмон Қаҳҳор, Кўкчиён, Қобил бобо, Рамазон Шарипович, Қувват ва бошқа, фермер хўжаликларида режадан ортиқча ҳосил олиш кутилмоқда.

“Зулфия Тўра қизи” фермер хўжалиги 2002 йилда туманнинг чўл ҳудудида, механизатор отаси Тўра бобо ортидан эргашиб зироатга меҳр берган Зулфия Очилова томонидан ташкил этилган.

Чўл маликаси дастлабки йилдаги даромадларини хўжаликда деҳқоннинг қаноти саналмиш мукамал техникани шакллантиришга ҳамда йиллар давомида бош муаммо бўлиб келган сув таъминотини изга солиш учун насос ўрнатишга қаратди. Табиатан изланувчан Зулфия опа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл,

сифатли, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ишончли ҳосил етиштиришда илғорлар тажрибаси ҳамда агро илмга таяниб иш кўрди.

Хўжалик экинлардан салмоқли ҳосил олиб, белгиланган режаларни мунтазам илғорлар қаторида уддалаб келмоқда. Масалан, ўтган йили ғалладан гектаридан 62, жорий йилда 40 га майдондан 65 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга дон сотиш режаси 115 фоизга бажарилди. 25 гектар ерга экилган ғўзанинг “Бухоро-8” навидан 2017 йилда сотиш режаси 121 фоизга адо этилган бўлса, бу йил заршунослар унданда юқори чўққиларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Самарқанд ветеринария медицинаси институти)нинг Қорақўлчилик факультетини тугатган, мустақиллик шарофати билан 2001 йилда “Қўшшаобод” фермер хўжалигига асос солган, “Шухрат” медали соҳиби Ҳамдам Имомов тумандаги илғор, иқтисоди барқарор кўп тармоқли хўжалик раҳбарларидан саналади.

Ҳар галгидек, 2018 қишлоқ хўжалик йили жамоа учун ютуқларга бой бўлмоқда. Ғалладан гектар бошига 80 центнердан хирмон яратилиб,



Ҳамдам Имомов

давлатга сотиш режаси 105,3 фоизга уддаланди. 2017 йилда пахта тайёрлаш режасини 108 фоизга бажарган жамоа аҳлининг шашти янада баланд. Далада етиштирилган мўл ҳосил бундан далолат бериб турибди. 17 га боғдан етиштирилган 407 тонна ҳосил тўлиқ экспортга йўналтирилди. Шунингдек, 1,5 гектарлик иссиқхонадан олинган 300 тоннадан ортиқ сабзавотнинг ҳам асосий қисми экспортга жўнатилмоқда. Сара зотлардан таркиб топган қорамолчилик, кўйчилик ҳамда паррандачилик ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Ўтган қишлоқ хўжалик йилини 925 млн. сўм билан яқунлаган хўжалик миришкорлари, бу йил барча тармоқлардан олинанидан даромаднинг камида 1 млрд. сўм бўлишини мўлжаллаб туришибди.

Ҳа, бугун Пешку даларида иш қизғин. Лафзи ҳалол, танти зироат аҳли орасидан кўплаб янги донгдорлар етишиб чиқишига ишонамиз.

*Ўз мухбиримиз.*





## ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА ҲИССА ҚЎШИШ — ОЛИЙ БАХТ

Ҳар бир меҳнат жамоасининг ривожланиши ишни ташкиллаштиришдан тортиб, фаолиятга янгиликларни дадил жорий қила оладиган раҳбарнинг салоҳиятига, билимига, шу билан бирга, изланувчанлиги ва эътиқодига ҳам боғлиқ. Республикамизда кенг миқёсда иш олиб борилаётган “Обод қишлоқ” дастурида янги лойиҳалар билан жадал иштирок этиш эса катта куч, билим ва маҳорат талаб қилади.

Ўз фаолиятини дастлаб якка тадбиркорликдан бошлаган хоразмлик Бахтиёр Матякубов 18 йилдирки ўз касбини ардоқлаб келмоқда. У ота-онаси ҳамда эл-юртнинг дуоси ҳамда мустақиллик шарофати туфайли яратилган имтиёз ва имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиб, бугун катта корхона раҳбарига айланди. Отаси Боғот туманидаги “Оқ тепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, кўпнинг кўнглига йўл топа олган оқсоқол Иброҳим Матякубовнинг “Инсонни инсон меҳнати ва меҳри туфайли улуглайди, токи хайрли ишларга бош бўлиб яхшиликка интилса” деган пурҳикмат сўзларининг асл маъини чаққан Бахтиёр 2012 йилда “Бахт ҳаракат меваси” МЧЖни ташкил қилди. Шу йилнинг ўзидаёқ корхонага 250 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб қилиниб, умумий қиймати 1,2 млрд. сўмлик иш бажарилди. Шу ҳисобига сифими 500 тоннадан иборат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш қувватига эга совутгич омбори ишга туширилди. 5 нафар қишлоқдоши иш билан таъминланди.

Республикамиз тадбиркорлари, илғор фермерлари фаолиятини ўрганиш билан бирга Туркия ва Хитой давлатларида бўлиб, ўз билим ва тажрибасини ошираркан, 2014 йилда умумий лойиҳа қиймати 3 млрд. сўмлик инвестиция киритиш орқали сифими 1000 тонна маҳсулот сақлаш қувватига эга бўлган янги совутгич омборхона, шу йўналишда маҳсулотларни замонавий қадоқлаш учун йилига 400 минг дона пластмасса яшик идишлар ишлаб чиқарадиган ресурстежамкор, компьютерлаштирилган замонавий цех ишга туширилиб, қишлоқдаги коллежни битирган ёшларнинг 12 нафари иш билан таъминланди. Бугунги кунда пластмасса идишларга талаб кучайиб, кунига 1,5 минг дона идиш ишлаб чиқарилмоқда.

2017–2018 йилнинг қиш-баҳор ойларида ички бозорларни тўлдириш учун 200 тонна сабзи, 90 тонна картошка, 300 тонна мева-сабзавот маҳсулотлари гамлаш белгиланиб, амалда 700 тонна сабзи, 600 тонна ҳўл мева ва сабзавотлар, 100 тонна узум жамғарилди.

2017 йилда Россия ва Қозоғистонга жами 468 минг АҚШ долларилик қарийб 2350 тонна ҳўл мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

Иш ҳажмини янада оширишни кўзлаган жамоа яқинда “Бешариқ” қишлоғида умумий ер майдони 1 гектардан иборат ерда экспортбоп бодринг ва помидор етиштиришга мўлжалланган иссиқхона қурилишини якунлади. Бу лойиҳанинг умумий қиймати 820 минг АҚШ долларини ташкил этди. Шунинг 200 минг АҚШ доллари корхона ҳисобидан, қолгани эса банк кредити ҳисобидан йўналтирилган бу қурилишдан мақсад яна йилига 200 тонна экспортбоп полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва 10 та янги иш ўрни яратишдан иборат.

Ҳаракатда баракат, деб бежиз айтишмайди. Б.Матякубов “Бахт ҳаракат меваси” МЧЖни мева-сабзавот кластерига айлантиришни мўлжаллаб иш олиб бормоқда. Натижада қишлоқ аҳлига замонавий иш шароитлари яратиш, шу билан бирга ободонлаштириш ва республикамиз озиқ-овқат саноатига арзон ва сифатли маҳсулотни етиштириб, қайта ишлаб чиқариш орқали чет элга экспорт маҳсулотларини чиқаришни кенгроқ йўлга қўйишдан иборат. Шунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мева сабзавотларни қуришиш цехи ва лаборатория биноларини қуриш ишларини режалаштириб, туман ҳокимлиги томонидан 0,70 гектар ер майдони ажратиб бериш таклифи тайёрланиб, вилоят комиссиясига тақдим қилинган.

– Ҳозирда 1 гектар ерда гидропоника услубидаги иссиқхона қуриб ишга туширдик, – дейди иш бошқарувчи Ҳақимбой Худойназаров. – Янги лойиҳа бўйича яна 4 гектар ерда шундай янги услубдаги иссиқхоналар қурилмоқда. Бу иссиқхоналарда яна 40 нафар иш ўрни очилиб, маҳалла ёшлари иш билан таъминланади.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида ҳам талай ишларни бошлаган корхона ўз имкониятларидан келиб чиқиб катта харажатлар эвазига қурилиш ишларини бошлаб юборди. Корхона ва давлат шерикчилиги асосида 100 ўринга мўлжалланган замонавий нодавлат мактабгача таълим муассасаси шу йилнинг декабрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган. Шу каби 2018 йил маҳалла гузари, тўйхона, савдо шохобчалари, маҳалла ёшлари учун сунъий қопламали спорт майдончаси, ҳаммом қурилиши тугалланиш арафасида.

Б.Матякубов 2015 йилдан буён Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати сифатида ўз сайловчилари олдидаги мажбуриятларини ҳам сидқидилдан бажариб келмоқда. Инсоннинг ҳар бир куни хайрли бўлиши унинг эзгу ишларига, қалб тозаллиги ва нияти ҳолислигига боғлиқдир. Янгиликлар ичида қайновчи, элнинг тўкинлиги ва ризқини яратишдек муқаддас вазифаларни оғишмай бажаришда жиддий ва жадал ҳаракат қилувчи чинакам Ўзбекистон фарзандлари бор экан, юртимиз янада гуллаб яшнавереди.

Ўз мухбиримиз.



# ЧЎЛДА ГУЛШАН ЯРАТИБ

**Арнасой тумани ўзининг иқтисодий салоҳияти ҳамда табиий имкониятлари билан Жиззах вилоятида алоҳида нуфузга эга. Боғ-узумзорлар қишлоқ хўжалик экинларига уйғунлашиб киши эътиборини тортадиган кўркамлик яратган. Бир вақтлар чўл саналмиш ҳудуддаги аҳоли томорқалари эндиликда гулшанга айланган.**

Жаннатмакон юртимизнинг сўлим гўшаси, гўзал Фарғона водийсига қиёслаб номланган “Олтин водий” маҳалласи хонадонларини туман “Томорқа” МЧЖ раиси Раҳматилла Ражабов ҳамроҳлигида айланаб чиқдик.

— Маҳалламиздаги 609 та хонадонда 3562 нафар киши истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси Аҳадулла Сандиев. — Президентимиз ташаббуси билан аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг самараси ўлароқ, маҳаллада ҳар бир қарич ердан салмоқли фойдаланаётганлар, томорқасидан йилига икки марта, ҳатто уч марта ҳосил олаётганлар сафи тобора ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида халқимиз фаровонлигининг кун сайин ошишига бош омил бўлмоқда.

Шу ўринда, туманда тузилган маҳсул ишчи гуруҳ хонадонма-хонадон юриб, томорқа ер участкалари майдонлари, сув таъминотидан келиб чиқиб, экин турлари, чорва моллари ва паррандалар сони, шунингдек, уларнинг йил давомида томорқа ер участкасида етиштирилаётган маҳсулот турлари ва сотиш ҳажмлари ҳамда иссиқхона барпо этиш, чорва моллари ва парранда боқишга бўлган хоҳишни ўрганиб чиқиб ва шу асосда чора-тадбирлар белгиланганлигини таъкидлаш жоиз.

80 ёшни қоралаган Умар ота Хўжақуловни маҳалла раиси таърифлаганидек, томорқа ишлари билан банд бўлган чоғида учратдик. Хонадонга ки-



Умар ота Хўжақулов келини билан

раверишдан очилиб турган турфа гуллар, қуёшнинг заррин нурларида тов-

ланаётган ҳар хил мева ва узумлар, ранго-ранг сабзавот-кўкатлар киши баҳру дилини очади.

— 12 сотихли томорқамда 63 туп ток, 5 туп ўрик, 51 туп гилос, ҳовли атрофида 5 туп ёнғоқнинг сара навларини экканман. Жорий йилда Яратганнинг марҳамати билан мева-узум айниқса мўл бўлди, — дейди Умар ота шукроналик билан. — 2 сотихдаги сабзавотлардан 2 марта ҳосил олишимиз ҳисобига бозорга боришга деярли эҳтиёж қолмади. 1,5 сотихли иссиқхонамизда парваришланаётган лимонларнинг авжи кўнгилдагидек. Мавжуд чорва моллари билан кўшиб ҳисоблаганда ўтган йили томорқамиздан 42 миллион сўм даромад олган эдик. Бу йил даромадимиз миқдори янада ортади.

Умар отанинг таъкидлашича, томорқадан юқори самарадорликка эришиш учун хонадон соҳиби, албатта, чорва моллари боқиши шарт. Шунда, органик ўғит ҳисобига мўл, экологик тоза маҳсулот олинади.



Абдувоҳид Шодиев

Сув хўжалиги тизимида ишлаб эл-юрт тўқинлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган муҳандис Абдувоҳид Шодиев оиласи томорқасини гуллатиб-яшнатиб қўйилганлиги сабабли маҳалладаги энг намунали, файзли хонадонлардан саналади.

— Мавжуд 8 сотихли томорқамизга экилган 4 туп олма, 16 туп ток, 10 туп ўрик, 3 туп беҳи, 9 туп анор, 6 туп бодом, 2 туп олхўри, 8 туп қарағат тўлиқ ҳосилга кирди. Маҳсулдор зотлар ҳисобига яхшигина даромад манбаига айланган қорамолчилик, қўйчи-

ликни жорий йил якуни билан бош сонларини ошириш ҳаракатидамыз, — дейди Абдувоҳид ака. — Томорқадан салмоқли фойдаланишнинг рўзгор тўқинлигида ўрни беқийс. Бу йил томорқадан даромадимиз 45 миллион сўмдан ошади.

Деҳқончиликнинг нонини еб вояга етган Дилшоджон Ҳайитов эндиликда “Нарзи ота” фермер хўжалигига раҳбарлик қилмоқда. Хўжаликни илғорлар қаторида бошқариш баробарида, ҳар тонгда ризқ улашувчи фаришталарни қарши оладиган намунали томорқа соҳиби. Рафиқаси Зулфия мактабда ўқитувчи. 82 ёшли волидаи муҳтарамаси Умида ая фарзандлар ва набиралари ардоғида келини билан ҳозирда ҳам хонадон ободлиги — томорқа ишлари билан машғул.



Умида момо ва келини  
Зулфия Ҳайитова

— Фарзандларимни уй-жой, томорқага эътиборли бўлиш руҳида тарбиядаганман, барчасини хонадони обод, — дейди Умида ая мамнуният билан. — Ризқли, баракали бўлиш замирида аввало тўқинлик остонасини яшнатиб қўйиш ётади.

— 7 сотихли томорқамиз ҳамда ҳовлимиз атрофларини ҳар қаричидан самарали фойдаланамиз, — дейди келин ўзбекона ибодат билан. — Ҳовлимиздаги 22 туп олма, 12 туп хурмо, 6 туп гилос, 4 туп анжир, 12 туп анор, 16 туп бодом, 2 туп ёнғоқ, 14 туп узум, 1 туп дўлана, 2 туп қарағатнинг меваларидан ҳамда 30 бош қорамол, 20 бош товўқни парваришлаб, маҳсулотларидан баҳраманд бўлиб турибмиз. Даромадимиз 50 миллион сўм атрофида бўлиши кутиляпти.

Ўзбек халқи, ота-боболаримиз қадим-қадимдан томорқани бараканинг бешиги деб билишган ва уни ҳар доим ҳам гуллатиб-яшнатиб қўйишган. Бугунги кунда авлодлар анъанасига содиқ қолиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ўз мухбиримиз.

## «ФАЙЗОБОД»НИНГ ФАЙЗЛИ ХОНАДОНЛАРИ

Маълумотларга қараганда, мамлакатимиз аҳолиси ҳисобида 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонлари мавжуд. Худудлардаги 4 миллион 733 минг 326 та хонадон томорқаси хатловдан ўтказилиб, ҳар бир оила қўлидаги ер майдонининг ҳажми, нима экилгани, агарда бўш турган бўлса, келгусида бу ердан қандай фойдаланмоқчи экани ўрганилди.

Унга кўра, экилган 73,4 минг гектар тўқсонбости экинидан юқори ҳосил олиш, экин майдонларининг 184,6 минг гектарига эртаки ва 185,8 минг гектарига ўртапишар экинларни экиш таъминланди. Шунингдек, аҳоли талаби асосида 1 миллион 333 минг 738 бош чорва, 3 миллион 216 минг бош парранда боқиш, 3 минг 721 гектарда ихчам иссиқхоналар барпо этиш юзасидан таклифлар олинди.

— Шу пайтгача аҳоли томорқасидан фойдаланишни тартибга солиш, ҳисоб-китобини юриштишга эътибор қаратилмаган. Тушунтириш ишлари олиб борилганига қарамадан томорқа соҳиблари ўз ер майдонларидан тўлақонли фойдаланишга эътибор бермаган. Эндиликда маҳалла вакиллари худуддаги ҳар бир хонадонга кириб бориш ва ердан қай даражада самарали фойдаланилаётганини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлди, — дейди Шаҳрисабз тумани “Файзобод” ма-

қолаверса, яшил шаҳар — Шаҳрисабзда томорқадан салмоқли фойдаланиш бўйича Қосим ака Хуррамовнинг олдига тушадиганлар сони саноқли бўлса керак. Экин майдони атиги 6 сотих бўлган ҳовлида 2 сотих ҳажмли 2 та иссиқхона бўлиб, уларнинг биридан субтропик экинлар кўчатчилиги учун, иккинчисидан сабзавот-кўкатлар етиштириш учун фойдаланилади.

Хонадон соҳибининг таъкидлашича, сабзавот-кўкатлардан 3 марта ҳосил олинади. Маҳсулот сифатига дахлдор бўлганлиги учун минерал ўғитлардан, касаллик, зараркунандаларга қарши кимёвий препаратлардан деярли фойдаланилмайди. Асосан, лимон, мандарин, апельсин кўчатлари кўпайтирилади. Ҳозирда ҳам баравж, яхши ўсиб-ривожланган 20 минг туп лимон кўчати харидорларини кутиб турибди.

Хонадонда чорвачилик ҳам имкониятга қараб ҳавас қилгудек ташкил этилган.

Ҳовли атрофи ва уй олдида 48 туп мевали дарахтлар, ҳар хил камёб узум навлари ҳосили кўзни қувонтиради. 2000 бош бедана парваришланмоқда. Мавсумда уларнинг сони 5000 бошгача етади.

— Ўтган йилги фойдамиз 148 миллионни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 50 фоизга ошиши кутиляпти, — дейди баракали томорқачи. —



Ҳаловат Қурбонова



Қосим Хуррамов



Низомиддин Ёқубов

ҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳаловат Қурбонова. — Маҳалламизда истиқомат қиладиган 728 хонадон ихтиёрида 44,5 гектар экин майдони бор. Жорий йилда амалий ёрдамга таянган томорқачилар ҳисобига ҳар бир сотих ердан оладиган даромадлари 20 фоизга ортиши ёки 2 миллион 600 минг сўмни ташкил этиши кутиляпти.

Аҳоли хонадонларини экинлар турлари бўйича экишга ихтисослаштириш ҳам кўзда тутилмоқда. Бунда 50—100 хонадонда бир хил экин экилиши ҳосилни марказлаштирилган ҳолда сотиш, қайта ишлаш ёки сақлаш имконини яратади. Соҳибкорликдан хабари йўқ, ёки саломатлиги кўтармаган хонадон эгаларининг розилиги билан тажрибали боғбон таклиф этилиб, дарахтларга шакл бериш, ток кесиш, хомток қилиш ишлари амалга оширилади. Бу тадбир пировардида мева-узумнинг мўл бўлишига сезиларли омил бўлади. Имконияти бўлмаган хонадон эгаларининг томорқаси шартнома асосида шу маҳалла фуқаросига олиб берилиши ҳам ўз натижаларини кўрсатапти. Бир сўз билан айтганда, маҳаллада томорқадан салмоқли фойдаланиш бўйича эътиборга молик тажриба мактаби шаклланди.

Ўтказилаётган самарали тадбирларнинг меваси сифатида маҳаллада юқори даромадли — “Миллионер хонадонлар” сафи кенгаймоқда. Нафақат маҳаллада,

Эндиликда, ноанъанавий кўчатчиликни ривожлантириш ниятидаман.

Қишлоқ хўжалик илмий асосларини томорқачиликда кенг қўламда жорий этиш ҳар бир қарич ердан, ҳар бир тўп мевали дарахт-тоқдан, ҳар бир бош чорва молларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Маҳаллада Низомиддин ака Ёқубовни томорқачилик илмининг жонқуяри сифатида билишади. 6 сотихли томорқада истиқболли манбаларга таяниб субтропик экинларнинг камёб турларини кўпайтириш ташкил этилган 2 та иссиқхонада кўчатлар белгиланган тадбирлар асосида парвариш қилинмоқда.

— Нок ва олманинг юртимиз соҳибкорчилигида ўта камёб нав ва турлари устидаги изланишларим самараси ўлароқ уларнинг кўчатчилигини ташкил этиш бўйича дастлабки амалларни бошлаганмиз. Эндиликда ҳосилга кирган 40 туп гилос ҳамда 50 туп ток ҳисобига оладиган даромадимиз йилдан-йилга оша боради, — дейди Низомиддин ака. — Келгуси йилдан чорвачилик, паррандачиликдан келадиган даромадимиз 2 ҳисса ортади.

Шижоатли раиса бошчилигида “Файзобод” хонадонларининг файзу-баракаси янада юксалиб боришига ишонамиз.

Ф.МИРЗО.



# ОЛМАЛИКЛИК ОЛМАЧИЛАР

**Мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқатга, жумладан, меваларга бўлган талабини қондириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида изчил ислохотлар олиб борилмоқда.**

Олмалик мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятлари юқори бўлган сўлим, қадимий шаҳарларидан бири. Бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида мазкур кентга “Олмолик, Олмоту ва Янги сингари шаҳарлар бўлган экан..., ... галла ва меваси фаровон. Теварак-атрофи тоғлар билан ўралган”, деб таъриф берилган.

— Шаҳарнинг 43 та маҳалласидаги 3900 та хонадон ихтиёрида 498 гектар ер бўлиб, унинг 445 гектари мева-узумзорлар. Кўришиб турибдики, шаҳримиз соҳибкорларининг имконияти катта, — дейди фуқаро-

3 сотихида эса савзавот-қўқатлар экилган. Чорвачилик, қўйчилик, паррандачилик хонадон ҳўжалиги даромадида муҳим ўрин тутди. Эндликда маҳаллада тўқсонбости экинларни экиш ҳажмининг кенгайиши ҳисобига, томорқадан йилига 2 марта ҳосил олувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йилги даромадим 40 миллион сўмдан ортиши кутиляпти.

— Амалдаги ҳужжатларда қўйилган талабларнинг ижросини таъминлаш борасида, хусусан, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида иш олиб бораёпмиз.

— Мевали дарахтларга ишлов бериш, касаллик, зараркунандаларга қарши курашиш сирлари ҳақини олганман, — дейди томорқачи соҳибкор Муяссархон Худойбекова. — Барча тадбирлар вақтида сифатли қилиб ўтказилганлиги боис, меваларимиз, айниқса, олма-ларимиз сифатли.

— 4 сотихли томорқамизда 8 туп олма, 4 туп ток парвариш қиляёпмиз. 2 сотихда ҳар хил савзавотлар экилган. Боқилаётган чорва молларимиз ва паррандаларни келгуси йилдан сонини кўпайтирмоқчимиз. Шунда томорқамиздан фойдаланиш самарадорлиги янада ортади, — дейди маҳалла фаоли Гулнора Ҳайитбоева. — Хонадонда тадбиркорлик йўналишлари бўйича мўлжаллаган ишларимизни ҳам йўлга қўямиз.

— Олмачиликдан мўл ва сифат-



Мусурмонқул Худойбеков

Рокия Эргашева

Гулнора Ҳайитбоева

Солижон Усмонов

Муяссархон Худойбекова

ларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар кенгаши раисининг 1-ўринбосари Алишер Носиров. — Ота-боболаримиз анъаналарига содиқ қолган халқимиз мевачиликда, айниқса, олма етиштиришда ўзига хос тажрибага эга. Бу борада “Юлдуз”, “Мустақиллик”, “Кўрпасой” ва “Намуна” маҳаллаларидаги олмачи-томорқачиларнинг ишлари диққатга сазовор.

“Намуна” маҳалласида бўлганимизда маҳалла раиси Солижон Усмонов бизни ўз хонадонига бошлади.

— Худуддаги 415 хонадон томорқасида 5 минг тупдан ортиқ мева ва ток экилган. Эътиборли томони, уларнинг 2 минг тупдан ортигини олма дарахти ташкил этади, — дейди тажрибали раис. — Биргина 6 сотихли томорқамнинг 3 сотихида, шунингдек, уй олди ва атрофида 22 туп ток ва олма-нинг сара навлари,

ўтказилган тадбирлар жорий йилда ўзининг ижобий натижасини кўрсатди, — дейди маҳалла мутахассиси Рокия Ҳайитбоева. — 5 сотихли томорқамнинг 1 сотихида помидор, 1 сотихида қалампир ва яна шунчасида рўзғорбоп экинлар экилган. Шунингдек, 20 бош қўй, 5 бош қорамол, 30 бошдан ортиқ парранда боқаяпмиз. 12 туп олма, 4 туп анжир, 2 туп олхўри, 4 туп тоқнинг ҳосили бу йил айниқса мўл бўлди. Даромадимиз 30 миллион сўмдан ортади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, рўзғорда томорқачиликнинг ёки мевачиликнинг аҳамияти катта. Шунингдек, мева ва резавор-мевалар таркибида одам организми учун зарур бўлган шакар, органик кислоталар, оқсиллар, ёғлар, ошловчи, пектин, ароматик моддалар, коллоидлар, минерал тузлар, ферментлар, витаминлар кўп.

ли ҳосил олиш учун асосан иккита нарсага эътибор бериш керак. Биринчидан, экиладиган меванинг навини тўғри танлаш лозим. Иккинчидан эса, парваришдаги барча тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш зарур, — дейди 82 ёшли томорқачи боғбон Мусурмонқул ота Худойбеков. — Айниқса, мевали дарахт ва токка тўғри шакл бериш, вақтида кесиш, қолаверса, узумни рисолагадигидек хомток қилиш жуда муҳим.

2035 йилгача мўлжалланган бош режага кўра, Олмаликнинг маъмурий ҳудуди 2 минг 600 гектардан 3,5 минг гектарга етказилади. Саноат ҳудуди шаҳар марказидан олиб чиқилиб, аҳолига қулай уй-жойлар барпо этиш кўзда тутилган.

Демак, олмаликлик олмачиларнинг имкониятлари ва, албатта, меваларининг сифат даражаси янада ортади.

Ўз мухбиримиз.



# ЧОРВАДОР КЎМАКЧИЛАРИ

**Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 июндаги “Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳа фаолиятини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтаришга мустақам замин яратди. Мазкур хужжатга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси ташкил этилди.**

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ветеринария соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, ҳайвонларнинг соғлигини сақлаш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, давлат ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария сервис сифатини ошириш, эпизоотик барқарорликни ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган, ҳайвонлардан олинадиган рақобатбардош маҳсулот ва хомашё ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ветеринария хизмати тизимини янада ривожлантириш каби қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Ветеринария хизматини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, жамғарма маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби белгиланди.

Шаҳрисабз тумани Ветеринария бўлими асрни қаршилаётган, эл-юрт тўкинлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган даргоҳ саналади. Бўлимдаги 38 нафар ветеринария мутахассисларидан 12 нафарини ёшлар ташкил этгани ҳолда туман аҳолиси ва 73 та чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидagi мавжуд 83614 бош йирик шохли, 89526 бош майда шохли, 568728 бош парранда, 5084 бош йилқи ва бошқаларга зооветеринария сервис хизмати кўрсатиб келмоқда.

Жамоа Вазирлар Маҳкамасининг “Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”, “Республика аҳолисини қишлоқ хўжалик ҳайвонларида учрайди-

ган юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бериш ва сотиш чоғида ветеринария-санитария талабларига риоя этиш тўғрисида”, “Жамоа чорвачилик фермалари, деҳқон-фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигидаги Давлат тасарруфида бўлмаган бошқа тузилмаларга техник ҳамда зооветеринария хизмати кўрсатиш масалалари тўғрисида”ги қарорлари асосида йўлга қўйилган.

Туманда 23 та сунъий уруғлантириш пункти мавжуд бўлиб, қорамоллар зотини яхшилаш мақсадига 2017 йил 14528 бош сигир ва қочириш ёшидаги таналар сунъий уруғлантирилган. 2018 йил 6 ой давомида бу рақам 7895 бошни ташкил қилди. Натижада, насли бузоқлар олиниб, моллар зоти яхшиланмоқда. Қорамолларнинг бош сони 5–10 фоизга кўпайишига замин яратилди. Аҳил жамоа шу йўсинда аҳолини сифатли ва арзон гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Аҳоли ва чорвачилик фермер хўжаликларига зооветеринария сервис хизмат кўрсатишда 2017 йилда 107 миллион сўмликка яқин фойда кўрилган бўлса, 2018 йилнинг 6 ойи давомида 60 миллион сўм атрофида, йил якуни билан эса 120 миллион сўмга етказиш кўзда тутилган.

Ветеринарлар томонидан аҳоли ва фермер хўжаликларига зооветеринария сервис хизмати кўрсатиш қулай бўлиш учун ҳудудларда замонавий зооветеринария шохобчалари барпо этилмоқда. Жумладан, 2018 йилда 2 та зооветеринария шохобчаси қурилди ва 1 та замонавий типдаги клиника фойдаланишга топширилди.

Туманда соҳага оид эришилган барча ютуқларга туман ветеринария бўлими бошлиғи Бобомурод Қораев, бўлим бошлиғи ўринбосари Искандар Нуралиев, зооветеринария шохобчаси мудирлари Музаффар Маҳмудов, Файрат Муҳаммадиев, Исоқ Қурбонов, Акрам Эшонкулов ва Бурхон Боймуродовлар ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бўлим жорий йилда қатор илмий муассасалар, жумладан, Самарқанд вилоятидаги Ветеринария илмий-тадқиқот институти ва Самарқанд ветеринария медицинаси институти билан илмий алоқалар боғлаган.

Куйдирги, оксил ва бошқа турдаги хавfli касалликлар кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида туманимиздаги бозорларда, кушхона, сўйиш майдончалари, гўшт дўконлари ва бошқа жойларда чорва моллар миграцияси устидан давлат ветеринария назорати янада кучайтирилди, – дейди бўлим бошлиғи Б.Қораев. – Чорва моллари ва ҳайвонларнинг юқумли касалликларига қарши чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, ширкат ва фермер хўжаликлари, аҳоли қарамоғидаги чорва моллари мунтазам кўрикдан ўтказилмоқда. Жойларга дезинфекция ва чўмилтириш воситалари етказиб берилмоқда. Чорвани ўта хавfli касалликларга қарши эмлаш учун вакциналар бепул ажратилляпти.

Ветеринар мутахассислар туман ҳокимининг қарорлари билан тасдиқланган “Ҳайвонларни карантинга қўйиш ва бошқа ветеринария-санитария қоидалари” каби меъёрий хужжатларда ҳудудда эпизоотик барқарорликни таъминлашга қаратилган бир қатор ҳуқуқий нормалардан амалиётда қўлланма сифатида фойдаланадилар, шунингдек, уларга риоя қилиниши устидан белгиланган тартибда ветеринария назоратини олиб бормоқдалар

**Ф.МИРЗАЕВ.**

## УРУҒЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

**Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ва бошқа экинларнинг уруғларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, шунингдек, нав ва уруғлик назорати, бирламчи уруғчилик ва янги, истиқболли навларни си-наш билан шуғулланувчи элита-уруғчилик хўжалик-лари, илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш долзарб масалалардан саналади.**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизими-ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Уруғчиликни ривожлантириш маркази ташкил этилиб, бу борадаги асосий вазифалар белгилаб берилди, — дейди Тойлоқ туманидаги “Элбек Шукрона” фермер хўжалиги раҳбари Зарнигор Жабборова. — Мазкур ҳужжат уруғчилик соҳаси-ни тубдан такомиллаштириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни халқаро бозорларга янада илгари суриш борасидаги ишларни ташкил этишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Уруғчиликни ривожлантириш маркази олди-га қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тайёрлаш, фойдаланиш ва экспорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантириш, маҳаллий ва хорижий селекция навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш, уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотларни олиб боришга, тармоқ корхоналарининг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қўмаклашиш каби вазифалар кўйилган.

— Раҳматли бобом Ражаббой ота қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғчилиги билан шуғулланганлар, — дейди Зарнигор. — Падарибузрукворим — қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, қатор сабзавот навлари етиштириш технологиялари муаллифи Шавкат Жабборов у кишининг изларидан бориб, олийгоҳда агрономликка ўқидилар. Иккиланмасдан ишни уруғчиликдан — эндиликда 2002 йилдан раҳбар бўлиб ишлаётган, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида бошлаганлар. Мен, аввало ёшлиқдан зироатга берган меҳрим, авлодлар руҳини шод этиб, замон талабларига мос экинлар уруғчиси бўлишга аҳд қилдим. Шу аснода, дунё билан тиллашишни ният қилиб, чет тиллар институтида таҳсил олиш билан бир қаторда уруғчилик фермер хўжалиги бошлиғиман.

Ўтказилган агротадбирларнинг илмий асосларга таяниб ташкил этган фермер хўжалигида 2018 йил ҳосили учун 3 гектар майдонга экилган “Гром” навининг гектари-дан 85 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга уруғлик дон сотиш режаси 120 фоизга уддаланди.

0,5 гектар ерга сифатли уруғлик олиш учун экилган пиёзнинг маҳаллий “Зафар” навидан 450 кг уруғ



**Зарнигор Жабборова**

тайёрланди. Даромад 45 млн. сўмдан ошиши кутулаяпти. 0,5 гектар майдондаги помидорнинг маҳаллий “Юлдуз” навидан 35 тонна помидор етиштириш баробарида олинган 50 кг сифатли элита уруғининг даромади 22 млн. сўмдан ортади. Картошканинг маҳаллий “Диёр” нави 1 гектар майдонга экилиб, 30 тонна “иккинчи нон” етиштирилди, даромади 15 млн. сўмдан ошди.

Аччиқ қалампирнинг “Маргилон-633” навидан 32 тонна ҳосил олиниб, даромади 22 млн. сўмни ташкил қилди. Ярим гектар майдондаги ёш мева боғининг ҳолати яхши. Хуллас, мавжуд 6,5 га майдондан 130 млн. сўмдан ортиқ даромад кутулаяпти.

— Мақсадимиз деҳқончиликда агро илмни мукамал жорий этишдир, — дейди Зарнигор. — Бинобарин, Юртбошимиз жорий йилнинг 29 августида Бекобод туманида бўлганларида, “Бизнинг камчилигимиз — қишлоқ хўжалигида илмни ишлатмаймиз. Дунё бозорида рақобат шафқатсиз. Унга муносиб бўлиш учун аввало илм керак. Яхши нав, яхши қаров, инновацион технологиялар керак. Деҳқон далага кирдим, даромад топиши зарур” деганлари кўнглимиздан жой олди.

Шу ўринда, аксарият ҳолларда салмоқли ва сифатли ҳосилнинг бош омили — экинлар уруғчилигида етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш шароитларига риоя этилиши устидан лозим даражада назоратнинг мавжуд эмаслиги экин уруғи сифатининг пасайишига ва ҳосилдорликнинг тушишига, селекция ва бирламчи уруғчиликнинг лозим даражада бўлмаганлиги эса уларни импорт қилиш ҳажмининг ортишига олиб келаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Эндиликда, халқаро талаблар даражасидаги уруғлик етиштириш, қайта ишлаш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи уруғчилик компанияларини, шу жумладан чет эл капитали иштирокида ва давлат-хусусий шериклик асосида компанияларни ташкил этишга рухсат этилганлиги мамлакатимизда уруғчилик соҳасида улкан имкониятлар эшигини очади ва бу ўз навбатида уруғ тайёрловчи ва етиштирувчи корхоналарда ички сифат назорати тизими ва инновацион технологияларни жорий этиш, шунингдек, халқаро талабларга мувофиқ аккредитация қилинган замонавий лабораторияларни ташкил этиш масъулиятини юклайди.

**Ўз мухбиримиз.**



reymak®

Chorvador.uz

Тошкент шаҳар, Аҳмад Дониш, 22.

E-mail: [chorvador@chorvador.uz](mailto:chorvador@chorvador.uz)

[www.chorvador.uz](http://www.chorvador.uz)

Маҳсулот сертифицикاتланган

Хизматлар лицензияланган

Телефонлар: (+998 71) 226-65-96, (+99891) 192-07-55, (+998 97) 444-00-16, (+998 94) 647-10-03



# ПИЛЛАЧИЛИКДА ЯНГИ БОСҚИЧ

**Ипакчилик юртимизда неча асрлардан буён ривожланиб келаётган соҳалардан бири. Гарчи унинг ватани Хитой саналсада, Турон заминидан ҳам ипак матолар ишлаб чиқарилгани ҳақида кўплаб маълумотлар сақланиб қолган. Бундан чиқадиган хулоса шуки, халқимиз ушбу соҳани азалдан ўзлаштириб, ривожлантириб келган.**

Жорий йил кўплаб соҳалар каби ипакчилик соҳасида ҳам ўзгача даврнинг бошланиши бўлди. Сабаби, пиллакорлар учун кўплаб имтиёзлар ва имкониятлар яратилиши билан бирга, бир йилда уч маротаба ҳосил олиш йўлга қўйилди.

– Дарҳақиқат, жорий йил ўтган йиллардан ўзгача бўлди, – дейди Фарғона тумани “Агропилла” МЧЖ раҳбари Ғайратжон Мамадалиев. – Илгари ипак қурти парвариши учун пиллакорларни жалб қилиш анча қийинчиликлар туғдирарди, жорий йилда эса пиллакорларнинг ўзлари бизга мурожат қилишди. Туманимиз вилотнинг қир-адирли ҳудудида жойлашганлиги боис тут плантацияларимизга алоҳида эътибор қаратамиз. 97,2 гектар тутзорларимиз еркаллак шаклида парваришланади. Жорий йилда биринчи ҳосил учун 2800 қути ипак қурти тарқатиб, 132 тонна ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Иккинчи ҳосил учун 93 қути ипак қуртини парвариш-лаб, 4700 кг ҳосил олдик. Ҳозирги кунда 311 қути ипак қуртини учинчи ҳосил учун пиллакорларга етказиб берганмиз. Ишлар кўнглидагидай кетмоқда. Мақсадимиз 15 тонна сифатли пилла маҳсулотини етиштириб, “Водил” ипак йигирув шўба корхонасига етказиб бериш.

Албатта, меҳнатга яраша даромад, дейишади. Биринчи ҳосилнинг ҳар килоси учун корхона 16 800 сўмдан тўлаган бўлса, иккинчи ва учинчи ҳосил учун 20 000 сўмдан бермоқда. Бу борада МЧЖнинг Чимён худуди агрономи, “Дўстлик” ордени соҳиб, “Абдусаттор ота ўғли Шокиржон” фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёржон Сатторов янада батафсил маълумот беришлари мумкин.

Биз юртимизнинг гўзал гўшаларидан бўлмиш Чимён сари йўл олдик. Чимён қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлгани сабабли бундан бир неча йиллар аввал борганимизда бир неча блокпостлардан ўтишимизга тўғри келган эди. Аммо бу сафар йўллар таъмирланиб, кенг ва раво шаклга келтирилибди, ободон-

чилик ишлари олиб борилибди. Бу эса ҳудуд кўркига янада кўрк қўшиб турибди.

Тутзорлар оралаб борар эканмиз, тут дарахти новдалари бир текис ўсаётганлиги ва касалланмаганлигига гувоҳ бўлдик.

– Ҳудудда агрономлик қилиш билан бирга 7,7 гектар майдондаги тут плантацияларини ҳам парваришлаймиз, – дейди фермер. – Боғбон ўз бо-



Бахтиёржон Сатторов тут плантациясида.

ғини касаллик ва ҳашаротлардан қандай ҳимоя қилса, биз ҳам тутзорларимизни шундай асраймиз. Керак пайтда ўғитини бериб, касалликка қарши курашамиз. Отам Шокиржон ака қишлоғимизнинг илғор пиллакорларидан бўлган. Шунинг учун бўлса керак, мен ҳам ақлимни таниганимдан буён шу касб билан машғулман.

Жорий йилда пиллакорларга уч маротаба ипак қуртлари тарқатдик. Буни тутзорлардан ҳам билса бўлади. Биринчи ва иккинчи ҳосил учун тут новдалари бир текис кесилган, учинчи ҳосил учун янги чиққан барглари сидириб олинмоқда.

Шунинг учун пиллакорларни плантацияларга яқин бўлган маҳаллалардан танлаймиз. Барг қанча янги бўлса, ипак қурти уни яхши кўриб истеъмол қилади. Азамат ака Сотқинов қишлоғимизнинг таниқли пиллакорларидан. Унинг амалга оширган ишлари, ҳақиқатан ҳам, диққатга сазовор.

Биз йўлда давом этиб, пиллакорнинг хонадонига бордик. Ростдан ҳам ўзгача ҳолат. Ипак қуртлари уч қатор устма-уст терилган яшиқларда парва-

ришланмоқда. Биз пиллакорни суҳбатга тортдик.

– Болалигимдан ипак қурти боқиш билан шуғулланаман, – дейди Азамат ака. – Ҳозирда ипак қурти парвариш-лаётганларнинг имкониятлари кенг. Биринчидан, вақтдан ютилса, иккинчидан ипакнинг толаси сифатли, қуртлар озукани аввалги наслларига нисбатан кам истеъмол қилади. Жорий йил биринчи ҳосили учун 8 қути ипак қуртини парваришлаб, 550 кг сифатли қумуш тола топширдик. Иккинчи ҳосилимиз учун 4 қути ипак қуртидан 175 кило ҳосил олишга эришдик. Айни кунларда учинчи ҳосил учун 3 қути ипак қуртимиз пилла ўраш палласига кирди.

Мен пиллакорликни алоҳида касб сифатида кўраман. Жорий йил айнан шу касбни танловчилар йили бўлди. Агар йил давомида пилла етиштирилса, 10 миллионлаб сўм даромад қилса бўлади.

Бунинг учун жойдан унумли фойдаланиш керак. Шу боис алоҳида яшиқлар ясаб уч қатор қилиб териб чиқдик. Натияжада майдондан ютдик. Плёнка остида парвариш-лаш натижасида вақт тежалди.

Ипак қуртларига барғни кесиб майдалаш анчагина вақтни оларди. Бунинг ҳам иложини топдик. Шундай қурилмани ўзимиз ясадик. Олиб келинган барглари қурилмага ташласак бўлди, керакли ҳажмда ўзи кесиб чиқариб беради. Авваллари ғонлаш (кераксиз бўлиб қолган новдаларни олиб ташлаш) керак дейишарди, ҳозирда бунинг ҳолати йўқ.

Ипак қуртларига барг бериш жараёнида қуртлар бошқа яшиққа олинади. Тагида қолган барг ва қолдиқлар энг сифатли ўғит сифатида қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Иссиқхона эгаларига сотса ҳам бўлади. Мана қўни-қўшнилари бизнинг қилаётган ишларимизни кўриб, қизиқиш билдиришмоқда. Бу келгуси йилда пиллакорлик касби эгалари янада кўпайишидан далолат.

Ҳа, ипак қурти етти хазинанинг бири. Қуртни парвариш-лаш ва ундан сифатли ҳосил олиш остида машаққатли меҳнат ётади. Биз Фарғона тумани пиллакорлари хирмонларига барака тилаб, улар билан хайрлашдик.



# ИНТИЛГАНГА БАРАКА ЙЎЛДОШ

*Кўҳна ва навқирон Чуст туманининг кент ҳамда қишлоқлари узоқ тарихга эга. Бирор даврада туман ҳақида гап кетса, барча уста деҳқон ва уддабурон тadbиркорлар макони эканлигини таъкидлайди. Биз бу ерда амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган муваффақиятларга гувоҳ бўлиш мақсадида туманга йўл олдик. Ҳокимлик биноси олдида туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Турдимат Хайдаров ва бўлим мутахассиси Аброрхон Раҳматиллаевни учратдик.*

– Бир неча йиллардан буён айнан шу бугунги санада ўтказиладиган тadbиримиз устига келдингиз, – деди Турдимат ака бизни Чустий номидаги муҳташам боғ сари бошларкан.

Боғни таърифлашга тил ожиз. Атроф иссиқ бўлса-да, боғ худуди-га киришингиз билан салқинликни сезасиз. Боғ ичи дам олувчилар, саёҳатчилар, меҳмонлар билан гавжум. Турли хил аттракционларни, мўъжазгина кўл ичидаги қайиқларни болалар эгаллаган.

– Бугун туманимиздаги барча сувчи ва механизаторларни йиғиб ош беряпмиз, – дейди Аброрхон Раҳматиллаев.

Бизни ҳам ошга таклиф қилишди. Tadbирни туман ҳоқими очиб, шу пайтгача ўз меҳнати билан илғорлар сафидан жой олиб келаётган сувчи ва механизаторларни табриклади. Уларга “Фахрий ёрлик” ва қимматбаҳо совғалар тақдим қилди.


– Болалигимдан трактордаман, – дейди механизатор Йўлдошали Охунов. – Туманимиз ҳоқими ҳозиргина “Фахрий ёрлик” ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирладилар. Бу фарзандларимнинг, шогирдларимнинг менинг касбимга бўлган қизиқишларини янада оширади деб ўйлайман.

Tadbир давомида шўх кўшиқ ва куйлар ижро этилиб, меҳнаткашлар самарали ҳордиқ чиқаришди. Tadbирдан сўнг Турдимат ака бизга туманда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида гапириб берди:

– Туманимиздаги 1200 та фермер хўжалигининг 21 425 гектар экин майдони бор. Уларнинг 430 таси 10050 гектар майдонда ғалла ва 4004 гектар майдонда пахта етиштиришади. Ҳозирги кун фермери замон билан ҳамнафас одимлаши шарт. Кейинги йиллар давомида фермерларимиз замонавий инновацион лойиҳалар устида ишлай бошлашди. Ўз

хўжаликлари тармоқларини кенгайтириб, кўшимча даромад келтирадиган соҳаларни қамраб олишга ҳаракат қилишяпти. Шунинг учун ҳам туманимизда аэропоника усулда иссиқхоналар барпо этиш, уруғчилик ва кўчатчиликни йўлга қўйиш кенг қулоч ёймоқда. Жорий йил яна бир хушxabар билан бошланди. “Жумалик Бешчинор” фермер хўжалиги раҳбари Шукуржон ака Мамаджонов хўжалиги таркибида йилқичилик тармоғини йўлга қўйди.

Биз Тепакўрғон қишлоғи томон йўлга тушдик. Чуст туманининг экин майдонлари деярли қир-адирлик-



ларда жойлашганлиги боис деҳқонлар учун бироз қийинчилик туғдиради. Лекин йиллар давомида ер имкониятини ўрганган ва ишнинг ҳадисини олган миришкорлар ҳар гектар майдондан унумли фойдаланишга интилишади.

– 2001 йили 21 гектар майдонда фаолият бошлаганмиз, – дейди фермернинг ўғли Шерали Мамажонов. – Отам узоқ йиллар собиқ “Машъал” ширкат хўжалигида ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Дастлаб уч нафар доимий ишчи ва беш нафар фарзанд отамнинг ёнига кирганмиз. Йиллар давомида экин майдонларига самарали ишлов беришимиз натижасида хосилдорлик ошиб борди. Ҳозирги кунга келиб 63 гектар экин майдонида меҳнат қияпмиз. Экин майдонларимизнинг 12 гектарига ғалла экиб, давлатга дон сотиш режасини бажардик. 10 гек-

тар майдонга пахта, 11 гектар майдонга арпа, 2 гектарга анор кўчатлари экиб парваришляпмиз. От азалдан инсоннинг яқин дўсти бўлиб келган. Оиламиз билан отларга меҳримиз бошқача. У хавф-хатарни олдиндан сезиши билан бирга, ўз эгасига меҳр-мурувват кўрсатиши билан ҳам ардоқли. 2018 йил аввалида кўшни Қирғизистон билан яқин кўшничилик алоқалари тикланиши натижасида 10 бош насли қорабайир отини харид қилишга муваффақ бўлдик. Қорабайир дунё рейтингда араби отлар билан беллаша оладиган зотдан бўлганлиги учун алоҳида парвариш талаб этади. Туманимиз ҳоқими бизнинг ушбу ташаббусимизни қўллаб-қувватлаб, 28 гектар экин майдонига йилқилар учун ем-хашак етиштиришимизга розилик билдирди. Яқинда Россия давлатидан яна 5 бош насли от харид қилдик. Мақсадимиз туманимизда от спортини ривожлантириб, дунёга олиб чиқиш. Айни кунларда 2 бош насли қорабайирларимизни совутиб, спорт машғулотларига тайёрляпмиз.

Фермер хўжалиги аъзоларининг келгуси режалари янада улкан. Улар яқин кунларда хориждан яна 32 бош симментал насли қорамол олиб келишни режалаштиришган. Мақсад, “Жумалик Бешчинор”ни кўп тармоқли, иқтисодий бақувват хўжаликка айлантириш, яна кўпроқ қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлаш.

**Кўшсаҳифани ўз мухбиримиз  
К.ЭРГАШЕВ  
тайёрлади.**

*Суратда: (чап томондан) туман қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси Аброрхон Раҳматиллаев, фермернинг ўғли Баҳромжон Маширабов ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Турдимат Хайдаров.*

## ЭЛ ЮМУШИ БИЛАН МАШҒУЛ ОДАМЛАР

Таъкидлаш жоизки, аграр соҳа фақат қишлоқ хўжалиги билан чегараланиб қолмайди. Дала меҳнаткаши ёнида туриб, ўз меҳнати маҳсули билан унинг фаолияти самарали бўлишига ҳисса қўшаётган бошқа тармоқлар вакиллари ҳам аграрчилар сафига кўшиш хато бўлмайди. Узоққа бормайлик, ирригация соҳаси қишлоқ хўжалиги билан чамбарчас алоқада. Қишлоқ хўжалиги учун ўта муҳим ҳисобланган канал ва зовурлар қозиш, дала маданиятини шакллантириш учун бунёдкорлик ишларини бажариш, лоток ва бошқа суғориш жиҳозларини ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётган кишиларни қандай қилиб аграр соҳа вакиллари қаторига қўшмаслик мумкин?

Жорий йил 12 август куни мамлакатимизда қурилиш соҳаси ходимлари куни кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”-ги фармони мувофиқ соҳадаги кўп йиллик самарали меҳнати, республикаимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, қурилиш индустрияси ва миллий меъморчиликни ривожлантириш, тизимга илғор



“Меҳнат шухрати” ордени соҳибни Набижон Солиев (чапда) ҳамкасби Н.Худойбердиев билан.

технологияларни жорий этиш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш борасидаги катта хизматлари ҳамда соҳага оид давлат дастурлари ижросини таъминлашдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ соҳа вакиллари давлат мукофотлари билан тақдирланди. Юксак эътирофга сазовор бўлганлар сафида Жиззах вилоятининг 4 нафар вакили ҳам бўлиб, уларнинг 2 нафари айнан қишлоқ хўжалиги билан алоқадор ишларда фаол иштироки учун юксак мукофотларга сазовор бўлишди.

Жиззахдаги “Зийнаткор темир бетон буюмлари” корхо-

наси цех бошлиғи Мусурмонқул Эргашев ирригация ва мелиорация ишлари учун зарур маҳсулот – лоток ишлаб чиқариш устаси ҳисобланади. Мирзачўл ва Жиззах даштининг бугунги кунда гуллаган масканга айланишида М.Эргашев кўллари билан “изи” тушган бетон ариқларнинг улуши катта.

– Ҳеч бир ишни Мусурмонқул аканинг маслаҳатисиз, йўриғисиз бошламаймиз, – дейди корхона раҳбари Адҳам Раҳмонқулов. – Зеро, у киши 30 йилдан буён жамоамизда ишлаб катта тажриба орттирган. Президентимизнинг фармони мувофиқ ҳамкасбимиз “Дўстлик” ордени билан тақдирланганидан барчамиз хурсанд бўлдик.

Жиззах шаҳридаги “Камол” кўп тармоқли қурилиш корхонаси иш юритувчиси Набижон Солиев эса “Меҳнат шухрати” орденига муносиб кўрилди. Унинг аграр соҳа билан боғлиқ фаолияти янада мазмунли ва серқирра. У 1982 йилда Самарқанд архитектура ва қурилиш институтини тугатиб, она юрти – Жиззахга қайтгач, “Жиззахсувқурилиш” трестда меҳнат фаолиятини бошлаб юборди.

– Жиззах чўлидаги бунёдкорлик ишлари авж олган даврлар эди, – дейди ўша пайтларни эслар экан Набижон ака. – Трест мутахассиси, механизациялашган кўчма колонна муҳандиси сифатида Дўстлик, Пахтакор, Зарбдор туманларида каналлар, зовурлар қазилишида иштирок этдим. Минглаб гектар майдонларга оби-ҳаёт олиб борадиган лотоклар ўрнатдик. Чўлқуварлар учун қатор-қатор коттеж, уйлар барпо этдик.

Мустақиллик йилларида қурувчилик соҳаси вакиллари, айниқса, махсус маълумотга, кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларга бўлган талаб янада ортди. Боси, айнан Истиклол йилларида ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқларни обод қилиш борасида кенг кўламли ишлар бошланиб кетди. Янги-янги ирригация-мелиорация иншоотлари қурила бошланди, бутун Ўзбекистон қишлоқлари бўйлаб намунали лойиҳалар асосида турар-



“Дўстлик” ордени совриндори Мусурмонқул Эргашев (чапда) корхона иш бошқарувчиси Бахтиёр Шокиров билан янги иш куни режасини тузмоқда.

жойлар қад ростлади. Лавҳамиз қаҳрамонлари бу борадаги ишларда ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Президентимизнинг юксак эътирофига сазовор бўлганлигидан руҳланган Мусурмонқул Эргашев ҳам, Набижон Солиев ҳам мамлакатимизда кенг кўламли амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқда: бири аграр соҳа ва қишлоқлар учун зарурий қурилиш маҳсулотларини етказиб бераётган бўлса, иккинчиси, канал, дренаж, лоток қуриш, чекка ҳудудларда уй-жой, мактаб, болалар боғчалари барпо этиш билан машғул...

**Х.КАРИМОВ,**  
ўз мухбиримиз.



## ҲАРАКАТ ҚАРИТМАЙДИ

**Мамлакатимизда “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури жадаллик билан амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлашда ушбу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.**

— Ҳар бир фуқаро ўз имкониятларидан унумли фойдалана олиши керак, — дейди Поп туманининг Янги-чек қишлоғида истиқомат қилувчи Раҳимжон ака Тиллабоев. — Мен ҳам ёшлигимдан тадбиркорликка меҳр кўйганман. Узоқ йиллар сантехник, электрик, тракторчи бўлиб ишлаб, нафақага чиқдим. Бундан 15 йил аввал Ҳошимжон Инсоповнинг иссиқхонасини кўрдим-у, тинчим йўқолди.

Уйга келиб 1,3 сотих майдонда иссиқхона қуриш ишларини бошлаб юбордим. Лимон кўчатларини олиб келиб эканимдан сўнг уни парваришлаш сирларини Ҳошимжон ака ва Ёндошали Эсоналиевдан ўргандим.

Отам Нормат бува эски боғбонлардан бўлгани сабабли мен ҳам боғдорчилик билан шуғулланиб турардим. Янги касб сир-синоатларини ўзлаштиришим қийин кечмади. 2010 йили БМТ вакиллари келиб, Наманганда иссиқхоналар қуриш ва цитрус ўсимликларни парваришлаш мавзусида ўқиш ташкил қилишди.

Курсни тугатганимдан сўнг 15 дан зиёд хонадонда иссиқхона қуришда бош-қош бўлдим. Уларга ўзим билган сир-синоатларни ўргатдим.

Бизнинг уй-жойларимиз тошли майдонларда жойлашгани учун 16 со-

тихдан ер ажратиб берилган. Ҳозирда иссиқхонадан ташқари 5x3 метр ҳажмда кўл қаздириб, 10 килограмм сазан балиғи чавақларини ташлаганмиз.



*Суратда: Раҳимжон Тиллабоев неваралари Рустамжон ва Лазизбеклар билан анорзорда.*

80 туп қорақайин, туятиш навли анор кўчатлари парваришлаймиз. Йилига 40—50 туп анор, 300 туп лимон кўчатларини етиштириб аҳолига тарқатамиз. Мақсадимиз қишлоғимизнинг аҳолиси ҳам ушбу ишларни амалга ошириб, даромадлари ошсин.

Хонадонимизда етиштирилган маҳсулотларимизнинг ўзи йилига 4—5 миллион сўм соф даромад келтиради. Мана шу даромадлар ҳисобидан 5 на-

фар фарзандимни вояга етказиб, уйли-жойли қилдим. Кенжа фарзандим Каримжон Тиллабоев менинг изимдан бориб, ишларимга яқиндан кўмак бериб келмоқда.

— Хонадонимизда тадбиркорликка алоҳида эътибор берилади, — дейди Каримжон. — Мен ҳам отамнинг изидан бориб хонадонимизда темирчилик устахонасини очдим. Устозим Абдухалил Раҳимов ва шогирдларим Муроджон Жаҳоналиев, Бехрўзбек Илҳомжонов ва Муслимбек Раҳимбековлар билан қишлоқ хўжалик техника-

ларининг агрегатлари ва қишлоқ хўжалик асбоб-анжомларини ишлаб чиқарамиз. Бундан ташқари, 4 бош наслли қорамол ва 10 бош кўй ҳамда 10 қути асаларини парваришлашда отамга яқиндан кўмак бериб келяпман. Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиши бизни янада янги марралар сари интилишимизга замин яратди. Туман ҳокимлигига ер сўраб қилган мурожаатимиз ижобий ҳал этилди. Темирчилик устахонаси ва темирчилик маҳсулотлари дўкони учун олти сотих жой ажратиб беришди. Биз ҳам ўз вақтида ҳаракатга келиб, устахона биносини қуриш ишларини бошлаб юбордик. Яқин кунларда фаолиятимизни бошлаш арафасидамиз.

Интилганга толе ёр, дейди халқимиз. Раҳимжон ака қишлоқдаги бирорта тадбирдан четда турмайди. Қаровчисини йўқ, сал кўли “калтaroқ” оилалардан ҳеч қачон ёрдамни аямайди. Шунинг учун қишлоқ аҳолиси бу оиллага бирдек ҳурмат билан қарайди.

*Ўз мухбиримиз.*

### Пахта—2018

## ШУМАНАЙДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ АВЖИДА

Қорақалпоғистон Республикасининг энг шимолий чеккаси — Шуманай туманида баҳор кеч, қиш фасли эса эрта келади. Мазкур ҳудудда апрелнинг охири-май ойи бошла-рида ҳам ёмғир аралаш қор ёғиши одатий ҳолат.

Бутун юртимизда бўлгани каби мазкур туманда ҳам кейинги йилларда жадал ривожланиш яққол кўзга ташланмоқда. Буни туман марказига кириб борган заҳотиёқ илғаб оласиз. Давлат дастурлари асосида кўчалар ободонлаштирилиб, кўплаб янги бинолар барпо этилмоқда, мавжудлари мукамал таъмирдан чиқарилмоқда. Боғроғлар, хиёбонлар барпо қилиниб, дов-дарахтлар экилди. Энг муҳими бу ижобий ўзгаришлар шўманойликларнинг кайфиятини кўтариб, уларнинг кележакка бўлган ишончини янада оширди. Бундай ўзгаришларни нафақат туман марказида, балки чекка овулларда ҳам қуриш мумкин.

Шу кунларда Шуманайда куз фасли ҳукмрон: дарахтлар

барги сарғайиб, олтин ранг тусга кирган. Далаларда эса иш қизғин: пахта йиғим-терими авжида.

Туманнинг асосий тармоғини қишлоқ хўжалиги ташкил қилади. Оғир табиий шароитга қарамадан, ҳар йили қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиб келинмоқда. Чунончи, ўтган йилнинг ўзида 5000 гектар пахта майдонларидан 10 минг тоннадан кўпроқ қимматбаҳо хомашё йиғиб-те-риб олинди. 4000 гектардаги кузги бугдой далаларидан 6 минг 200 тоннадан зиёд хирмон кўтарилди. Жорий йилги фалла салмоғи янада кўп бўлди.

Натижада туман аҳолиси ҳаёти йил сайин фаровонла-шиб бормоқда.

Жорий йилда мамлакатимизда рўй берган сув танқисли-ги туман деҳқонларини ҳам яна бир бор синовдан ўтказди. Лекин шуманайликлар чекланган миқдорда олинган сув-нинг ҳар томчисидан тежамкорлик билан фойдаланиб, пах-тадан мўл ҳосил тушлашга муваффақ бўлдилар. Тумандаги

# ЧОРВАДОР ҲАМ ТАДБИРКОР

*Нафис тонг отмоқда. Аллақачон уйқудан уйғонган қишлоқ аҳли эрта саҳарданоқ ўз юмушлари билан андармон. Кузнинг салқин ҳавоси кишини жунжиктирса-да, лавҳамиз қаҳрамони бир текис пишиб етилган маккажўхори даласи томон дадил одимлаб бораркан, ҳаёлида бугун қилиниши зарур бўлган ишлари режасини пиширтди...*

Ҳар қадамни ўйлаб босиб, сўзини ҳам ўйлаб-ўйлаб гапирувчи бу инсон Янгиариқ туманидаги “Оллашукор чорва” фермер хўжалиги раҳбари Омонбой Машарипов. Унинг фермер хўжалиги ташкил қилинганига эндигина уч йил бўлди. Аммо хўжалик шу қисқа муддатда илғорлар сафидан ўрин олди.

30 бош қорамол билан 12 гектар ерда иш бошлаган хўжаликнинг экин майдони йил сайин кенгайиб, мол бош сони ортиб бормоқда. Фермер маҳсулдорликни ошириш мақсадида 2016 йилда Германиядан 9 бош голштин зотли қорамол сотиб олди. Ҳозирга келиб хўжаликнинг чорва моллари 87 бошга етди. Шундан 23 боши соғин сирлар бўлиб, қунига 250 литрдан зиёд сут соғиб олинмоқда. Соғилган сут шартнома асосида тумандаги “Ғойбу сут” сутни қайта ишлаш корхонасига етказиб берилмоқда.

Молбоқарлар Абдурахмон Бекчанов, Рўздат Оллабергеновлар қорамолларни ўз вақтида озиқлантириш, сугориш, эмлаш ишларида кеча-ю кундуз астойдил меҳнат қилишмоқда.

Бундан ташқари хўжаликда 60 бош қўй-қўзи, 120 бош товуқ, курка, ўрдак каби паррандалар боқилмоқда.

Жорий йилда хўжаликнинг 16 гек-

тар майдонида чорва учун озуқа экинлари етиштирилди. Айни пайтда маккажўхори даласида ўрим-йигим ишлари авжида. Моллар учун қишга етарлича беда сенажи жамғарилди.

— Ҳали қиладиган ишларимиз талайгина, — дейди фермер жиддийлик билан. — Яқинда 350 тонна сифимга эга



*Суратда: Омонбой Машарипов чорва моллари ҳолидан хабар олмақда.*

музлатгич омборини қуриб ишга туширдик. Айни пайтда теварак-атрофдаги фермерлар ва томорқа ер эгаларидан картошка, пийёз, сабзи сингари маҳсулотларини сотиб олиб, сақловга қўяпмиз. Мақсадимиз қиш ва баҳор ойларида аҳолининг арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

Фермер хўжалиги фаолияти билан таниша бориб тракторини таъмирлаётган Улуғбек Маткаримов билан суҳбатлашдик:

— Техникага бўлган қизиқишим туфайли тракторчилик касбини эгалладим, — дейди у трактор мурватларини бурар экан, — “тойчоғим” салгина тижирлик қилса, шу заҳоти ишни тўхташиб, носозликни бартараф қилишга киришаман. Ахир унинг ёрдамида оиламни боққанымдан кейин, уни асраб-авайлайман-да.

Хўжаликда асаларичилик ҳам йўлга қўйилган. Асаларичи Умрбек Жуманиёвнинг айтишича, 25 уя асаларидан ҳар йили 1000 килограммдан асал олинмоқда.

10,2 сотих майдондаги интенсив боғда ярим пакана олма, ўрик дарахлари парваришланмоқда. Ушбу дарахлар келгуси йилдан ҳосилга кириши кўзда тутилган.

Хўжаликнинг йиллик даромади 600 млн. сўмни, соф фойдаси 180 млн. сўмни ташкил қилмоқда. Бу фойда эвазига Омонбой Машарипов келгусида сутни қайта ишловчи цех қуришни режалаштирмоқда. Шунда хўжаликда соғиб олинган сут шунинг ўзида қайта ишланиши йўлга қўйилиб, даромади янада ортади.

*Ўз мухбиримиз.*

мавжуд 267 фермер хўжаликлари айни кунларда катта машаққат ва оғир меҳнат эвазига етиштирилган пахта ҳосиллини йиғиб-териб олмақдалар.

Пахтакорлар яхши биладики, кузнинг қуёшли ҳар бир кунини ғанимат: эртага ёғингарчилик бўлмайди, деб ҳеч ким қафолат бераолмайди.

Адилбек Давлетов раҳбарлик қилаётган «Адилбек Давлетов» фермер хўжалиги тумандаги илғор жамоалардан бири. Хўжаликнинг умумий ер майдони 120 гектарни ташкил этади. Ўтган йили шунинг 17 гектарида пахта, 10 гектарида ғалла етиштирилди. Давлатга 30 тоннадан зиёд пахта, 25 тоннадан ортиқ дон сотилди. Ҳар иккала тармоқдан 200 миллион сўм даромад олинди. Шунинг 30 миллион сўми соф фойдадир.

Хўжаликнинг дала юмушларини бажаришда асқотадиган барча техника ва механизмлари бор. Жорий йилда яна иккита юқори унумли трактор олинди. Хўжаликда овулнинг 20 нафарга яқин аҳолиси иш билан таъминланган. Овулдаги кам таъминланган аҳоли тўй-маросимларига хўжалик ҳисобидан баҳоли қудрат ёрдам бериб келинади. Бундан ташқари овулдаги болалар боғчасига кундалик эҳтиёж учун сабзавот маҳсулотлари бепул етказиб берилади.

Сув танқислигига қарамасдан жорий йилда 17 гектар ғўза майдонда мўл ҳосил тўпланди. Фермер хўжалигида айни кунларда йигим-терим ишлари айни авж палласига кирди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ бу йил терилган пахтага бериладиган пулнинг кескин даражада кўпайтирилганлиги теримчилар моддий манфаатдорлигини оширмоқда. Шу кунгача мазкур фермер хўжалиги пахтакорлари уйган “оқ олтин” хирмони йиллик режанинг 80 фоизига яқинлашди. Демак, бугун-эрта жамоада ғалаба нашидаси сурилиб, баланд “оқ олтин” хирмони бунёд қилинади. Бу борада фермер хўжалиги чаққон теримчиларининг қўшган ҳиссалари катта бўлмоқда.

Тумандаги “Зулфия-Дилфуза”, “Нурсултон-Бовуржон”, “Оқ қуш” каби фермер хўжаликлари ҳақида ҳам худди шундай илиқ гапларни айтиш мумкин. Энг муҳими, бу жамоалар ҳам катта машаққатлар эвазига етиштирилган пахтанинг бир мисқолини ҳам зое қилмай йиғиб-териб олиб, марра сари тобора яқинлашмоқдалар.

**Р.ҚОЗОҚОВ,**  
*Ўз мухбиримиз.*



## ИЛМ-ФАНСИЗ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

**Хорижнинг илғор тажрибалари, дунё фанининг ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологиялар асосида ижтимоий-иқтисодий соҳани жадал ривожлантиришни таъминлаш қишлоқ хўжалигини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев яқинда Бекобод туманига борганда “Юсупов Гофуржон файз” фермер хўжалиги даласида бўлиб, пахта ривожини кўздан кечирди. Тошкент вилояти фермерлари билан мулоқотда эса ғўзани 60 сантиметр ораликда қўшқатор экиш, агротехник тадбирларни сифатли бажариш, сувдан тежаб фойдаланиш, пахтани қайта ишлаш масалалари ҳақида сўз юритди.**

“Бизнинг камчилигимиз – қишлоқ хўжалигида илмни ишлатмаймиз. Дунё бозорида рақобат шафқатсиз. Унга муносиб бўлиш учун аввало илм керак. Яхши нав, яхши қаров, инновацион технологиялар керак. Деҳқон далага кирдимиз, даромад топиши зарур”, деди Президентимиз.



“Юсупов Гофуржон файз” фермер хўжалиги жорий йилда 31 гектар майдонга ғалла экиб, 71 центнердан ошириб ҳосил олди. Бугунги кунда 47 гектардан ортиқ майдонда ғўза парваришланяпти. Ундан 35 центнердан зиёд ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Фермер экспортчи ташкилотлар билан мош, ловия, ички бозорга картошка ва сабзи сотиш бўйича шартнома тузган. Бекободда Фафуржон ака Юсуповни ерга, деҳқончиликка умрини бағишлаган деҳқон сифатида билишади.

– Бешинчи синфлигимдан бошлаб далада сувчилик қилганман. Ёшим улғая бошлагач, бошқа ишларга ҳам қўл урдим. Шундан бери даладанман, – дейди фермер. – Илгари ернинг унумдорлиги баланд эди. Сурункасига ҳисобкитобсиз минерал ўғитлар бериб, бир хил экин экилавергач, ер ўликка айланди. Олимлар тили билан айтганда, тупроқ унумдорлиги кескин пасайиб кетиб, табиий мувозанат издан чиқди. Таъкидлаш жоизки, эндиликда агросаноатнинг барча соҳалари каби деҳқончиликда ҳам илм асосларини жорий этмасдан туриб юқори самарадорликка, сифатли ҳамда салмоқли ҳосилдорликка эришиб бўлмайди. Бугунги деҳқон фақат ва фақат зироатда агро илмни жорий этиш билангина эртанги кунга ёруғ юз билан етиб бориши мумкин.

“Юсупов Гофуржон файз” фермер хўжалиги билан “Бойбўта” фермер хўжалигини кичик ариқ ажратиб туради. Уни 1997 йилда шижоатли дала маликаси Нилуфар Пирматова ташкил этган. Асли касби ҳамшира бўлган Нилуфар деҳқончиликка ҳам меҳр қўйди. Устозлари ўғитларига таяниб, умр йўлдоши, тажрибали механизатор Равшан Пирматов билан елкамаелка туриб, унинг қўллаб-қувватлашлари ҳисобига йиллар давомида пешқадамлар сафи-

да бўлиб келмоқда. Жорий йилда 21,5 га майдонга экилган буғдойнинг “Гром” навидан бу йилги об-ҳаво инжиқликларига қарамасдан 78 центнердан хирмон кўтарди. Давлат қабул пунктларига режадаги 64 тонна ўрнига 70 тонна сифатли дон топшириб, шартномавий режа 110 фоизга бажарилди. 2017 қишлоқ хўжалик йилида пахта тайёрлаш режасини 110 фоизга бажарган заршунослар эндиликда ғўзанинг “Султон” навидан мўл ҳосил етиштиришни мўлжаллаб турибди.

– Президентимизнинг Ўзбекистонда фермерчилик ҳаракатининг истиқболлари ҳақидаги фикрлари, қимматли маслаҳатлари мени, бутун бекободлик фермерларни руҳ-



лантириб юборди, – дейди Нилуфар. – Ҳақиқатдан ҳам мен ва мен каби фермерлар деҳқончиликда агро илмдан кенг кўламда фойдаланмаяпмиз. Шунинг ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи бехудага ошиб кетмоқда. Минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги йилдан-йилга пасайиб боряпти. Бундан буён бундай ишлаб бўлмайди. Жаҳон фани ютуқларини барча соҳаларга, хусусан, қишлоқ хўжалигига кенг татбиқ этиш бугуннинг муҳим вазифасидир.

**Файзулло БОБО.**

# ПАХТАЗОРДА ТУҒИЛГАН АХД

– Эндигина 12 ёшга тўлган бўлсам керак, – деб хотирлайди Гулхумор Юсупова. – Мактабдан келдим-да, бир бурда нонни апил-тапил еб, уйдаги чорвага ўт юлиб келиш мақсадида далага – падарибузрукворим Туроб ота, онам Мушарраф ая олдиларига шошилдим. Энди чопиқдан чиққан ўтларни тера бошлаган ҳам эдимки, катта самолёт устимиздан қўланса хидли дорини сепиб кетди. Шунда заҳарланиб, дарсга бир ҳафтагача бора олмаганман. Балки шунга ўхшаш эсласа дилни хира қиладиган воқеалар сабабми ёки далада ўлгайиб, зироатга меҳрим тушганлиги туфайлими, қишлоқ хўжалик ходими бўлишга аҳд қилиб, Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)га ўқишга кириб, олим-агроном мутахассислигига эга бўлдим.

Ўша пайтлар энди қишлоқ хўжалик экинларини касаллик ва зараркунандалардан биологик усулда ҳимоя қилиш оммалашаётган эди. Мазкур истиқболли усулнинг моҳиятини тушунганим, халқимизнинг турли кимёвий воситалардан халос бўлишида ҳиссамни қўшиш ниятида ҳеч иккиланмасдан мана шу даргоҳга ишга келдим.

Табиат мусаффолиги учун, эл-юрт тўкинлиги учун, қолаверса, миллатимиз давомчиларининг саломатлигига ҳисса қўшиш ишқи билан ўсимликларни ҳимоя қилишдек ўзим севган ишга умримни бағишладим.

Фаолиятимда фақат, ҳар доим ишончли ҳимоя – биологик усулни қўллаб, тарғиб қилдим. Ҳаракатларим зое кетмади. Йиллар давомида белгиланган режаларни ортиги билан, айрим зараркунанда ва касалликлар ёппасига тарқалган йиллари 2–3 бараварга ошириб удаладик.

Жорий йилда ҳам, трихограмма ишлаб чиқариш режасини бирмунча оширдик ёки 28 килограммдан ортиқчароқ трихограмма тайёрладик. Режадаги 2,7 миллион дона олтинкўз ўрнига 3,6 миллион дона, габрабракон 2,3 миллион дона етиштиришимиз лозим бўлгани ҳолда 2,4 миллион дона ишлаб чиқардик.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, барча қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришда, халқимизнинг ризқ-рўзи ва фаровонлигини, юртимизнинг иқтисодий қудратини ва экспорт салоҳиятини

юксалтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун фидойи ўсимликлар ҳимоячиси Гулхумор Юсупова Президентимизнинг Фармони асосан 2017 йилда “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳ-



Суратда: *Ғиждудон тумани “Агрокимёҳимоя” филиали раиси ўринбосари Гулхумор Юсупова.*

сулотлари билан таъминлаш, экологик тоза маҳсулот етиштириш ва атроф-муҳитни соғломлаштириш доимий эътиборда.

Зараркунанда ва касалликларга қарши курашда экологик соф усуллардан фойдаланиш, биологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қўллаш бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи мамлактлардан биридир. Етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг биологик усул ёрдамида парваришлангани жаҳон бозорида уларга талаб ортиб боришини таъминламоқда.

– Зараркунандалардан биологик усулда ҳимоя қилиш эндиликда пахта, галладан ташқари мева-сабзавотчиликда ҳам кенг қўлланилмоқда, дейди Гулхумор Юсупова. – Мисол учун, мевали дарактларга, сабзавот экинларига шира тушса, олтинкўз энтомофаги личинкаларидан фойдаланамиз.

Кемирувчи қуртлар помидор, бодринг, ловия, мош, карам каби экинларга зарар етказаётганини аниқласак, улар учун 500–1000 дона фойдали паразит – бракон тарқатиш кифоя.

Марказий биологическая лабораториямизда экинларнинг асосий зараркунандаларига қарши такомиллашган кураш усулларини ишлаб чиқиш борасида изланишлар олиб бораёلمиз. Жумладан, янги тур трихограммани ялпи кўпайтириш технологиясини мукамал ўзлаштириб жорий этиш ниятидамыз. Олтинкўзни ялпи кўпайтириш ускунасида ҳам фойдаланиш жорий этилади.

Дарҳақиқат, трихограмманинг янги тури – *Trichogramma chilonis* 47 турдаги трихограмма турлари ичидан танлаб олинган бўлиб, мамлакатимиз иқлим шароити унинг ривожланиши учун жуда қулай.

Бу тур бўйича лаборатория ва дала тажрибалари олиб борилган бўлиб, сабзавот, ғўза ва бошқа экинлардаги кемирувчи тунлам капалаклар учун жуда самарали ҳисобланади.

Мазкур энтомофаг юқори ҳароратга чидамли ҳисобланади. Уни тарқатиш схемаси ва қўллаш технологиялари ишлаб чиқариш синовларидан ўтган ва юқори самардордир.

Трихограмманинг кўпайиши учун мақбул ҳарорат 28–32°C ва нисбий ҳаво намлиги 65–70% атрофида бўлиши етарли ҳисобланиб, қўллаш натижасида сабзавот экинларида 15%, ғўза экинида 20% зарарли тунлам орқали йўқотилаётган ҳосил сақлаб қолинади.

Қишлоқ хўжалигида, хусусан ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилишда Гулхумор Юсупова каби ўз касбининг фидойилари деҳқон аҳлига мададкор бўлиб келмоқда.

*Ўз мухбиримыз.*



## ЕР БИЛАН “ТИЛЛАШГАН” ДЕҲҚОН

**Деҳқонни доимо меҳнат, саховат улуғлайди. У замон юки олдида чекинмайди, доимо олға интилади. Чўллари ўзлаштиришга киришилган йилларда бахмаллик Турдибой Усмонов ҳам оиласи билан Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги янги очилган қўриқ ерларга кўчиб ўтиб, кўп йиллар далада меҳнат қилди.**

Кейинчалик Жиззах вилоятининг Дўстлик туманига кўчиб келиб, хўжаликда бригада бошлиғи вазифасида ишлади. 59 ёшида хасталик туфайли оламдан ўтди. Оиланинг барча ташвишлари эндигина 24 ёшга тўлган тўнғич ўғил Маматмусонинг гарданига юкланди. Онаси билан етти нафар ука-сингилларига бош бўлди. Дастлаб сувчилик қилди, кейин пахтачилик бригадасига бошчилик қилди. Ўқишга кириб, олий маълумот олишнинг имконини топа олмади. Меҳнат жабҳасида қайнади, тобланди, элга танилди.

2002 йилда 53 гектар ерда пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган “Бекшоддил” фермер хўжалигини ташкил этиб, оилавий иш бошлади. Умрининг 58 баҳорини қаршилаган бу инсонни бугун нафақат туманда, балки вилоятда илғор фермер сифатида яхши танийди.

– Отамнинг “Деҳқоннинг бойлиги – ер. Ернинг қадрига етган, унинг “тилига тушунган” кишидан она замин ҳам марҳаматини аямайди” деган гапларини доимо ёдимда сақлаيمان, – дейди Маматмусо Усмонов. – Падари бузрукворимнинг бу ибратомуз гаплари фермерлик фаолиятимда қўл келмоқда.

Ўтган йили унумдорлиги паст бўлган 23 гектар ғалла майдонидан шартномавий режадаги 31,5 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил олинди. 27 гектар майдондаги пахтадан 32 центнердан хирмон кўтарилди. Бунда унинг отаси ўғитларига амал қилиб,

экин майдонлари унумдорлигини оширишга жиддий эътибор бераётганлиги, экинларнинг агротехника талабларини ўз вақтида ва сифатли бажаришга эътибор қаратаётганлиги муҳим омил бўлмоқда.

Буни жорий йил ғалладан олинган ҳосилдорлик мисолида ҳам кўриш мумкин. 26 гек-



*Маматмусо Усмонов пахта даласида.*

тар майдондаги ғалланинг ҳар гектаридан 75 центнердан ошириб сара дон ўриб-йиғиб олинди. Фермер ғаллачиликда юқори ҳосилдорликка эришганлиги учун вилоят ҳокимлигининг имтиёзи асосида “Ravon” автомашинасини харид қилди.

Бундай юқори натижаларга эришишда хўжалик аъзоларининг бир ёқадан бош чиқариб астойдил меҳнат қилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, сувчилар – Абдурахмон Алмишев, Илёс Аҳмедов, Муҳаммад Усмонов, тракторчи Равшан Жонузоқов ўзларига юклатилган вазифаларни маромига етказиб бажаришнинг ҳадисини олишган.

Ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида экилган 2 гектардаги мош, 8 гектардаги полиз, 5 гектардаги маккажўхори экинлари ҳосили шу кунларда биринкетин йиғиштириб олинмоқда: ҳосилдорлик чакки эмас. Демак, хўжаликнинг даромади янада ортади.

– Фермер кўп қиррали инсон бўлиши керак, – дейди суҳбат давомида М Усмонов. – Кези келганда сувчилик ҳам қиламан, механизаторлик ҳам. Ахир, экин парвариши кутиб турмайди. Агар унга вақтида ишлов берилмаса, қутилган ҳосилни олиб бўлмайди.

27 гектар майдондаги пахталар лўппилўппи бўлиб, қийғос очилган. Шу кунларда биринчи терим ишлари авжида. Мақсад – ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш. Бунинг учун далаларда етарлича ҳосил тўпланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазрлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги “2018 йил ҳосили пахта хом ашёсини йиғиб-териблиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ терим қатнашчиларига барча шарт-шароитлар яратилиб, ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинаётганлиги бу борада айни муддао бўлмоқда.

Меҳнатидан рағбат топаётган ўғлининг ютуқларидан, дориломон кунларда яшаётганлигидан 83 ёшли онаси – Мисқолхон момонинг ҳам қувончи чексиз. 50 нафардан зиёд неварая эваралар қуршовида умргузаронлик қилаётган момо шу бахтли кунларга етказганлиги учун шукр қилиб, мамнун яшамоқда. Ахир, унинг оддий сувчи ўғли бугун минса уллови, ўтирса ўрни бор фермер.

**Ш. ЖАББАРОВА,**  
ўз мухбиримиз.

# КЎП ЙИЛЛИК БУҒДОЙ – ҒАЛЛАЧИЛИКДА ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШ

*Perennial wheat is a new crop in the agriculture and considered one of the perspective crop species in soil fertility improvement, development of forage bases of livestock and small ruminants as well as grain industry. At this stage the perennial wheat should be improved by breeders on grain and quality characters where is initiated by research institute of plant industry nowadays.*

Республикамизда суғорма деҳқончилик қилинадиган майдоннинг қарийб 47 фоизи турли даражада шўрланган ҳамда деградациясига учраган. Дунёда охириги бир неча ўн йилликда умумий ҳайдаладиган майдонларнинг учдан бир қисми тупроқ эрозиясига учраган [1, 2]. Унумдор суғориладиган ерлар бир йиллик экинларни етиштиришда кенг фойдаланилиб, шўрланишга мойил, сизот суви яқин бўлган унумсиз ерлар экин экишга яроқсиз ҳолатга келмоқда. Кўп йиллик буғдой навлари ушбу узоқ вақтлардан бери муаммога айланиб улгурган эрозиясига ва деградациясига учраган тупроқларнинг ҳолатини янада яхшилаш, унумсиз фойдаланилмасдан ётган ерлардан оқилона фойдаланиш имконини яратади.

Анъанавий селекция услубларидан фойдаланган ҳолда бир йиллик буғдой хусусиятларини ўзида мужассам этган кўп йиллик буғдой навлари яратилди. Ушбу навларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, буғдой ўрими йиғиштириб олингандан сўнг илдиз массасидан буғдой қайтадан ўсиб чиқиб иккинчи марта ҳосил олиш ёки кўк масса сифатида чорва молларига яйлов сифатида фойдаланишишнинг мавжудлигидир.

Кўп йиллик буғдойнинг навларини яратиш ғаллачилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш ушбу экиндан кўп мақсадларда, яъни донидан истеъмол ва ем-хашак экини сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Кўп йиллик буғдойнинг яна бир энг асосий хусусиятларидан бири тупроқ эрозиясининг олдини олиш, илдиз массаси органик қолдигининг тупроқни бойитиши ҳамда сувдан ва озика элементларидан фойдаланиш ко-

эффицентининг юқорилигидадир. Тажрибаларда аниқланишича, кўп йиллик буғдой экилган майдонларда минерал озикалардан фойдаланиш самарадорлиги 100 фоизни ташкил этган.

Глобал иқлим ўзгариши кўп йиллик буғдой устида илмий изланишларнинг янада муҳимлигини кўрсатмоқда. Чунки ушбу экин тури табиатнинг турли хил омиллари жумладан иссиқлик, қурғоқчилик, шўрга ва касалликларга чидамлиги билан ажралиб туриши билан биргаликда бир марта экиш билан бир неча йил ҳосил олиш мумкин. Тажрибаларнинг кўрсатишича, кўп йиллик буғдой экилган майдонда қайта экиш ишлари 3–5 йилдан сўнг қайтадан амалга оширилади. Бу эса ишлаб чиқаришда жуда катта ресурс ва маблағларни тежаб қолади.

Кейинги йилларда Халқаро маккажўхори ва буғдойни яхшилаш маркази (СИММУТ) ва Америка Қўшма Штатларининг Канзас университетининг Тупроқшунослик илмий-тадқиқот институти (Land institute) билан ҳамкорликда кўп йиллик буғдойнинг янги навларини яратиш ва жорий этиш устида жуда тажрибалар ўтказилмоқда. Тажрибаларда Россияда қўлланилган кўп йиллик формалардан фарқли ўлароқ донор сифатида қўнғирбошлар оиласига мансуб кўп йиллик Th.intermedium, Th.junceiforme ва Th.ponticum ўтлардан фойдаланилган. Ҳозирда 42 хромасомали кўп йиллик формалар яратилган бўлиб, энг асосий камчиликлари ҳосилдорлигининг 30–60, 1000 дона дон вазнининг 15–25 ҳамда оқсил ва клейковина кўрсаткичларининг 10–15 фоизгача камлигидадир. Шунинг учун ушбу намуналарнинг қимматбаҳо кўрсаткичларини янада яхши-

лаш учун маҳаллий навлар билан частиштириш лозим.

2017 йилдан Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида кўп йиллик буғдойнинг 10 дан ортиқ намуналари экилди ва дастлабки синов ишлари бошлаб юборилди. Лойиҳада кўп йиллик буғдой шакллари ни маҳаллий районлашган бир йиллик шакллари билан частиштириш асосида иссиқлик, қурғоқчилик, шўрга ва касалликларга чидамли, юқори илдиз массасига эга, унумсиз ерларда кучли ўсувчи, дон ва ем-хашак мақсадида фойдаланишга яроқли кўп йиллик буғдой навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш асосий мақсад қилиб олинган.

Лойиҳа Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Қорақалпоғистон Деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ҳамда СИММУТ халқаро илмий маркази олимлари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Энг асосийси, бу навларни яратишда қўйилган асосий масала деградацияга учраган гипсли ерларда экиш ва бу ерларнинг тупроқ структурасини яхшилаш ҳамда тоғ ва тоғ олди минтақаларида, ўрмон хўжаликларида ва пастки минтақаларда экиб, июнь ойидан то октябргача қайта ўсиб чиқиш ҳисобига чорва моллари учун яшил озуқа сифатида қўллаш кўзда тутилган. 2018 йилдан давлат грант лойиҳалари асосида кўп йиллик буғдойнинг 50 га яқин навлари олиб келиниб, уларни мамлакатимиз шароитига мослаш ва янада яхшилаш бўйича селекция ишлари олиб борилмоқда.

**З.ЗИЯЕВ**, к.х.ф.д.,

**Д.МУСИРМАНОВ**, к.и.х.,

**С.АЛИҚУЛОВ**, к.х.ф.д.,

**А.АМАНОВ**, к.х.ф.д., профессор.

Ўсимликшунослик ИТИ.

## АДАБИЁТЛАР

1. Cox, T. S.; Glover, J. D.; Van Tassel, D. L.; Cox, C. M.; Dehaan, L. E. R. (2006). "Prospects for Developing Perennial Grain Crops". *BioScience*. 56 (8):649.
2. Wagoner, P.; Schaeffer, J. R. (1990). "Perennial grain development: Past efforts and potential for the future". *Critical Reviews in Plant Sciences*. 9 (5): 381.



## МЕВАЛИ ЭКИНЛАР ГЕНОФОНДИНИНГ БОҒДОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

*The existing differences in soil and climatic conditions in the regions of the republic require the testing of varieties in specific conditions.*

Ўзбекистонда боғдорчилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, ҳукуратимиз бу соҳани ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Боғлар ҳосилдорлигини ошириш учун янги жадаллашган навлар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш кенг қўламда амалга оширилмоқда. Республикада боғдорчиликни ривожлантириш мевали экинлар генофонди ва унинг ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир. Умуман, озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатли таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинларининг бой генофондига эга бўлишимиз зарур. Ўсимликлар генофонди ташқи стресс омилларга — қурғоқчиликка, тупроқ шўрига, иссиққа ва бошқа ноқулай шароитларга чидамли бўлган, ҳар хил йўналишда ва қайта ишлашга яроқли навлар ва дурагайлар яратишнинг асоси ҳисобланади. Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти мевали экинлар коллекциясида тўпланган ва тирик ҳолда сақланиб келаётган 3000 мингдан ортиқ олма, нок, беҳи, ўрик, шафтоли, гилос, олча, олжўри ва бошқа мевали дарахтлар намуналари асосида 200 дан ортиқ навлар яратилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда.



Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида деярли 100 йил давомида ўсимликлар генофонди мунтазам равишда янги намуналар билан бойитилмоқда, уларга комплекс баҳо берилиб, селекция ва ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган намуналар танлаб олинган ва улар республикамизнинг қишлоқ хўжалиги олдида ва шу жумладан боғдорчилик олдида турган кўп муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда боғдорчиликни ривожлантириш учун ҳамма шароитлар мавжуд. Лекин республикамизнинг иқлими кескин континентал бўлиб, қурғоқчилиги ва сув ресурсларининг танқислиги билан характерланади.

Шу сабабдан республикамизнинг бир ҳудудида ўзининг ижобий хусусиятларини кўрсатадиган қишлоқ хўжалик экин навлари, шу жумладан мевали экин навлари ҳам бошқа шароитларда салбий натижалар бериши мумкин.

Жанубий ҳудудларда иссиққа ва қурғоқчиликка чидамлилик энг муҳим биологик хусусият бўлса, шимолий ҳудудларда тупроқ шўрига, қурғоқчиликка, қишга, ҳавонинг паст ҳароратларига чидамлилик навларнинг унумдорлигини аниқлаб берувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Бу қишлоқ хўжалик экинлари навларини муайян шароитларда синовдан ўтказишни тақозо этади. Буларни эътиборга олиб, институтдаги мавжуд 50 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалик экин намуналари Тошкент, Сурхондарё ва Фарғона водийси шароитларида ўрганилмоқда.

Афсуски, ўзига хос тупроқ-иқлим шароитларига кескин континенталлик, тупроқнинг ва суғориладиган сувнинг шўрланганлиги, қорсиз қишлар (қуруқ аёзлар), вегетация даврининг қисқалиги, сизот сувларнинг яқин жойлашиши, ҳавонинг энг паст минимал ҳароратларига эга бўлган шимолий ҳудудларда — Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида мевали экинларнинг генофонди билан шуғулланадиган илмий муассасаларнинг йўқлиги оқибатида мевали экинларни синовдан ўтказиш имконияти бўлмапти.

Буларни эътиборга олиб, Қорақалпоғистон Республикасида Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг тажриба станциясини очиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Республикамизда мевачиликни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган асосий омилларга:

- суғориладиган сувнинг танқислиги;
- тупроқ шўрланиш даражасининг юқори бўлиши;
- ҳавонинг юқори ҳароратлари — вегетация давомида ҳаво ҳарорати шимолий ҳудудларда 58–60°C гача кўтарилади ва кўпинча меваларнинг шаклланиш ва пишиш фазаларига тўғри келади;
- қишда бўладиган паст ҳароратлар, кеч баҳор аёзлари ва бошқа стресс омиллар киради.

Ишлаб чиқаришда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик экинлари навлари маҳаллий шароитларга мослашган бўлиши шарт. Шунинг учун навларнинг ноқулай шароитларга чидамлигини чуқур ўрганиш ва илмий асосларини ишлаб чиқариш зарур.

Бунинг учун мевачилик билан шуғулланадиган илмий тадқиқот институтиларида физиологик изланишлар олиб бориш ва ўсимликларнинг қурғоқчиликка, иссиққа ва тупроқ шўрига чидамлигини ўрганиш ва шулар асосида стресс омилларга чидамли янги навлар яратиш керак. Бунда маҳаллий навларга, шу жумладан, республика илмий муассасаларида яратилаётган навларга кўпроқ эътибор бериш зарур. Уларнинг асосий хўжалик белгилари ва биологик хусусиятлари маҳаллий шароитлар таъсирида шаклланган. Шу сабабдан улар маҳаллий шароитларга яхши мослашган бўлиб, қурғоқчиликка, иссиққа, тупроқ шўрига ва бошқа стресс омилларга чидамлиги бўйича интродукция қилинган навлардан устун туради. Улардан селекцияда бирламчи материал сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Буларни эътиборга олган ҳолда, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида физиология лабораториясини қайтадан ташкил этиш, замонавий

жиҳозлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шунда намуналарга ҳар томонлама комплекс баҳо бериш имконияти туғилади.

Мевачилик олдидан турган муҳим вазибалардан яна бири, мева экин турлари учун яхши пайвандтаглар танлашдан иборат. Республикамиз ҳудудларида сув танқислиги сезиларли даражада бўлиб, ҳосилдорликни чегараловчи омилга айланган. Ер шарида кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, айниқса, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши бу муаммони яна ҳам кескинлаштириб юбормоқда. Республикамизнинг ҳам деярли ҳамма ҳудудларида ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши ва йиллар давомида аста-секин кўтарилиши оддий ҳол бўлиб қолмоқда.

Мевали экин пайвандтаглари маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мослашган бўлиб, қурғоқчиликка ва тупроқ шўрига чидамли бўлиши зарур.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган пакана пайвандтагларининг аксарият қисми юза жойлашган илдиз системасига эга бўлиб, тез-тез суғоришни талаб этади.

Бу йўналишда қурғоқчиликка ва тупроқ шўрига чидамли янги пайвандтаглари интродукция қилиш муҳим аҳамиятга эга. Лекин бизнинг фикримизча, бу муаммони интродукция йўли билан қисман ҳал қилиш

мумкин, холос. Республикамизда мевали экинлар пайвандтагларининг селекцияси билан шуғулланиш зарур. Бунинг учун пайвандтаглар коллекциясини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Айтиш лозимки, дунёда боғдорчилиги ривожланган ҳамма давлатларда пайвандтаглар селекцияси яхши йўлга қўйилган.

Мевали экинлар пайвандтаглари коллекциясини яратиш бўйича тадқиқот ишлари Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида бошланган ва экспедициялар ташкил этиш, намуналар айирбошлаш йўли билан бойитилмоқда.

Бунда асосий эътиборни нафақат республикамизнинг шимолий ва жанубий ҳудудларига, балки қурғоқчилик кучли ривожланган мамлакатларга – Туркменистон Республикаси, Хитой Халқ Республикасининг ғарбий ҳудудлари, Эрон ва бошқа давлатларга экспедициялар ташкил этиш, пайвандтаг учун яроқли бўлган намуналарни тўплаш ва уларни республикамиз шароитида синовдан ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу муаммолар ҳал қилинган тақдирда, республикамизда боғдорчиликнинг ривожланиши анча жадаллашади.

**А.АМАНОВ, К.БАЙМЕТОВ.**  
Ўсимликшунослик ИТИ.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Рустамов А.С., Байметов К.И., Абдуллаев Ф.Х. "Экспедиционные обследования по сбору растительных ресурсов Узбекистана и сопредельных республик". Материалы научно-практической конференции, посвященной 90-летию создания научно-исследовательского института растениеводства /18 август 2014 г. - Ташкент, Изд-во "АН РУз", 2014. - С. 18-22.
2. Байметов К.И., Арзуманов А.Ш. Сохранение и обогащение генетических ресурсов плодово-ягодных культур и винограда. Материалы научно-практической конференции, посвященной 90-летию создания Научно-исследовательского института растениеводства /18 август 2014. Изд-во. АН РУз. - Ташкент, 2014. - С. 47-51.

## МАҲАЛЛИЙ КАРТОШКА УРУҒЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*The article briefly outline the importance of potato in the national economy and the foremost regions of the world producing potato. Beside it, the purpose of satisfying needs of the population in potato and developing home seedage potato, the practical work of the specialized regional seedage potato economies and the legalities of the producers of potatoes Association.*

Бугунги кунда картошка дунёнинг 160 дан ортиқ мамлакатларида жами 19,5 млн. гектар майдонда экилиб, ҳар йили 390 млн. тоннадан ортиқ ҳосил етиштирилмоқда. Картошка Хитой, Ҳиндистон, Россия, Украина, АҚШ, Германия, Франция, Польша, Голландия ва Белоруссия давлатларида катта майдонларда етиштирилади. Ўртача ҳосилдорлик дунё бўйича 160 ц/га. ни ташкил қилади.

Дунёда картошка ишлаб чиқаришнинг ошиши асосан инновацион технологиялар қўлланиши ҳисобига тўғри келади. АҚШ, Германия, Франция ва Голландияда ўртача ҳосилдорлик 45,7–47,9 т/га. ни ташкил қилади.

Дунёнинг илғор давлатларида картошка етиштириш, ҳосилни йиғиш ва бошқа барча агротехник ишловлар беришда асосан механи-

зациялашган бўлиб, бунда сифатли уруғлик, гибрид ва серҳосил навлар, сертификатланган юқори самарали кимёвий воситалар, органик ва минерал ўғитлар ҳамда замонавий томчилатиб суғориш воситалари жалб қилинган.

Маълумотларга кўра, шу кунга қадар аҳолини уруғлик картошка билан таъминлашда аҳоли томорқаларида етиштирилган ва маълум бир қисми чет давлатлардан импорт қилинган навлар, картошкада касаллик ва зараркунандаларнинг кўпайишига, нав тозалигига, маҳсулотларнинг стандарт талабларига мос келмаслигига ва турли репродуктив навларнинг экилиши натижасида ҳосилдорликка таъсир этмоқда. Бу ҳолат ўз навбатида республикамизнинг ички бозорларида нархларнинг ошишига ва нарх барқарорлигига таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида маҳсулот етиштириш ҳажми ва турларини кўпайтириш, шунингдек, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, агротехник тадбирларини ўз муддатида сифатли қилиб ўтказиш бўйича белгиланган ҳудудий чора-тадбирлар Дастурларини бажарилиши натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда.

Республикамиз фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан 2017 йилда асосий майдонларга баҳор ойларида 93,9 минг гектар картошка экилган.

Шу билан бирга, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида жами 878,9 минг гектар,



ДУНЕДА ЭНГ КЎП КАРТОШКА ЕТИШТИРУВЧИ ДАВЛАТЛАР УЊЛИГИ

ДАВЛАТЛАР	ЖАМИ ҲОСИЛ, МЛН. ТОННА	ҲОСИЛДОРЛИК, ТОННАГА
ХИТОЙ	96	17,0
ҲИНДИСТОН	46	22,9
РОССИЯ	34	15,9
УКРАИНА	24	17,6
АҚШ	20	47,2
ГЕРМАНИЯ	12	47,4
ФРАНЦИЯ	8	47,9
ПОЛЬША	8	27,8
ГОЛЛАНДИЯ	7	45,7
БЕЛОРУССИЯ	6	20,4

шундан, 28,6 минг гектар картошка экилган. Ушбу майдонлар учун жами 505,9 минг тонна уруғлик картошка сарфланган.

2017 йилда республикада бўйича жами 3,1 млн. тонна (101,1%) картошка етиштирилган.

Республикада 2018 йилда эртаги картошка 42700 гектар майдонга экилган (шундан: 13773 га фермер хўжаликлари, 28927 га аҳоли томорқаларида). Йил якуни бўйича юртимизда 3210,5 минг тонна ҳосил етиштирилиши кўзда тутилган.

Республикада 2018 йил ҳолатига давлат реестрига 116 та картошка нави киритилган бўлиб, шундан 17 таси маҳаллий навлар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикада фермер хўжаликлари асосан Голландия, Франция, Германия, Польша ва Россия давлатларидан келтирилган картошка уруғини етиштирмоқдалар. Чет давлатлардан келтирилган уруғлик картошка махсус вагонларда олиб келиниши, йўл харажатлари қимматлиги ҳисобида фермерларга юқори нархларда сотилади. Четдан келтирилган уруғлик картошка айрим вилоятлар тупроқ-иқлим шароитларига мос келмаганлиги учун фермерларнинг юқори ҳосил олиши, ўғитлаш меъёрлари, муддатлари, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашда муаммолар туғилмоқда.

Юртимиз олимлари яратган маҳаллий картошка навлари бугунги деҳқонлар талабига жавоб бермапти ҳамда улар орасида кенг миқёсда оммалашмапти. Деҳқонларимиз эса четдан келтирилган уруғлик картошкага қарам бўлиб қолмоқдалар. Чунки маҳаллий навлар

хорижнинг серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларига рақобат қила олмаяпти. Бугунги кунда юртимиз тупроқ-иқлим шароитларига мос картошка навларини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар замон талабларига жавоб бермайди.

Республикада аҳолисининг картошкага бўлган эҳтиёжини қондириш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштиришда картошка етиштиришнинг инновацион услубларини ишлаб чиқишга зарурат туғилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 февралда қабул қилинган “Республикада уруғлик картошка етиштиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Картошка етиштирувчилар уюшмаси ташкил этилди.

Уюшма республикада чет эл технологиялари асосида маҳаллий картошка уруғчилигини ривожлантириш, ички бозорни сифатли картошка билан таъминлаш ва картошка маҳсулотларини экспортни йўлга қўйиш мақсадида фаолият юритади.

Қарорга мувофиқ, Қўрғонтепа, Шаҳрисабз, Китоб, Янгиқўрғон, Булунгур, Зомин, Бахмал, Бўстонлик ва Сўх туманлари уруғлик картошка етиштиришга ихтисослаштирилди.

Уюшмага картошканинг юқори репродуктивли уруғлари етиштиришни ташкил этиш, нав тозалиги ва уруғликни стандарт талабларига мослигини таъминлаш, картошка уруғчилиги марказларини ташкил этиш, ихтисослашган уруғчилик фермер хўжаликлари ва картошка уруғчилиги билан шуғулланувчи иш фаолиятини такомиллаштириш, картошкани биотехнологик усулда in-vitro шароитида кўпайтиришни йўлга қўйиш, супер-супер элита, супер элита, ва элита уруғларини кўпайтириш эвазига импортни камайитириш, логистика марказларини ташкил этиш, картошкани экиш, етиштириш зараркунанда ва касалликларга қарши кураш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича илмий асосланган тавсияномалар тайёрлаш вазифалари юклатилган.

Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Республикада 2018–2022 йилларда юқори репродукцияли картошка уруғларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган, картошка уруғчилигини етиштиришни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди.

Ички бозорга аҳоли учун арзон ва сифатли картошка етказиб бериш ва нарх барқарорлигини таъминлаш борасида картошкачиликка ихтисослашган туманларда совутичли омборхоналарни қуриш, картошкани қайта ишловчи корхоналарни ташкил этиш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратиш назарда тутилган. Уюшма жамоаси яқин йилларда аҳолини картошка ва картошка маҳсулотлари билан тўлиқлигича таъминлаш ва экспортни йўлга қўйишни ўз олдига мақсад қилиб олдилар.

**А.ЮСУПОВ,**  
қ.х.ф.д., Картошка етиштирувчилар уюшмаси раиси ўринбосари,

**Т.ШАМСИДИНОВ,**  
бош мутахассис, б.ф.н.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 февралдаги “Республикада уруғлик картошка етиштиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. В.И.Зуев, Ҳ.Ч.Бўриев, О.Қодирхўжаев, Б.Б.Азимов. Картошкачилик. - Тошкент, 2005.
3. agro.uz сайти

## ҚОВУН НАВЛАРИНИНГ ҚУРИТИШГА ЯРОҚЛИЛИГИ

*The article presents the results of the evaluation of a collection of melon varieties under different drying methods. The efficiency of the artificial method of drying has been established and suitable grades of melon for drying have been identified.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аҳолининг сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш долзарб масалалардан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон мева-сабзавот ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи давлатлардан ҳисобланиб, ҳар йили 11–12 млн. тоннадан зиёд маҳсулот етиштирилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидланганидек, “Аграр соҳа маҳсулот-

ларини қайта ишлаш ҳажми 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади”.

Бундан кўриниб турибдики, мева сабзавот маҳсулотларини етиштириш миқдори ортиб борган сари уларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳам йилма-йил ошиб бориб, тўғри йўлга қўйилиши керак. Қовун, тарвуз ва қовоқ кенг қайта ишлаш имкониятига эга маҳсулотлардир. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда қовуннинг 160 дан ортиқ навлари тарқалган бўлиб, улар бир-бирдан тезпишарлиги, ҳосилдор-

лиги, касалликларга ва бошқа ноқулай шароитларга бардошлилиги, таъми, сақланувчанлиги, ташилувчанлиги, қайта ишлаш ва қуритишга яроқлилиги кабилар бўйича фарқланади.

Қовун этини офтобда қуритиб қовунқоқи, турли рецептлар бўйича қайта ишланиб, консерва ҳамда қандолатчилик саноатида мураббо, қиём, цукат, пирог, прайниклар ва печенье тайёрлашда фойдаланилади. Қовундан тайёрланадиган, таркибида 60 фоизгача қанд сақлайдиган ўзига хос қизғиш-жигар рангли асал (бекмес) алоҳида эътиборга лойиқ.

Ундан Шарқ ширинликларидан бўлган ҳолва (бекмеснинг ун билан қорилмаси) тайёрланади.

Қовун навлари ҳандалак, ёзги эти юмшоқ, қаттиқ, кузги ва қишки хилларга бўлинишига қарамай улардан турли тупроқ иқлим шароитларида, айниқса, янги ўзлаштирилган оч тусли бўз тупроқлар шароитида юқори сифатли ҳосил олиш ҳамда ҳосилни ҳар хил усулларда қуритиш бўйича изланишлар етарли даражада ўтказилмаган.

Шуни ҳисобга олиб, биз 2017–2018 йилларда қовуннинг эти юмшоқ ва қаттиқ тезпишар ҳамда ўртапишар навлари ҳосилдорлиги, ҳосил сифатини ҳамда мевасини турли қуритиш усулларида баҳолаб, ўргандик. Тадқиқотимизнинг мақсади янги ўзлаштирилган тупроқлар шароитида қовун навларининг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигини аниқлаб, улар ҳосилни турли қуритиш усулларида баҳолаш асосида ишлаб чиқаришга экспортбон маҳсулот етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қовун навларининг меваси қанддорлиги билан фарқланиб, 10,4–14,9 фоизгача қайд этилди. Қовун меваларининг этига нисбатан қоқи чиқими нав ва қанддорликка боғлиқ равишда қуритиш усулларида сезиларли фарқланди. Мавжуд аънавий усулда офтобда қуритилганда навлар бўйича қовунқоқи чиқими 8,3–13,6 фоиз-

**Янгидан сугориладиган ерларда қовун навларининг ҳосилдорлиги, қанддорлиги, қоқи чиқими ва сифати (2017–2018 йиллар)**

№	Нав номи	Ҳосилдорлиги, т/га	Қанддорлиги, %	Қовун этига нисбатан қоқи чиқими				Қовун қоқи сифати, балл	
				мавжуд усулда		сунъий қуритилганда		мавжуд усулда қуритил- ганда	сунъий қуритил- ганда
				т/га	%	т/га	%		
1	Самарқанд обиновоти (ст.)	26,3	11,9	2,7	10,4	2,9	11,2	8,8	9,8
2	Кўкча-588 (ст.)	29,1	13,5	3,3	11,3	3,6	12,4	9,0	9,9
3	Оқ уруғ-1157	25,0	12,2	2,7	10,6	2,9	11,5	8,5	9,5
4	Тилма	24,4	10,6	2,2	9,2	2,4	10,0	8,1	9,0
5	Бўри-калла	21,5	11,7	2,1	9,8	2,4	11,1	8,6	9,3
6	Амири	23,6	11,1	2,2	9,5	2,5	10,7	8,8	9,5
7	Искандар печак	18,2	10,8	1,7	9,3	1,8	10,0	8,2	9,0
8	Кўндаланг тўр	27,5	14,9	3,7	13,6	4,0	14,7	8,4	9,3
9	Ич-қизил	32,8	10,8	3,0	9,1	3,4	10,3	8,1	8,9
10	Қора қош	20,1	11,5	1,9	9,7	2,2	11,0	8,0	9,1
11	Хоразм қирқмаси	17,9	12,2	1,9	10,4	2,1	11,7	8,4	9,5
12	Даҳбеди	22,0	11,5	2,0	9,1	2,2	9,9	8,6	9,4
13	Дониёри	18,6	12,2	2,0	10,6	2,1	11,5	8,7	9,6
14	Оқ-новвот	27,3	13,4	3,1	11,2	3,3	12,1	8,3	9,5
15	Тўёна	32,5	14,1	4,0	12,3	4,4	13,5	7,8	8,7
16	Кўк тўнни-1087	30,8	12,4	3,6	11,8	4,0	13,0	8,3	9,4
17	Кўк каллапўш	23,3	11,1	2,2	9,6	2,4	10,3	8,0	9,1
18	Гурлан	21,2	10,7	1,9	9,1	2,1	10,0	7,9	8,5
19	Ширали	26,0	12,2	2,7	10,3	2,9	11,1	8,3	9,2
20	Дилхуш	30,7	12,7	3,3	10,8	3,7	12,0	8,5	9,4
21	Саховат	34,5	13,2	3,9	11,4	4,3	12,5	8,3	9,3
22	Тошлоқи-862	28,7	14,4	3,5	12,2	3,8	13,4	8,6	9,7
23	Олтин водий	35,2	13,1	4,0	11,3	4,6	13,0	7,9	8,6
24	Л-149 (Новвоткалла)	33,6	14,0	3,9	11,7	4,4	13,1	8,6	9,7
25	Л-152	31,2	12,8	3,3	10,6	3,6	11,5	8,2	9,4
26	Хўжабилмас	17,3	10,4	1,4	8,3	1,6	9,0	8,4	9,0
27	Лаззатли	36,8	13,6	4,1	11,2	4,5	12,1	7,5	8,3
28	Оқ қовун-557	28,7	12,5	3,1	10,7	3,3	11,5	7,7	8,6
29	Олача	25,5	12,0	2,6	10,2	2,8	11,0	7,2	8,0
30	Шакарпалак-554	27,1	13,6	3,1	11,5	3,4	12,4	8,1	9,2
	<b>Ўргача:</b>	<b>26,6</b>	<b>12,4</b>	<b>2,8</b>	<b>10,6</b>	<b>3,1</b>	<b>11,6</b>	<b>8,3</b>	<b>9,2</b>



ни, гектаридан эса 1,4–4,1 тонна-ни ташкил этди. Энг юқори қоқи чиқими (11,2–13,6% ёки 3,1–4,1 т/га) Кўндаланг тўр, Кўкча-588, Оқ-новвот, Кўк тўнни-1087, Тўёна, Саховат, Тошлоқи-862, Олтин водий, Л-149 (Новвоткалла), Лаззатли, Шакарпалак-554 навларида кузатилди.

Сунъий қуритиш усулида қовунқоқи чиқими мавжуд усулга нисбатан 0,6–1,3 фоизга юқори эканлиги аниқланди ва навлар бўйича 9,0–14,7 фоизни ташкил этди.

Энг юқори қовунқоқи ҳосилдорлиги (3,7–4,6 т/га) Кўндаланг тўр, Тўёна, Кўк тўнни-1087, Тошлоқи-862, Саховат, Дилхуш, Олтин водий, Л-149 (Новвоткалла), Лаззатли навларида олинди.

Сунъий қуритиш усулида эти юмшоқ ёзги қовун навлари - Са-

марқанд обиноввоти, Бўрикалла, Амири, Даҳбеди, Дониёри, Кўк каллағуш кабилар қоқида ўзига хос нав ҳидининг сақланиши алоҳида эътиборга моликдир.

Шунинг учун ҳам мавжуд усулда қуритилган қовунқоқилар сифати навлар бўйича 7,2–9,0 баллгача баҳоланган бўлса, сунъий усулда тайёрланган қоқиларда бу кўрсаткич 8,0–9,9 баллгача ёки 0,7–1,2 баллгача юқори бўлди.

Иккала қуритиш усулида ҳам энг юқори сифатли қовунқоқилар Кўкча-588, Самарқанд обиноввоти, Оқ уруғ-1157, Шакарпалак-554, Л-149 (Новвоткалла), Тошлоқи-862, Дилхуш, Саховат, Оқ новвот, Дониёри, Даҳбеди, Хоразм қирқ-маси, Амири, Бўрикалла навларидан олинди.

Демак, Жиззах вилояти янги ўз-

лаштирилиб сугориладиган бўз тупроқларида қовун тезпишар ва ўртапишар эти юмшоқ ва қаттиқ навлари – Самарқанд обиноввоти, Кўкча-588, Кўндаланг тўр, Ичкизил, Оқ-новвот, Тўёна, Кўк тўнни-1087, Дилхуш, Саховат, Тошлоқи-862, Олтин водий, Л-149 (Новвоткалла), Лаззатли, Оқ қовун-557, Шакарпалак-554 каби навларини экиш гектаридан 22–35 тонна ҳосилдорликни таъминлаб, айниқса, сунъий усулда қуритилганда энг юқори (2,9–4,6 т/га) сифатли (8,3–9,9 балл) экспортбоп қовунқоқи ҳосили олиш имкони-ни берар экан.

**Х.ТИЛАВОВ,**  
ўқитувчи,

**Т.ОСТОНАҚУЛОВ,**  
профессор,

**И.АМАНТУРДИЕВ,**  
қ.х.ф.ф.д., (СамВМИ)

#### АДАБИЁТЛАР

1. R.Mavlyanova, A.Rustamov, R.Khakimov, A.Khakimov, M.Turdieva and S.Padulosi. O'zbekiston qovunlari. - T., 2005. - 206 b.
2. Т.Э.Остонақулов, С.Т.Санаев, Э.И.Хамдамова. Самарқанд қовунлари. - Самарқанд, 2016. - 39 б.
3. Т.Э.Остонақулов, В.И.Зуев, О.Қ.Қодирхўжаев. Мева-сабзавотчилик. - Т.: Наврўз, 2018. - 552 б.
4. Веб сайтлар: [www.sohibkor.uz](http://www.sohibkor.uz), [www.agromart.uz](http://www.agromart.uz), [www.fermer.uz](http://www.fermer.uz), [www.agro.uz](http://www.agro.uz), [ogorod.uz](http://ogorod.uz).

#### Янги нашрлар

## ФОЙДАЛИ МАНБА

“Наврўз” нашриётида Самарқанд қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Самарқанд ветеринария медицинаси институти), Тошкент давлат аграр университетининг профессор-ўқитувчиларидан иборат муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган, қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлири талабалари учун мўлжалланган **“Мевачилик ва сабзавотчилик”** (мевачилик) ва (сабзавотчилик) дарсликлари алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Ушбу дарсликлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат таълим стандарти ҳамда малака талабалари асосида тузилган ўқув режа ва фан дастури асосида тайёрланган.

Мевачилик йўналишидаги дарсликда мустақиллик йилларида жаҳон ва республикамизда мевачилик соҳасида қўлланилаётган агротехнологиялар, илғор хорижий тажрибалар, мева ва резавор экинларнинг аҳамияти, келиб чиқиши, тарқалиши, биологик хусусиятлари, Давлат реестрига киритилган ва кенг тарқалган навларнинг таърифи, мева экинларини кўпайтириш усуллари, мева кўчатзори, мева боғлари барпо этиш, шакл бериш ва буташ (кесиш) турлари, мева экинла-

рини парваришlash, ҳосилни териш, ташиш, сақлаш, интенсив мевачилик ва Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган мева экинларига катта эътибор берилган.

Сабзавотчилик йўналишидаги дарсликда эса ҳар бир сабзавот экиннинг аҳамияти, келиб чиқиши, тарқалиши, ботаник таърифи, биологик хусусиятлари, Давлат реестрига киритилган ва кенг тарқалган навлари ҳамда гетерозисли дурагайларнинг таърифи, ҳосилдан фойдаланиш соҳасига қараб ўстириш технологиясининг унсурларига катта эътибор берилган.

Ҳар иккала дарсликда мавзулар бўйича амалий машғулотлар, уларни бажариш тартиби ҳамда талабаларга вазибалар ҳам берилган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, sanoatни эса хомашё билан етарли даражада таъ-

минлаш билан бирга экспорт салоҳиятини юксалтиришга жиддий эътибор берилётганлигини инобатга олсак, ушбу дарсликлар нафақат ўқитувчилар, талабалар, магистрлар, докторантлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, соҳа мутахассислари, илмий тадқиқотчилар ҳамда кенг жамоатчилик учун фойдали манба бўлиб хизмат қилади.



# ГОЖИ – ШИФОБАХШ ЎСИМЛИК

*Lyciumbarbarum, a Solanaceous defoliated shrubby, has been used as a kind of traditional Chinese herbal medicines for thousands of years. Lyciumbarbarum L. also known as Gou Qi Zi in Asia, or FructusLyciiChinensis and Wolfberry in the West, has been widely used to promote health and longevity. Tea made from dried fruit of Lyciumbarbarum L. is believed to tonifyindeficiency in liver and kidney.*

Истиқболли янги доривор ўсимликларни ўрганиш, интродукция қилиш ва уларни кўпайтириш долзарб масала ҳисобланади. Биз тадқиқот олиб бораётган Гожи (*Lycium barbarum* L.) ана шундай доривор ўсимликлардан бири бўлиб, итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига, жингил туркумига мансуб, бўйи 3 метргача етадиган сершоҳ бута. Ўзбекистонда табиий шароитда ўсмайди. Ватани Хитойнинг Тибет ўлкаси бўлиб, у ерда кенг тарқалган ва унга маҳаллий халқ “Гожи” деб ном берган. Халқ табобатида ҳам худди шу ном билан машҳур. Ҳозирги кунда АҚШ, Япония, Хитой, Аргентина каби ривожланган давлатларда медицинада кенг қўлланилмоқда.

Гожи меваси таркибида: 19 хил аминокислота, 21 хил макро ва микроэлементлар, ҳатто, озиқ-овқат маҳсулотларида кам учрайдиган германий элементи, калий, натрий, кальций, магний, темир, мис, марганец, рух, протеин С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, В<sub>12</sub> ва Е витаминлари, кўпгина гаммакаротинлар ва бир қанча тўйинмаган ёғ кислоталар ва каротиноидлар, 8 хил полисахарид ва 6 хил моносахаридлар мавжуд.

Тиббиётда саратон ва ОИТС касалликлари билан оғриган беморлар организмда ҳимоя иммунитет даражасини кўтарди. Саратон касаллигининг кимё ва нур билан даволашдаги асоратларни камайтиради. Гожи меваси холестерол миқдорини камайтириб, фосфолипидлар миқдорини кўпайтиради, ҳужайра ўсиши ва регенерацияга ёрдам беради. Гожи меваси организмда гамма-интерферон моддасини ишлаб чиқаришни кучайтиради, рақ ўсмаси ўсишини ва ка-

салликнинг зўрайишини тўхтатади.

Гожининг барглари оддий, улар новдаларда кетма-кет ёки қарама-қарши ҳолатда жойлашган. Баргининг узунлиги 3–8 см, эни 2,5–3,5 см лансетсимон, эллипссимон ёки овалсимон шаклда ёш новдаларида якка-якка, эскиларида 2–5 тадан жойлашган. Гуллари кўкимтир рангда, ҳиди жуда ёқимли. Уруғлари юмалоқ, буйраксимон шаклда ёки дискмонанд кўримсиз шаклда. Ҳар бир мевадаги уруғлар турлича миқдорда бўлиб, ўсимликнинг шакли ва мева ўлчамига боғлиқ, ўртача 10–60 тагача майда сариқ уруғлардан таркиб топган. Уруғ



узунлиги 2–2,5 мм, 1000 та уруғнинг умумий оғирлиги 1,5–2 г. Гожи вегетацияси эрта бошланадиган ўсимликлардан бўлиб, Ўзбекистонда март ойининг биринчи декадасида бошланади. Гожи поясида илдиз бачкилари ҳам шаклланади. Бундай бачкиларда жуда кўп ҳосил бўлиб, илдизлардаги қўшимча куртақлар эвазига ривожланади. Уч-тўрт йиллик ниҳолларда бачки илдизларда куртақлар ривожланиб, янги новдалар ҳосил қилади. Вегетатив куртақларидан март ойининг биринчи декадасидан бошлаб барглари униб чиқа бошлайди. Барглари якка-якка ёки тўп ҳосил қилиб

унади. Апрель ойида гуллай бошлайди. Гули икки жинсли.

Самарқанд вилояти шароитида биринчи гулларнинг очилиши нисбатан анча эрта, апрель ойининг биринчи декадасида кечади. Ўсимликнинг гуллаши эрта баҳордан кеч кузгача давом этади. Гул тугуни жойлашишига қараб устки бўлиб, унинг атрофида бешта чангчи ўсиб чиқади. Чангдонда етилган чанглар учбурчак ёки ярим доира шаклида бўлади. Гул кўрғони мураккаб, гулкосача барглари оч яшил рангда 5 та қўшилиб ўсган, қўнғироқсимон ёки найсимон. Гултож барглари ҳам 5 та, оч ёки тўқ бинафшаранг, узунлиги 9–14 мм. Гулида бешта чангчи ва битта уруғчи жойлашган. Гожи уруғи яхши ривожланган уруғпаллалардан, эндосперм ва муртақдан иборат. Ҳар бир мевадаги уруғ миқдори турлича сонда бўлиб, мева шаклига ва ўлчамига боғлиқ, ўртача 30–40 тагача майда сариқ уруғлардан таркиб топган. Меванинг экзокарпий қисми унча пўстдан иборат. Унинг ранги ёрқин қизғиш.

Мезокарпий қисми нисбатан қалин, серсув, моддаларга бой. Меванинг эндокарпий қисмида майда сариқ уруғлар жойлашган бўлиб, уруғи эндоспермли, муртақ ҳамда иккита уруғпалладан иборат. Гожи мевалари май ойининг охири-июннинг бошларида пиша бошлайди. Меванинг ривожланиши 60 кундан 70–75 кунгача давом этади. Ноябрь ойида новдаларда баъзи барглари сарғайиб тушиб кетади, айримлари эса то биринчи қор тушгунча яшил рангда бўлади. Гожининг вегетация бошланишидан то мева пишгунгача бўлган даври 90–100 кун.

**Н.НУРУЛЛАЕВА,**  
(СамДУ).

## АДАБИЁТЛАР

1. Минделл Э., Гендель Р. Годжи Эрла Минделла: Секрет гималайского здоровья. *Momentum Media*, 2003.- С. 45-89.
2. Ҳайдаров Х.Қ., Нуруллаева Н. С. Гожи минг дардга давоми? // Ж.: "Фан ва турмуш". - Тошкент, 2014. - №3-4. 53-54-б.



## ЁНҒОҚНИНГ CHANDLER НАВИНИ IN-VITRO УСУЛИДА МИКРОКЛОНАЛ КЎПАЙТИРИШ

*The using methods of in vitro propagation for mass production of walnut Chandler cultivar is the most efficient way. The in vitro propagation stages of plants: the preparation of explants, sterilization, media preparation, transferring explants to the media and cultivation, acclimatization are described.*

Ёнғоқнинг Chandler навини микроклонал кўпайтиришда зиготадан ҳосил бўлган муртак, новдалар, шохлар ёки вояга етган пайвандустлардан фойдаланиш мумкин. Бошқа ёғоч ўсимликлар каби ёнғоқ ўсимлиги эксплантатлари in-vitro усулида эмбрион (муртак) тўқималардан олинади ва тўғридан-тўғри органогенез йўли билан кўпайтирилади. Мева ҳосил қилиш фазасида олинган эксплантатларни ҳам шу усулда кўпайтириш мумкин [1]. Ёнғоқ ўсимлиги вояга етган материалларининг in-vitro интродукцияси билан боғлиқ бўлган асосий муаммолар эндоген бактериал зарарланиш ва фенол бирикмаларининг ажралишидир. Эксплантатларни даладан in-vitro шароитларига кириштиришнинг муқобили сифатида бир йиллик новда учлари меристемалар шу билан бир қаторда, тиним давридаги шох учларидан фойдаланса бўлади [2].

Тадқиқотларимиз академик М.Мирзаев номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг In-vitro лабораториясида ўтказилди. Тажрибаларимизда Жон Драйвернинг лаборатория шароитида тўқималар ва ҳужайралардан сунбий (пробиркада) ўстириш бўйича услубий қўлланмасидан фойдаланилди.

Даладан баҳор мавсумида 2-4 ҳафталик ўсган, 0,5-0,8 см диаметрдаги, 2-5 см бўғим оралиғи ва вегетатив барг куртаклари бўлган силлиқ новда учлари танлаб олинди. Материал антиоксидант (20 мг/л цистеин ва 5 мг/л аскорбин кислотаси) ва фунгицид эритмаларида сақланган ҳолда лабораторияга олиб келинди.

Даладан қишнинг охири ва баҳорнинг бошларида вояга етган ёнғоқ дарахтидан 2-4 ёшдаги, 20 см узунликдаги, фаол вегетатив барг куртаклари бўлган ярим ёғочланган шохлари тўпланди. Улар ламинар шкафида фунгицидлар аралашмасида 20 дақиқа давомида аралаштирилиб, юзалари дезинфекцияланди. Шохлари стерилланган сувда уч

марта ювилиб, ламинар шкафида, филтр қоғоз устида қурилди. Шундан сўнг, улар 50 мл сув солинган стерил 200 мл ҳажмли шиша идишларга солиниб, нур ўтказувчи пластик пакетлар билан усти ёпилди. Сўнгра 16 соатлик фотопериодик шароитда ( $40-45 \mu\text{E}/\text{m}^2\text{s}$ ),  $25 \pm 1^\circ\text{C}$  ҳароратда вегетатив барг куртаги ўсиб чиққунга қадар сақланди.

Эксплантатлар озуқа муҳитига ўтказилишидан аввал стерил филтр қоғозларда қурилтилиши керак. 100 мл DKW озуқа муҳити (Driver ва Kuniyuki, 1984) 2,5 г/л гелзан билан қотирилди. Стерилизациядан аввал озуқа муҳитининг pH кўрсаткичи 5,8 га келтирилди.

Тайёр DKW озуқа муҳитидан



фойдаланилди. Юқори концентрацияли ауксин (1 мг/мл) ишчи эритмаси олдиндан алоҳида тайёрлаб олинди, сўнгра умумий ҳажмга қўшилди. Эритманинг pH кўрсаткичи тўғрилаб олингандан сўнг гелзан қўшилди ва барча моддалар эриб кетгунгача иситилди. Тайёр бўлган озуқа муҳити 100 мл дан ўстириш идишларига солиб чиқилди. Ўстириш идишларининг оғзи ёпилиб,  $121^\circ\text{C}$  ҳароратда, 105 КРа босимда 20 дақиқа давомида автоклавда стерилланди.

Кесиб олинган барг куртаклари 100 мл DKW озуқа муҳити ҳамда ВАР (1 мг/л), ИВА (0,01 мг/л), стрептомицин (50 мг/л), гелзан (3,5 г/л) солинган ўстириш идишларига ўтказилди. Идишлар 16 соатлик фотопериодик шароитда ( $40-45 \mu\text{E}/\text{m}^2\text{s}$ ),  $25^\circ\text{C}$  ҳароратда сақланди. Кириш босқичида эндоген бактериал

лар тарқалишининг олдини олиш учун озуқа муҳитига 50 мг/л стрептомицин қўшилди. Пролиферация босқичи учун яхши ўсган ва кам зарарланган эксплантатлар танлаб олинди. Микроновдалар сонини кўпайтириш учун ҳар 30 кунда новдаларнинг учки қисмидан олиниб, янги озуқа муҳитига субкультивация қилинди. Ёнғоқнинг Chandler нави ўсимлигида илдиз отиш хусусияти оддий шароитларда намоён бўлмайди, балки илдиз отишни кўзгатиш зарурдир.

Ёнғоқ илдиз системасининг ривожланишига озуқа муҳитининг таъсири ўрганилди. Бунинг учун DKW озуқа муҳити, индол-3-мой кислотаси (ИВА) ва вермикулит комбинациясидан фойдаланилди.

Назорат сифатида вермикулит қўшилмаган озуқа муҳити танлаб олинди. Вермикулитдан фойдаланилганда самарадорлик кўрсаткичи 23 фоизни ташкил этди, аксинча назорат ўсимликларининг ҳеч қайси бирида илдиз отиши кузатилмади (жадвал). Илдиз системасининг яхши ривожланиши кейинги in-vitro ва in-vivo ишловлар ва иқлимлаштириш (нисбий намлик 100%, ҳарорат  $18-20^\circ\text{C}$ ) шароитларига боғлиқ бўлди.

Илдиз отган микроўсимликлар озуқа муҳитидан ажратиб олиниб, илдиз системасига ёпишиб қолган субстрат қолдиқлари оқиб турган сувда ювиб ташланди. Шундан сўнг улар тенг улушларда олинган перлит ва вермикулитли субстратлар солинган полистирен идишларга ўтказилди ва иқлимлаштириш хонасида сақланди. Ўстиришнинг биринчи ҳафтасида ўсимликлар ҳар 15 дақиқада 10 сония давомида туманкада суғорилди ва 100% намгарчилик таъминланди. Учки барг куртакларининг ўсиши билан суғориш камайтириб борилди (ҳар 30-45 дақиқада 10 сония давомида) ва ҳаво айланиши кўпайтирилди. Энг охирида, яъни тўлиқ ўсиш фазасида суғориш оралиғи анча узайтирилди ва кўчатзорга мослаштириш фазасига босқичма-босқич ўтилди. Микрокўпайтирилган ўсимликлар етарли-

## Озуқа муҳити таркибининг ёнғоқ илдиз системаси ривожланишига таъсири

№	Озуқа муҳити таркиби	Ўстирилган микрокловал новдалар сони, дона	Илдиз отган микрокловал новдалар сони, дона	Самарадорлик кўрсаткичи, %
1	Тажриба Вермикулит қўшилган DKW озуқа муҳити	30	7	23
2	Назорат Вермикулит қўшилмаган DKW озуқа муҳити	30	-	0

ча миқдорда лигнин тўплаб, қаттиқлашгандан сўнг кўчатзорга ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етган ёнғоқ материалларини in-vitro усулида кўпайтиришда асосий муаммо бу бошланғич эксплантатларнинг эндоген бактериялар томонидан зарарланишидир ва бунда антибиотикларни қўллаш муҳим

аҳамиятга эга. Дезинфекциялаш жараёнида тўқималарининг оксидланиши микроновдаларнинг кўпайишига тўсқинлик қилади. Бунда дезинфекция моддаларига чидамли ярим ёғочланган тўқималардан иборат новда ва бўғим сегментларидан фойдаланиш мувофиқдир. Биринчи субкультурадаги материалларнинг пролиферацияси бошлан-

ғич даврда паст бўлиб, ўстириш давомида ва янги озуқа муҳитларига ўтказилганда ошиб боради. Нихоят, in-vitro ва in-vivo ишловлар натижасида микроўсимликларни иқлимлаштириш жараёнида (нисбий намлик 100%, ҳарорат 18–20°C) илдиз системасининг ривожланиши муваффақиятли амалга ошади. Ёнғоқнинг Chandler нави ни in-vitro усулида кўпайтириш тижорат аҳамияти жиҳатидан одатий усуллардан афзаллигини кўрсатди.

**С.АБДУРАМАНОВА,**

таянч докторант,

Академик М.Мирзаев номидаги

БУВАВИТИ.

## АДАБИЁТЛАР

1. Claudot, A.-C., Drouet, A. & Jay-Allemand, Ch. (1992) Tissue distribution of phenolic compounds in annual shoots from adult and rejuvenated hybrid walnut trees. *Plant Physiol. Biochem.* 30, 565-572.
2. Heile-Sudholt, C., Huetteman, C.A., Preece, J.E., Van Sambeek, J.W. & Gaffney, G.R. (1986) In vitro embryonic and seedling shoot tip culture of *Juglans nigra* L. *Plant Cell Tiss. Org. Cult.* 6, 189-197.

УЎТ: 634.23+631.8

## КЛОНЛИ ОЛЧА ПАЙВАНДТАГЛАРИНИ БИОГУМУСДАН Фойдаланиб етиштириш

*The article provides experimental materials on the intensified process of cultivating chicory vegetable derived from green leaves using biogas as a nutritional substrate. Studies have shown that poultry farming has a positive impact on biogas merger at 1,5 kg/m<sup>2</sup> in river basin used as the main component for.*

Кўчат етиштиришнинг янги ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқариш циклига татбиқ етиш интенсив боғдорчиликнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Бундай технологиялардан бири бир йиллик яшил қаламчалардан мевали экинлар пайвандтаглари ва кўчатларини етиштиришдир. Юқори кўпайтириш коэффициенти, иншоотнинг фойдаланиладиган майдон бирлигида қаламчаларнинг зич жойлашиши кўчат етиштириш жараёнини кўп марта тезлаштириш имконини беради [1, 2].

Тикланаётган қаламчаларга тўғри озуқа танлаш, янги технологиянинг муҳим элементи ҳисобланади. Мевали экинлар қаламчаларининг илдиз отиш сифатини яхшилаш ҳамда келгусида пайвандтаг ва кўчатларни ривожлантириш учун уларнинг сорбция хусусиятлари ва структурасини яхшилайдиган турли сунъий озуқа муҳитидан фойдаланилади [3, 4, 5].

Биогумуснинг биокимёвий таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, унинг таркибида 10,8 мг/100 г нитрат, 270,4 – ҳаракатчан фосфор, 269,3 – калий мавжуд. Кислоталилиги нейтралликдан кучсиз ишқорлиликкача –7,4.

Сингдирилган асослар йиғиндиси – 33,7 мг. экв/100 г модда, аммоний нитрат – 5,3 мг/100 г.

Қора шпанка олчасининг яшил қаламчалари тар-

кибида ҳар хил нисбатда биогумус билан дарё қуми бўлган сунъий субстратларда расад қилиш яшил қаламчали олчанинг илдизли ва ерусти қисмларида регенерация жараёнларига маълум даражада таъсир кўрсатди.

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки, қумда биогумус миқдорини ошириш билан яшил қаламчаларда илдиз ҳосил бўлишининг бошланиши тезлашди. Вариантлар кесимида 1–3 кунгача фарқланди. Тажрибадаги назорат вариантыга нисбатан бу кўрсаткич 2–5 кунни ташкил этди.

Биогумусдан фойдаланиш тадқиқотлари меъёрларидан келиб чиқиб, Қора шпанка олчаси қаламчаларининг илдиз тизими регенерацияси бошланғич фазаси бўйича энг яхши кўрсаткичлар дарё қуми субстратига 2,0–2,5 кг/м<sup>2</sup> меъёрида биогумус қўшилганда олинди. Бунда қаламчаларда илдиз шакллана бошлаши субстратга ўтказилгандан сўнг 17-кунда кузатилади. Биогумусни 3,0 кг/м<sup>2</sup> қумга солинганида илдизлар ризогенези бошланиши учун бир хил шароит таъминланади. Вегетация ўтаётган йилнинг охирида илдиз тизимининг умумий ривожланиши кутилганидек, биогумус оширилган меъёрга қўлланилган вариантларда энг юқори даражада бўлди (2500 ва 3000 г/м<sup>2</sup> қум) – 4,5 балл (5 балли баҳолаш бўйича).



**Қора шпанка олчаси пайвандтаглари ривожланишининг сифат кўрсаткичларига субстрат таркибидаги биогумус миқдорининг таъсири**

Тажриба вариантлари	Илдиз ҳосил бўлишининг бошланиши, экишдан бошлаб, кунлар	Илдиз тизимининг ривожланиши, баллар	Илдиз бўйинчасининг диаметри, мм	Пайвандтаг баландлиги, см	Пайвандтагнинг униб чиқиши, дона/м <sup>2</sup>	Пайвандтагнинг чиқиши, 1 га. дан минг дона
Дарё қуми – назорат	22	3,0	4,2	39,4	25	200
Қум+500 г/м <sup>2</sup> биогумус	20	3,3	4,9	43,1	34	272
Қум+1000 г/м <sup>2</sup> биогумус	20	3,3	5,1	43,8	35	280
Қум+1500 г/м <sup>2</sup> биогумус	19	3,5	5,8	47,5	38	304
Қум+2000 г/м <sup>2</sup> биогумус	18	3,7	6,5	49,6	39	312
Қум+2500 г/м <sup>2</sup> биогумус	17	3,9	6,9	50,5	43	341
Қум+3000 г/м <sup>2</sup> биогумус	17	3,8	7,0	50,7	44	352
НСР <sub>05</sub>	-	0,1	0,1	0,3	1,1	

Пайвандтаг баландлиги ва илдиз бўйинчаси диаметри ҳам ривожланишнинг олдинги омиллари каби субстратнинг озуқалик даражасига бевосита боғлиқдир. Олча пайвандтагларининг ўсиш кўрсаткичлари ҳам ризогенез ва илдиз тизимининг ривожланиши каби қумга биогумусни минимал меъёрдан – 500 г/м<sup>2</sup>, максимал меъёргача – 3000 г/м<sup>2</sup> солинганида олиб боради. Масалан, қумга 500 г/м<sup>2</sup> биогумусни қўшимча озуқа сифатида солиб ўтказилган тажрибада пайвандтаг баландлиги вегетация охирида 43,1 см. ни, назорат вариантыда эса 39,4 см. ни ташкил этди. Оптимал вариантда – 2500 г биогумус қўшилганда 50,5 см. ни, яъни юқорида келтирилган вариантларга нисбатан 18–22 га кўпроқни ташкил этди.

Илдиз бўйинчасининг диаметр бўйича ривожланиши навли куртакни пайвандлашни ва кўчат етиштиришни сифатли ўтказиш учун пайвандтагларнинг яроқлилиги муҳим мезонлардан биридир. Тажрибамизда бу белгининг стандарт ўлчамларига вегетация охирида биогумусни 2500-3000 г/м<sup>2</sup> меъёрида озуқа элементи сифатида фойдаланилган вариантларда эришилди. Озуқа субстратининг бу меъёрлари қўлланилганда пайвандтаг илдиз бўйинчасининг диаметри 6,5–7,0 мм. ни ташкил этди.

Дарё қумига 2500 г биогумус қўшилган сунъий субстратдан фойдаланиб, яшил қаламчалардан етиштирилган олча пайвандтагларининг униб чиқиши 1 м<sup>2</sup> майдонда 43 донани ташкил этди, буни 1 га. га ўтказилса 341 минг донани ташкил этади. Тажрибанинг назорат вариантыга ва биогумус солишнинг минимал меъёрига нисбатан бу кўрсаткич мувофиқ равишда 69 ва 141 минг дона/га кўпроқ бўлди.

Юқоридагиларга асосан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Сунъий субстратда яшил қаламчалаш услубида вегетатив кўпайтириладиган олча пайвандтагларини етиштиришда озуқа компоненти таркибига биогумус

қўшилган 1,0–1,5 мм. ли йирик заррали дарё қуми фракцияси самарали нейтрал сув ўтказувчи субстрат ҳисобланади.

2. Биогумус таркибига 5,3 мг аммоний азоти, 10,8 мг нитрат азоти, 270 мг ҳаракатли фосфор, 269 мг калий, 10–11% Са ва Mg киради, бу яшил қаламчалардан пайвандтаг ва кўчат етиштиришда озуқа субстрати сифатида ундан самарали фойдаланиш имкони беради.

3. Қора шпанка олчаси яшил қаламчаларининг ер усти қисми ва илдиз тизими ризогенезини тезлаштириш учун оптимал дарё қумига 2500 г/м<sup>2</sup> меъёрида биогумус қўшилиб субстрат сифатида фойдаланилганда яратилади. Бундай шароитда вегетация якунида давлат стандарти талабларига жавоб берувчи 341 минг дона/га. гача пайвандтаг олиш мумкин.

**Д.ХАЛМИРЗАЕВ,**  
(ТошДАУ)

#### АДАБИЁТЛАР

1. Агафонов Н.В., Фаустов В.В. Укоренение зеленых черенков вишни в зависимости от возраста маточных растений - // Докл. ТСХА., 1964. -вып. 98. - С. 139-145.
2. Андрощенко Д.П. Ускоренное размножение клоновых подвоев -// Достижение в плодовом питомнике НРБ и Молдав ССР. - Кишинев, 1979. - С. 112-120.
3. Астахов А.А. Изучение в питомнике вегетативно размножаемых подвоев для вишни и черешни. - Мастер. К междунар. конф. Орел, ГНУ ВНИИСПК, 2003. - С. 18-19.
4. Барабаш Т.Н. Выращивание саженцев вишни на клоновых подвоях. -Мастер. К междунар. конф. Орел, ГНУ ВНИИСПК, 2003. - С. 29-31.
5. Вехов Ю.К. Новые клоновые и семенные подвои для вишни. - Тез. докл на выездном засед. Россельхозакадемии. - Орел, 1995. - С. 44-46.ф

## ВЛИЯНИЕ СХЕМЫ ПОСАДКИ СОРТОВ ПЕРЦА СЛАДКОГО НА СЕМЕННУЮ ПРОДУКТИВНОСТЬ РАСТЕНИЙ

На 3-х сортах перца сладкого Дар Ташкента, Сабо и Шодлик изучали 4 схемы посадки на 4-х рядковых делянках с площадью каждой по 28 м<sup>2</sup> в трехкратной повторности.

У сорта Дар Ташкента от схемы посадки 70x20 к 70x50 см количество сформированных плодов на одном растении увеличилось и составляло от 7,2 до 9,0 шт, или на 25,0%; у сорта Сабо 7,6–9,6 шт, или 26,3%; у сорта Шодлик от 8 до 11,6 шт, или было больше на 45,0%. По отношению к контрольному (70x30 см) варианту при густоте растений 28,5 тыс. шт, набор плодов на одном растении был больше — у сорта Дар

Таблица 1

**Влияние схемы посадки на количество плодов, семенную продуктивность и массу семян сортов перца сладкого, 2013–2015 гг.**

Сорта и схемы посадки, см	Кол-во плодов на одном растении		Кол-во семян в одном плоде		Масса семян в одном плоде	
	шт.	% к конт.	шт.	% к конт.	г.	% к конт.
<b>Дар Ташкента</b>						
70x20	7,2	91,1	184	95,8	0,36	97,3
70x30 контроль	7,9	100,0	192	100,0	0,37	100,0
70x40	8,3	105,1	196	102,1	0,42	113,5
70x50	9,0	113,9	206	107,3	0,53	143,2
Х среднее	8,1	102,5	195	101,3	0,42	113,5
<b>Сабо</b>						
70x20	7,6	95,0	190	95,5	0,38	95,0
70x30 контроль	8,0	100,0	199	100,0	0,40	100,0
70x40	8,6	107,5	208	104,5	0,43	107,5
70x50	9,6	120,0	224	112,6	0,48	120,0
Х среднее	8,45	105,6	205	103,1	0,42	105,6
<b>Шодлик</b>						
70x20	8,0	86,9	197	93,8	0,39	95,1
70x30 контроль	9,2	100,0	210	100,0	0,41	100,0
70x40	10,1	109,8	223	106,2	0,42	102,4
70x50	11,6	126,1	243	115,7	0,45	109,8
Х среднее	9,73	105,7	218	103,9	0,42	101,8

Ташкента на 13,9%, у сорта Сабо на 20,0%, и у сорта Шодлик на 26,1%.

Установлено, что определенное влияние на количество семян в одном плоде оказывает и площадь питания одного растения. У изученных сортов с увеличением площади питания от 0,14 до 0,35 м<sup>2</sup> повышается количество семян в одном плоде. У сорта Дар Ташкента от 184 до 206 шт, (на 12,0%), у сорта Сабо 190–224 шт, (на 17,9%), и у сорта Шодлик от 197 шт. до 243 шт (на 23,4%) больше (табл. 1).

Чем на контрольном (70x30 см) варианте при схеме посадки 70x50 см количество семян в плоде было больше, у сорта Дар Ташкента на 7,3%, у Сабо на 12,6%, и у сорта Шодлик на 15,7%. Следовательно, от количества семян в одном плоде зависит и масса семян накопленных в них.

Закономерная картина между накоплением плодов на одном растении и количеством семян в одном плоде прояви-

лась во всех изученных сортах перца сладкого. С уменьшением густоты стояния растений на одном гектаре масса семян в одном плоде увеличивалась. Это увеличение составило у сорта Дар Ташкента от 0,36 до 0,53 г (на 47,2%), у Сабо 0,38–0,48 г (на 23,3%), и у сорта Шодлик 0,39–0,45 г (на 15,4%). Этот показатель по отношению к контрольному (70x30 см) варианту был больше, соответственно у сорта Дар Ташкента на 43,2%, у Сабо на 20,0%, и у сорта Шодлик на 9,8%.

Если сорт Дар Ташкента содержал в одном грамме 507 шт семян при схеме посадки 70x20 см, то с уменьшением количества (70x50 см) растений на гектаре их количество также уменьшалось до 389 шт. (на 30,3%), их количество увеличилось у сорта Сабо от 509 до 522 шт (на 2,6%), и у сорта Шодлик от 502 до 538 шт (на 7,2%)

От количества плодов зависело число семян на одном растении. От схемы посадки 70x20 см к 70x50 см отмечено увеличение числа семян на одном растении. Это увеличение составило по сорту Дар Ташкента от 1381 до 1851 шт (на 34,0%), у сорта Сабо 1430–2153 шт. (на 49,6%), и у сорта Шодлик от 1587 до 2824 шт (на 77,9%) (табл. 2).

На одном растении с увеличением числа семян (шт.), повышалась и их масса (г). Так у сорта Дар Ташкента при переходе от схемы посадки 70x50 см к 70x20 см, масса семян уменьшалась от 4,57 до 2,73 г, при среднем показателе — 3,42 г, или на 52,8% к контрольному (70x30 см) варианту. У сорта Сабо это снижение составило от 4,69 до 2,89 г, и у сорта Шодлик от 5,20 до 3,17 г. Во всех случаях с уменьшением количества растений на определенной площади отмечается увеличение массы семян на одном растении и соответственно составило у сорта Дар Ташкента от 13,7

Таблица 2

**Влияние схемы посадки сортов перца сладкого на количество и массу семян сортов перца сладкого, 2013–2015 гг.**

Сорта и схемы посадки, см	Кол-во семян в 1 г.		Кол-во семян на одном растении		Масса семян на одном растении	
	шт.	% к конт.	шт.	% к конт.	г.	% к конт.
<b>Дар Ташкента</b>						
70x20	507	96,4	1381	91,2	2,73	91,3
70x30 контроль	526	100,0	1515	100,0	2,99	100,0
70x40	465	88,4	1631	107,7	3,40	113,7
70x50	289	74,0	1851	122,2	4,57	152,8
Х среднее	472	89,7	1595	105,2	3,42	114,5
<b>Сабо</b>						
70x20	509	100,6	1439	90,8	2,89	89,5
70x30 контроль	506	100,0	1585	100,0	3,23	100,0
70x40	513	101,3	1790	112,9	3,69	114,2
70x50	522	103,2	2153	135,8	4,69	127,1
Х среднее	513	101,3	1742	109,9	3,63	112,2
<b>Шодлик</b>						
70x20	502	97,1	1587	82,0	3,17	84,5
70x30 контроль	517	100,0	1935	100,0	3,74	100,0
70x40	529	102,3	2250	116,3	4,26	113,9
70x50	538	104,1	2824	145,9	5,20	139,0
Х среднее	522	100,9	2149	111,1	4,09	109,4



**Таблица 3** Дар Ташкента, Сабо и Шодлик масса 1000 семян составила соответственно 1,98–2,60 г, 1,97–1,93 г и 1,99–1,86 г. (табл. 3).

Сорта и схемы посадки, см	Масса 1000 семян		Урожайность семян	
	г.	в % к конт.	ц/га	в % к конт.
<b>Дар Ташкента</b>				
70x20	1,98	100,0	1,95	138,3
70x30 контроль	1,98	100,0	1,41	100,0
70x40	2,16	109,1	1,20	85,1
70x50	2,60	131,3	1,29	91,5
Х среднее	2,18	110,1	1,46	103,7
<b>Сабо</b>				
70x20	1,97	99,5	2,05	134,9
70x30 контроль	1,98	100,0	1,52	100,0
70x40	1,95	98,5	1,30	95,5
70x50	1,93	97,5	1,32	86,8
Х среднее	1,96	98,9	1,55	101,8
<b>Шодлик</b>				
70x20	1,99	102,6	2,25	127,1
70x30 контроль	1,94	100,0	1,77	100,0
70x40	1,90	97,9	1,50	84,7
70x50	1,86	95,9	1,47	83,1
Х среднее	1,92	99,1	1,75	98,7

до 52,8%, сорта Сабо от 14,2 до 27,1%, и у сорта Шодлик от 13,9 до 39,0%.

Масса 1000 семян зависела от схемы посадки и густоты стояния растений. С расширением расстояния между растениями в ряду от 20 см до 50 см, у сортов

Было отмечено, что с уменьшением числа растений от 71,4 до 28,5 тыс. растений на одном гектаре, увеличивается количество и масса плодов, а также масса семян. При пересчете на гектар из-за наибольшей густоты растений при схеме посадки 70x20 см урожайность семян получена самая высокая. Несмотря на одинаковую ширину междурядий 70 см, с увеличением расстояния между растениями в ряду от 20 до 50 см, урожайность (ц/га) семян перца сладкого значительно уменьшается.

Так, урожайность составила у сорта Дар Ташкента от 1,95 до 1,29 ц/га, у сорта Сабо от 2,05 до 1,32 и у сорта Шодлик от 2,25 до 1,47 ц/га. По отношению к контрольному (70x30 см) варианту урожайность семян при схеме посадки 70x20 см была больше у сорта Дар Ташкента на 138,3%, у Сабо 134,9 и у Шодлик на 127,1%.

**Б.АЗИМОВ,**

доктор философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам,

**Р.АЗИМОВ,**

ТашГАУ.

**УЎТ: 633+63:54**

## ТУРЛИ МУДДАТЛАРДА ЭКИЛГАН СИДЕРАТ ЭКИНЛАРИНИНГ ЎСИБ-РИВОЖЛАНИШИ ВА БИОМАССА ҲОСИЛДОРЛИГИ

*Using of the green manure crop varieties as green manures in the summer and autumn for the improvement of cotton yield creates basis for the sustainable crop yield.*

Тажриба қўйишдан олдин танланган майдонда кузги буғдой йиғиштириб олинган (ёзги сидерация), дала суғорилиб, етилгач, экишга тайёрланиб, сидерат экин турлари ҳар бир пайкалчага алоҳида қўлда сочма усулда экилди. Кузги сидерацияда эса ғўза қатор ораси экишга тайёрланиб, уруғлар ёзги сидерациядаги сингари экилди. Айни пайтда соф ҳолдаги горох ва нўхат махсус шаблон ёрдамида 60x8 см схемада қаторлаб экилди. Сидерат экинлар уруғи экилган кундан бошлаб уларда фенологик кузатиш ишлари олиб борилди.

Сидерат экинлари уруғи экилгандан сўнг рапс 7–8, арпа 6–7, нўхат, соя, горох 6–8 кунда униб чиқди. Сидерат экинларнинг уруғлари униб чиққач, жадал майса ҳосил қилди. Сўнгра майсалари аста-секинлик билан ўсиб-ривожлана бошлади. Сидерат экинлар майдонларида ўтоқ ўтказилганлиги боис бегона ўтлар деярли учрамади. Шунинг учун сидерат экин-

ларнинг ўсиб-ривожланиши яхши кечди.

Гуллаш фазасида ўтказилган биометрик ўлчашларда рапс ўсимлиги баланд бўйли бўлиб шохланганлиги аниқланган бўлса, арпа ўсимлиги эса пастлиги кузатилди. Горох ўсимлиги соф ҳолда ва арпа рапс билан аралаш экилганда ҳам паст бўйли бўлиб, 4–5 тадан шох ҳосил қилиб ўсиб-ривожланди.

Сидерат экинларининг 1 га майдондаги туп қалинлиги арпада 2,8 млн. дона бўлса, аралаш экилган арпа+горохда 3,02 млн. дона, арпа+сояда 3,7 млн. дона, рапсда 2,9 млн. дона, горох ва нўхат соф ҳолда экилганда 146,2–192,1 минг донани, горох+рапсда 4,6 ва горох+рапс+нўхат вариантида 4,9 млн. донани ташкил этиб, 1 га майдонда энг кўп туп қалинлиги горох+рапс+нўхат, горох+рапс, арпа+соя вариантларида аниқланди. Кузги сидерация бўйича ўтказилган тажрибада ҳам юқоридагига мос равишда туп со-

нининг вариантлар ўзгариб бориши кузатилди.

Ушбу сидерат экинларининг туп сонини аниқлаш билан бирга гуллаш фазасида бош пояси баландлиги ўлчанди. Ўсимлик бўйи соф ҳолда экилган арпада 80,0 см бўлган бўлса, аралаш экилган арпа+горох вариантида арпанинг бўйи 79,2 ва горохнинг бўйи 70,2 см. ни, арпа+соя вариантида эса мос равишда 81,0 см ва 82,3 см. ни ташкил этди, соф ҳолда экилган рапснинг бўйи 94,6 см бўлса, горох+рапс вариантида рапснинг бўйи 90,7 см, горохнинг бўйи 70,9 см, горох+рапс+нўхат вариантида эса мос равишда 69,6, 90,8 ва 78,8 см бўлганлиги аниқланди. Кузги тажрибада ёзги тажриба вариантларига нисбатан ўсимлик бўйлари бироз баланд бўлиши аниқланди. Масалан, ёзги сидерацияда соф ҳолда экилган рапснинг бўйи 94,6 см бўлса, кузги сидерацияда унинг бўйи 124,7 см ёки 34,1 см баландлиги кузатилди. Ушбу ҳолат бошқа вариантларда

ҳам ўз аксини намоён этди. Бунинг асосий сабабларидан бири кузги ўсимликларни илдиз тизимининг яхши ривожланиши ўсимликнинг ер устки қисмига ўз ижобий таъсирини ўтказмасдан қолмайди деб ўйлаймиз. Маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, сидерат экинлар соф ҳолда экилганда аралаш экилгандагига нисбатан бўйи баланд бўлиши, шу билан бирга майдон бирлигида туп сонининг кўпайиши билан ўсимлик бўйининг ортиши кузатилди.

Сидерат экинларнинг илдиз тизими экин турига қараб тупроқ қатламларида таралиши турлича бўлди. Рапс ўсимлиги кучли илдиз тизими ҳосил қилиб, илдиз тизимининг 60–70 фоизи ҳайдов қатламда жойлашиб, асосий илдизи 1–1,5 м чуқурликкача кириб борганлиги кузатилди. Рапс соф ҳолда ва аралаш ҳолда экилган вариантларда ер остки массасининг бошқа сидерат экин турларига нисбатан юқорилиги, шунингдек, дуккакдошлар оила-сига мансуб сидератларнинг илдиз тизими тупроқнинг чуқур қатламларига таралиши ҳамда ер остки қисмининг ер устки қисмига нисбати бошқа вариантларга қараганда кўп бўлганлиги аниқланди.

Арпа попук илдизли ўсимлик бўлиб, илдизларининг 60–75 фоизи ҳайдов қатламида шаклланди ва илдиз тизими тупроқ қатламида 0,8–1,0 м чуқурликда ўсиб, ер устки ҳамда ер остки қисмлари нисбатида бошқа вариантларга қиёсан энг кичик кўрсаткич қайд этилди.

Горох илдизи ён томонларга илдиз пайлари чиқариб тарвақайлаб ўсиб ривожланди. Горох ўсимлигининг илдиз тизимида азот тўпловчи туганаклар миқдори тажрибанинг 2–3-йиллари анча ошганлиги аниқланди. Горох илдизларида азот тўпловчи туганаклар улуши бир туп ўсимлик илдиз тизимида 10–15 фоизни ташкил этди.

Сидерат экинлар биомасса ҳосилдорлиги гуллаш ва бошоқлаш фазасида 1 м<sup>2</sup> ва 1,6 чизиқли метр майдондаги ер устки ва ер остки қисмлари массаси ўлчаш орқали аниқланди. Ёзги тажрибада сидерат экин турларининг ер устки яшил массаси 1 м<sup>2</sup> майдонда 1668 г. дан 2840 г. гача оралиқда катта фарқ билан ўзгарди, яъни соф ҳолда экилган арпа ва рапс вариантларида ер устки яшил масса мос равишда 1668 г ва 1903 г. ни ташкил этган бўлса, энг юқори кўрсаткич



горох+рапс+нўхат аралаш экилган вариантда бўлиб, 2840 г бўлганиги аниқланган бўлса, кузги тажрибаларда бир мунча юқори бўлди, яъни соф ҳолда ўстирилган горох, нўхат, рапс, арпа ўсимликларининг ер устки қисми 1946 г, 2451 г, 723 г ва 634 г, ер остки қисми эса 359 г, 405 г, 109 г ва 58 г юқори бўлиши, аралаш экилган вариантларда ҳам ушбу ҳолат ўз аксини топиши аниқланди. Нисбатан юқори кўрсаткич горох рапс билан аралаш экилган вариантда кузатилди. Қолган вариантлар бўйича ер устки яшил масса кўрсаткичи оралиқ кўринишда бўлди.

Ёзги тажрибада горох ва нўхат соф ҳолда қаторлаб экилганлиги боис 1,6 чизиқли метрда ҳисоблаш ишлари ўтказилди ва бу ҳисоб майдонида яшил масса 5122 ва 6451 г. ни ташкил этган бўлса, кузги таж-

рибада эса бу кўрсаткич 7068 ва 8902 г бўлганлиги қайд этилди.

Ёзги сидерат экинларининг биомасса ҳосилдорлиги экин турлари бўйича гектаридан 6,0–31,9 тоннани ташкил этган бўлса, кузги сидерат экинларида бу кўрсаткич 8,34–43,89 тоннани ташкил этди.

Энг юқори биомасса ҳосили (31,9; 43,89 т/га) ёзги ва кузги тажрибаларда сидерат учун аралаш экилган горох+рапс+нўхат вариантда эканлиги қайд этилган бўлса, нисбатан юқори ҳосилдорлик (30,3; 41,89 т/га) горох рапс билан аралаш ҳолда экилганда олинди. Энг кам биомасса ҳосилдорлиги (6,0–7,7; 8,34–10,50 т/га) сидерат экин учун горох ва нўхат соф ҳолда экилганда кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, қисқа навбатли ғўзағалла алмашлаб экишда ёзда ғалладан бўшаган майдонларга рапсни соф ҳолда, арпани соя билан, горохни рапс ва нўхат билан аралаш ҳолда экиб, қуёшдан келаётган радиациядан самарали фойдаланиш ҳисобига кеч кузгача 22–32 тонна биомасса етиштирилса, кузги сидерацияда бу кўрсаткич 41,89–43,89 тоннани ташкил этиши аниқланди. Бу миқдордаги биомасса ёзги тажрибаларда кузда шудгор қилиниши ва кузги тажрибаларда эса эрта баҳорда шудгор қилиниши билан уларнинг чириши ва тупроқ унумдорлиги ошишига таъсири ижобий тарзда бўлишини инобатга олиб, бу экин турларидан ёзда ва кузда сидерат сифатида фойдаланиш ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишга замин яратади.

Бундан ташқари сидерат экинлар ер устки биомассасини чорва молларига берилганда ҳам уларнинг ўсиб-ривожланишига ҳамда улардаги сут маҳсулдорлигининг ошишида ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

**Ю. КЕНЖАЕВ,**

*ТошДАУ докторанти*

#### АДАБИЁТЛАР

1. Мастерова В.П., Ананьина Н.Н. Кузги рапс / *Ем-хашак етиштириш асослари*. - Т.: Ўқитувчи, 1977. - 92-93 б.
2. Болкунов А.С. ва бошқалар. Ғўза вилтига қариши курашга оид тавсиялар. - Тошкент, 1979.
3. Орипов Р.О. Ўзбекистон деҳқончилигида оралиқ экинлар истиқболи (*Методик тавсия*). - Самарқанд, 1985. - 10 б.
4. Абдукаримов Д.Т., Горелов Е.П., Ботиров Х.Ф. Ўзбекистонда оралиқ экинлар / *Озиқа етиштириш (дарслик)*. - Самарқанд, 1995. - 126-135 б.



## КОНСЕРВИРОВАНИЕ СИЛОСА КУКУРУЗЫ ИЗ КОНСЕРВАНТОВ

*Entrering of microbiological product into a silo senaj for conservation of such not pathogenic microbes pathogenic microbes (*Aspergillus oryzae*, *Pleurotus ostreatus*) and yeast (*Saccharomyces cerevisiae*) has affected the chemical composition and quality fat and ashes accordind to laboratory and senaj with preservatives exceeded the prepared silo respectively on 12 and 14%.*

Силосование — сложный микробиологический процесс, и закваска запускает стартовый механизм молочнокислого брожения, но размножаются не только входящие в состав заквасок лактобактерии, но и эпифитная микрофлора. Кукурузный силос — востребованный корм, богатый энергией благодаря наличию в нём крахмала. Недостатки: низкое содержание клетчатки и протеина. Во многих хозяйствах кукурузный силос является основным кормом для животных, комбинирует с травяной мукой.

При оценке качества силоса, надо учитывать запах, значение pH, соотношении кислот, содержание каротина.

Согласно ГОСТу, по органолептическим и химическим показателям силос подразделяют на три класса качества и неклассный.

Хорошо заквасившийся силос должен иметь оливковый цвет и приятный запах овощей.

Ярко-зелёный цвет в сочетании с высокой влажностью означает, что в массе силоса происходило маслянокислое брожение и образовалась масляная кислота. Силос при содержании сухого вещества более 2% масляной кислоты начинают образоваться токсичные разложения белка. Даже в небольшом количестве масляной кислоты можно определить по запаху. Если силос растереть в руке, то через несколько мгновение после высыхания силосного сока появляется испорченный запах селёдки, это означает, что в корме образовалась масляная кислота.

Запах уксусной кислоты можно



определить по резкому кислому запаху.

Бурый и темно-коричневый цвет означает, что силос самсогревается до температуры 40°C. В таком корме снижается питательность веществ силоса и он имеет сильный запах. Кислотность силоса не должна превышать 3,8–4,5%. Если pH ниже 3,8, то это признак того, что силос получится кислым и с избыточной влажностью. Если кислотность превышает 4,5%, то степень подкисления недостаточен. Такой нестабильный силос портится при хранении.

Этот силос относится к неклассному, у которого бурый и темно-коричневый цвет с выраженным сильным запахом мёда, уксусной кислоты или свежеспеченного ржаного хлеба, соответствующий остальным показателям.

В России при силосовании зеленых растений кукурузы, люцерны и других культур успешно применяются целлюлолитические ферментные препараты, пропионовая кислота, муравьиная кислота, отмечали значительное улучшение

качества силоса за счет гидролиза полисахаридов амилазными и целлюлозализными ферментами.

В настоящее время в нашей стране испытываются культуры плесневых грибов *Асп. нигер*, *Асп. аваморин* и препаратов выделенные из этих культур: нигрин, аваморин и другие.

Используя в силосе аваморин 0,5 был сдвиг pH в сторону, подкисление pH в силосе достигала оптимальной величины (4,0–4,2). Одновременно, в силосах увеличивается уровень органических кислот, улучшается соотношение молочной и уксусной кислот. Содержание аммиака по сравнению с контрольным уменьшается в 2–4 раза.

При использовании химических и биологических препаратов, приготовленный силос обогатился протеином, сахаром и каротином. Содержание сырого протеина повысилось на 4,1%, БЭВ — на 1,4%. Кукуруза консервированная была менее кислая, отличалась более высоким содержанием молочной кислоты. Приготовленный силос был зелёного цвета, имел хорошую структуру и был привлекательным для поедания животных.

Цель исследования - улучшить технологические свойства и перевариваемость силосованных кормов, используя питательные вещества в их содержании.

В настоящее время ищутся пути дальнейшего повышения эффективности ферментных препаратов.

**З. АХМЕДОВА,**  
д.б.н., НИИМ,  
**Д. РАХМАНОВ,**  
к.с.х.н., НИИЖП.

### ЛИТЕРАТУРА

1. Perdigon G., Fuller R., Raya R. Lactic acid bacteria and their effect on the immune system // *Curr. Issues Intest. Microbiol.* - 2001. - Vol. 2. - №1. - P. 27-42.
2. B.I. Turaeva, N.Y. Zuhritdinova, X.X. Karimov, Kh.M. Khamidova, Z.Y. Ahmedova. The antagonistic activity of fungus *T. harzianum* UZ CF - 55 against some phytopathogens. // *European Journal of Biomedical and Pharmaceutical Sciences*, 2016, Volume 3, Issue 9, p. 70-72.
3. N. Sh. Azimova, D. M. Khamidov, M. B. Djumagulov, Z. S. Shakirov. Purification and some properties of endo-1,4-β-glucanases of *Trichoderma harzianum* UzCF-28 // *Open Journal of Applied Sciences*, 2016, 6, 514-523; <http://www.scirp.org/journal/ojapps>; <http://dx.doi.org/10.4236/ojapps.2016.68051>.

# СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ЙИЛ БЎЙИ Фойдаланишнинг самарадорлиги

*Along with gaining high and qualitative crop from autumn wheat and then leguminous plants as repeated plants in conditions of irrigated light brown soils, we gained rich harvest from grain 2 times a year by utilizing the land for a whole year.*

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида сўнгги йилларда экинларнинг биологик хусусиятлари эътиборга олиниб, тупроқ-иқлим шароитига мос агротехнологияларини қўллаш туфайли тупроқ экологиясини яхшиловчи ва муҳофаза қилувчи ресурстежамкор илғор технологияларни кенг жорий этиш натижасида, ерларнинг унумдорлик хусусиятлари яхшиланиши, экинлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда ёнилғи-мойлаш материалларининг маъдан ўғитларнинг тежалиши, кузги ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экин (соя, ловия, мош, нўхат, кўк нўхат, ясиқ, бурчоқ)лар экиб парваришлаб, сўнгра пахта етиштиришда ишлаб чиқариш таннархининг камайишига эришилмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш орқали ғўзанинг янги навларини тупроқ-иқлим шароитларига мос етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва ғалладан бўшаган майдонларда такрорий ва оралиқ экинлар етиштиришни кенг йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кузги бугдойдан сўнг экилган такрорий экинлар тупроқда илдиз ва анғиз қолдиқларини қолдириб, унумдорликни сақлайди, унинг агрофизикавий, агрохимёвий, мелиоратив ва экологик ҳолатини яхшилайдди [3].

Қорақалпоғистон шароитида 8 далали ғўза-беда алмашлаб экиш тизимида (3:4:1:2 ва 3:4:1:3) саккизинчи далада аралаш экин экиб, кўкат озиқа учун йиғиштириб олинган ва ўрнида такрорий экин сифатида мош етиштирилиб, 8–10 ц/га мош дони етиштирилган. Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг шимолий минтақаси бўлишига қарамасдан, такрорий экилганда мошнинг ҳар гектаридан 1 ц. дан ҳосил етиштирилиши жанубий минтақалар учун мош такрорий экин сифатида истиқболли экинлик хусусиятини кўрсатади [1].

Қашқадарё вилоятининг тоғолди текислиги типик бўз тупроқлари шароитида мош кузги бугдой анғизида такрорий экин сифатида 400 минг дона/га меъёрда 1.07 муддатда экилганда ёруғлик радиацияларидан самарали фойдаланиш ҳисобига ҳосилдорлик ўртача 19,3 ц/га. ни ташкил этиб, кеч экилганда (15.07 ва 1.08) дон ҳосилининг 17,2–15,3 ц/га. га пасайиши кузатилса-да, кузги биринчи совуқларгача пишиб улгуриши ҳамда тупроқ унумдорлигига ҳам ижобий таъсир этишига оид бўлган ушбу илмий ечим соҳадаги илмий-амалий тушунчалар доирасини янада кенгайтириб, суғориладиган ерлар самарадорлигининг янада ошишига ёрдам беради [2].

Бу борадаги тажрибаларимиз Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўтказилиб, тажриба тизими 5 вариантдан иборат бўлиб, 4 қайтариқда олиб борилди.

Дала тажрибаларимизда кузги бугдой экилган биринчи вариантда ўртача 70,5 ц/га дон ҳамда 89,1 ц/га сомон ҳосили олинди. Кузги бугдойдан сўнг такрорий экинлар экилганда экинларнинг ҳосилдорлиги турлича бўлди. Бунда иккинчи вариантда кузги бугдойдан 71,7 ц/га дон ҳамда 91,2 ц/га сомон ҳосили олинди, сўнгра такрорий маккажўҳори дон учун экилганда ўртача 43,5 ц/га дон ҳамда 216,5 ц/га поя ҳосили олинди. Бир бирлик майдондан ялпи ҳосил йиғиндиси ўртача 115,2 ц/га дон шу билан бирга 307,7 ц/га поя ва сомон олинди.

Учинчи вариантда кузги бугдойдан 69,5 ц/га дон ҳамда 90,3 ц/га сомон ҳосили олинди, такрорий соя дон учун экилганда ўртача 21,1 ц/га дон ҳамда 36,4 ц/га поя ҳосили олинди. Бир бирлик майдондан ялпи ҳосил йиғиндиси ўртача 90,6 ц/га дон, шу билан бирга, 126,7 ц/га поя ва сомон ҳосили олинди.

Шунга мувофиқ, тўртинчи вариантда кузги бугдойдан 69,2 ц/га дон ҳамда 89,1 ц/га сомон ҳосили олинган, сўнгра такрорий кўк нўхат дон учун экилганда ўртача 14,8 ц/га дон ҳамда 16,2 ц/га поя ҳосили олин-

ди. Бир бирлик майдондан ялпи ҳосил йиғиндиси ўртача 83,7 ц/га дон шу билан бирга 105,3 ц/га поя ва сомон ҳосили олинди.

Бешинчи вариантда кузги бугдойдан 67,5 ц/га дон ҳамда 91,2 ц/га сомон, такрорий соя дон учун экилганда ўртача 15,6 ц/га дон ҳамда 32,1 ц/га поя олинди. Бир бирлик майдондан ялпи ҳосил йиғиндиси ўртача 81,3 ц/га дон шу билан бирга 12,3 ц/га поя ва сомон ҳосили олинди.

Тадқиқотларимизда аниқланишича, суғориладиган оч тусли бўз шароитида такрорий экилган дуккакли экинлардан соя экилган вариантда энг юқори ҳосил олинди, ўртача 21,1 ц/га. ни ташкил қилди. Такрорий экилган кўк нўхатдан 6,9 ц/га ҳосил олинди, такрорий экилган мошга нисбатан ўртача 9,3 ц/га юқори бўлди. Шундай қилиб тажрибада бир йилда икки марта дон ўртача учинчи вариантда 90,6 ц/га, тўртинчи вариантда 83,7 ц/га, бешинчи вариантда 81,3 ц/га ҳосил олинди.

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, оч тусли бўз тупроқларда кузги бугдой такрорий экилган дуккакли-дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олинди, тупроқ агрофизик ҳамда агрохимик хоссаларининг яхшиланиши, шу билан бирга, суғориладиган ерлардан йил давомида фойдаланиш ҳисобига икки марта дон ҳосили олиш мумкинлиги аниқланди.

**З.ЖУМАОЕВ,**  
доцент,

**Н.ЎРАЗМЕТОВ,**  
профессор (ТошДАУ Андижон филиали)

## АДАБИЁТЛАР

1. Исмоилов У., Садиқов Е., Реимов Н. Два урожая в год // Ж.: "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги". - Тошкент, 2006. - №2. - Б. 14.
2. Негматова С. Сув танқислиги шароитида анғизда мош етиштириш // Ж.: "Агро илм". - Тошкент, 2013. - №4. - 26-27 б.
3. Тожиёв М., Таджиев К. Кузги бугдойдан сўнг экилган дон-дуккакли ва донли экинларнинг пахта ҳосилига таъсири // Ж.: "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги". - Тошкент, 2013. - №9. - Б. 23.



# ПИЛЛА ТОЛАСИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ ПАРТЕНОГЕНЕТИК КЛОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*It was detected that APK and 9pk clones were the super on their thin silk fiber and giving fibers of cocoons, silkworms' lifelong of partner genetic that selected to improve silk fiber.*

Партеногенетик қурт уруғини тайёрлашнинг ўзи кўп қийинчилик туғдирмайди [1]. Маълумотларга кўра, дурагай қурт уруғларини ишлаб чиқариш учун тахминан 7 минг капалак уруғларини фаоллашти-

2015–2017 йилларда клонларнинг уруғлари инкубациялаштирилди ва ипак қуртлари 8 такрорланишда ҳар бирида 220 донадан озиқлантирилди (1-жадвал).

1-жадвалдан партеноклонлар

1-жадвал

Партеногенетик клонларнинг йиллар бўйича биологик кўрсаткичлари

Зот номи	Йиллар	Ипак қурларининг яшовчанлиги, %		Пилла оғирлиги, г		Қобик оғирлиги, мг		Ипакчанлиги%	
		$\bar{X} \pm S \bar{x}$	$C_v$	$\bar{X} \pm S \bar{x}$	$C_v$	$\bar{X} \pm S \bar{x}$	$C_v$	$\bar{X} \pm S \bar{x}$	$C_v$
АПК	2015	95,3±3,3	9,8	1,53±0,06	3,5	325±9,1	6,2	21,2±0,8	3,2
	2016	96,0±3,0	7,0	1,56±0,03	3,2	326±7,0	5,0	21,0±0,3	3,2
	2017	92,0±2,9	8,8	1,44±0,06	4,0	274±6,1	4,5	19,0±0,4	3,0
9 пк	2015	83,0±2,4	9,0	1,27±0,03	4,8	228±8,2	5,9	18,0±0,3	8,4
	2016	94,1±1,2	6,9	1,50±0,03	3,5	320±6,9	5,2	21,3±0,3	4,0
	2017	89,1±2,0	8,1	1,50±0,03	4,0	282±7,2	5,0	19,9±0,3	5,3

ришга тўғри келади. Бу ишни 2-3 киши 5 кун давомида осонгина бажариши мумкин (7000 капалак х 500 тухум = 3.500.000 тухум ёки 75 қути бўлиб, улардан тахминан 3 млн. пилла олиш мумкин. ♀♀, улар эса тахминан 30 минг қути беришади). 7 минг партеноклон капалаклар олиш учун партеноклоннинг 10 минг қуртини озиқлантириш керак. Шундай қилиб, наслдор партеногенетик ипак қуртларини тайёрлашга кетадиган харажатлар 10–15 киши-кунига тўғри келади. Шунга қарамасдан тут ипак қурти наслчилик уруғчилик станциялари барибир жинс бўйича ажратиш жараёнлари, пиллаларни навларга ажратиш, наслчилик ишлари ва қайтадан навларга ажратиш (пиллаларни зотли сифатида қабул қилиш ва оддийлари сифатида сотиш) ҳисобига ютишади. Харажатлар анча маҳсулдор дурагайлар берадиган иқтисодий самарадорликдан кўра анча кам бўлиб чиқди. Буларнинг ҳаммаси тут ипак қуртининг санат дурагайлаши учун партеногенетик амейотик клонларини яратиш ва қўллашнинг реал шартларини кўрсатиб турибди.

Ипак қуртлари жаҳон коллекциясида мавжуд бўлган партеноклонлардан ипак қуртларнинг яшовчанлиги ва пиллаларнинг ипак бериши бўйича энг яхшилари 9ПК ва АПК клонларидир [2]. Шу сабабли айнан шу клонлардан клонал-зотли дурагайларни яратиш учун танлаб олинди.

ўртача пиллала зотлар эканлиги кўриниб турибди – йиллар бўйича

Тадқиқ қилинаётган партеноклонлар пилла толасининг технологик хусусиятларини синашнинг йиллар бўйича натижалари

Зот номи	Йиллар	Қуруқ пилла вази, г	Чиқиши, %		Толанинг метрик рақами	ИТУЙУ, м	Толанинг умумий узунлиги, м
			Ипак хомашёнинг	Ипак маҳсулотларнинг			
АПК	2015	0,642	40,95	46,24	3514	758	952
	2016	0,648	41,01	46,72	3323	821	970
	2017	0,620	42,37	46,91	3520	802	986
9 ПК	2015	0,814	42,23	49,36	3335	900	1215
	2016	0,709	41,35	47,93	3347	975	1126
	2017	0,737	43,37	48,35	3370	910	1115

пилла вази 1,27 г. дан 1,56 г. гача, қобик вази 228 мг. дан 326 мг. гача ўзгариб туради. Ипак қуртларининг яшовчанлиги етралича юқори (83,0–96,0). Бироқ сўнгги йилларда тутзорлар ўғитланмаётганлигини ҳисобга олсак, бу муқаррар озуқа сифатида таъсир кўрсатади ва тут ипак қуртининг биологик кўрсаткичларини пасайтиради. Пиллаларнинг 18,0–21,3% ипак бериши урғочи тут ипак қуртларига хос, клонлар эса, фақат бир жинсга - урғочи жинсига мансуб.

Кўриниб турибдики, биологик белгиларнинг вариациялари катта эмас ва бу партеногенетик клонларнинг бир хиллигини тасдиқлайди. Константлик (тугалланган табиятда ажойиб хусусият) селекцияга тўсқинлик қилади, чунки биринчи партеногенетик генерациядан бошлаб генотипик ўзгариувчанлик ва у билан бирга танлаш эҳтимоли чиқиб кетади. Шу билан бирга умуман олганда яхши партеноклонлар баъзида кўп катта бўлмаган корректи-

ровкага муҳтож бўлади. Гарчи бу қийин бўлса ҳам, уни амалга ошириш мумкин [3]. Бизнинг ишимизда асосий биологик кўрсаткичларни яхшилаш фақатгина зарур гигротермик шароитларга қатъий амал қилиш ва озуқа сифатини яхшилаш ҳисобигагина юришиши мумкин.

Иш жараёнида шунингдек партеногенетик клонлар пилла толасининг технологик хусусиятлари ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвалдан кўриниб турганидек, клонлар ипак толаси ингицкалигининг юқори кўрсаткичлари билан ажралиб туришади (АПКнинг метрик номери - 3323-3520, 9ПКники - 3335-3370). Бироқ, клон-

2-жадвал

У.ДАНИЯРОВ,  
ТошДАУ доценти

## АДАБИЁТЛАР

1. Струнников В.А., Якубов А.Б., Курбанов Р.К., Пашкина Т.А., Насриддинова С.В., Исмаилов А.А. Рекомендация по получению клонально-породных промышленных гибридов тутового шелкопряда. - Ташкент, 1992. -С. 1-4.
2. Ларкина Е.А., Якубов А.Б., Данияров У.Т. Каталог. Генетический фонд мировой коллекции тутового шелкопряда Узбекистана. - Ташкент, 2012. - С. 4-66.
5. Астауров Б.Л. Искусственный партеногенез у тутового шелкопряда (экспериментальное исследование) // - М.-Л, Изд-во АН СНГ, 1940. - 240 с.

## ТОҚ ҚАТОР ОРЛАРИНИ ЧУҚУР ЮМШАТУВЧИ-ЎҒИТЛОВЧИ МАШИНА

Тупроққа ишлов бериш тизимида боғ ва токзорлар қатор ораларини ағдармасдан чуқур юмшатиш муҳим ҳисобланади.

Тупроқни чуқур ҳайдаш таъсирида тоқларнинг ўсиши, ҳосил бериши, тупроқнинг сув ва озика таркиби ва унинг физик хоссалари, ер ҳар хил чуқурликда ҳайдалганда илдииз тизиминг шикастлангандан кейинги ривожланиши ва тикланиши бўйича тажрибалар ўтказилди.

Агар кесилган ва кесилмаган илдиизлардаги фаол ўсувчи илдиизларнинг ўсиш динамикасини солиштирсак, у ёки бу илдиизларнинг ўсиш даври бир хил, лекин ўсиш жадаллиги ва умумий фаол сўрувчи зона миқдори кесилмаганга нисбатан 15-20 марта кўпдир. Шунга кўра, илдиизни кесиш унинг сўрувчи юзасини кўпайтиради ҳамда мева дарахтининг озика шароитини яхшилайдди.

Тупроқни чуқур юмшатиш ўғитларнинг самарадорлигини оширади. 25 см чуқурликка ўғит солиш билан бирга чуқур юмшатиш тўрт йил давомида ҳосилни ўртача 2,1 фоизга оширди. Шунга кўра, ўғит солиш билан чуқур юмшатишда ҳосилдорлик 48,2 фоизга ошди. Ўғит солмасдан тупроқни чуқур юмшатиш самарадорлиги кам бўлиб тўрт йил давомида ўртача ҳосилдорликни фақат 2,5 фоизга оширди [1].

Боғда ҳосил, меваларни миқдори билан эмас, балки товар сифати билан ҳам аниқланади. Олма меваларини энг юқори биринчи ва иккинчи сортларини чиқиши (93,8%) бир вақтни ўзида ерни чуқур юмшатиб фосфоркалий ўғитларни икки йилда ва уч йилда бир марта, азотли ўғитлар ҳар йили гуллашга 2 ҳафта қолганда солинганда, кам товар мевалар (87,5%) оддий ҳайдашда бўлди.

Шундай қилиб, маълум вақтларда тупроққа ўғит солиш билан биргаликда ерни чуқур юмшатиш дарахтнинг ўсиши ва мева қилишини тезлаштиради: шох-шаббалари ва новдаларини ўсиши 1,5-2 мартага кўпаяди, новдалар ва шохчаларнинг ўсиши яхшиланади, дарахт танасининг айланаси йўғонлашади, дарахт ҳосилдорлиги ва мева сифати яхшиланади.

Ҳосилли боғларнинг қатор оралиқлари тупроқини чуқур юмшатиш катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, сув-озика тартиботи ва физик хоссаларига кучли таъсир қилади.

Чуқур юмшатиш тупроқнинг сув ўтказиш хусусиятини яхшилайди ва шунга кўра тупроққа кираётган нам-

ликдан ўсимлик самарали фойдаланиш коэффициентини оширади.

Чуқур юмшатиш натижасида тупроқнинг ҳажми ўзгаради. Чуқур юмшатишнинг биринчи йили 0-40 см қатламдаги тупроқнинг ҳажми ўртача апрелда 1,39-1,42 г/см<sup>3</sup> ни, сентябрда эса 1,46-1,48 г/см<sup>3</sup> ни, оддий ҳайдашда эса 1,43 г/см<sup>3</sup> ва 1,52 г/см<sup>3</sup> ни ташкил қилди. Ҳайдов қатламини пастига тупроқнинг энг юқори зичлиги оддий ҳайдашда 20-45 см чуқурликда 1,25-1,62 г/см<sup>3</sup> чуқур юмшатишда эса 40-60 см чуқурликда 1,58-1,59 г/см<sup>3</sup> бўлди. Лекин бундай қонуният ҳамма ерда ҳам намоён бўлмайди [1].

Узумзорларда қатор оралари тупроқини чуқур юмшатиш самарали агро-тадбирлардан ҳисобланади. Бундан тупроқнинг сув-ҳаво тартиботи яхшила-

### Расм. Чуқур юмшатгич-ўғитлагич.



#### Машина тури осма

**Қатор оралари кенлиги, м 2,5;3,0;**  
**Ишлов бериш чуқурлиги, см – эгат олишда 18-20; - ён юмшатгичлар билан ишлаганда 35-40; - марказий юмшатгич ишлаганда 55-60; - иш унуми, га 1,0-1,9.**

нади. Чуқур юмшатишда оддий ишланганга нисбатан ўсув даврида тупроқ намлиги 3-4% юқори бўлди.

Чуқур юмшатиш ток илдииз тизимининг сўрувчи қисми кўпайишига сабаб бўлади. Бунда муҳим масалалардан бири – чуқур юмшатишнинг қулай муддатларини аниқлашдир.

Маълумки, сентябрь охири-октябрь ойи бошларида ҳосил териб олингандан кейин токнинг илдиизи кесилса яхши тикланади. Қачонки, тупроқда иссиқлик ва намлик қулай бўлган шароитда янги илдиизлар ўса бошлайди. Ноябрьда шикастланган илдиизлар келаси йили баҳорда ўса бошлайди. Ҳосил териб олингандан кейин шикастланган илдиизлар янгитдан баҳорда ўса бошлаб, эрта баҳорда (март) кесилганга нисбатан 25-30 кун олдин ўсади. Апрель ва августда шикастланган илдиизлар ёмон ўсади.

Тупроқни юмшатиш технологиясидаги асосий масалалардан бири – уни ҳамма қатор ораларида бир вақтда ўтказиш имкониятини белгилашдир. Бу масала турли тупроқ-иқлим шароитларида турлича ҳал қилинади ва илдиизлар қайта тикланишини жадаллаштиришга, чуқур юмшатишга, навларга, тупроқ қатламларида илдиизларнинг жойлашишига ва бошқаларга боғлиқ. Ўзбекистон шароитида бу масала шу вақтгача тадқиқ қилинмаган.

Тупроқни 60 см чуқурликда чуқур юмшатиш, тупнинг икки томонидан бир вақтнинг ўзида тупдан 50 см масофада ўтказилди.

Тадқиқотлар натижалари бўйича бир вақтда тупнинг ҳар икки томонидан чуқур (60 см) юмшатишда узум ҳосилдорлиги биринчи йили 7,7-12,6 фоизга пасайди ва фақат иккинчи йили андозадаги ҳосил даражасига етди.

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган токнинг қатор ораларини чуқур юмшатувчи машина билан бир вақтда ҳар бир қатор орасида чуқур юмшатиш ҳосилдорлигининг ошишига ёрдам беради. Бу ҳол бўз тупроқли ерларда узум илдиизларининг асосий қисми 40 см. ли қатламдан пастроқда жойлашганлиги билан боғлиқ. Илдиизларнинг қатор оралари ўртасида, узум танаси яқинидагига нисбатан илдииз сони анча камлигини кўрсатади. UUM-3 машинасининг ён томонидаги юмшаткичлари тупроқни максимум 35 см. ни юмшатади. Бу қатламда илдиизлар жуда кам бўлади. Марказий юмшаткич қатор оралари ўртасига 55-60 см чуқурликка кириб боради. Бунда илдиизлар камроқ шикастланади ва сув-ҳаво тартиботи яхшиланади (расм).

Республикаимиз шароитида қатор орасини чуқур юмшатиш токнинг ўсиши ва ҳосилдорлик ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Чуқур юмшатиш муддатларининг даврийлиги муҳим аҳамиятга эга. Ҳосилли узумзорларда қатор ораларини чуқур юмшатувчи машинада 50-60 см чуқурликда бир-йўла минерал ўғитларни ҳам бериш мумкин.

**А. САДРИДДИНОВ,**  
**З. АБДУРАИМОВА,**  
(ТашДТУ),  
**Т. НИЁЗОВ,**  
(СамВМИ)

#### АДАБИЁТ

1. Джавакянц Ю.М. Научные основы технологии обработки почвы в садах и виноградниках Узбекистана. - Ташкент, Фан, 2006. - 240 с.



## УСТОЗЛИК ОАДАМИ

Инсоният камолотининг белгиловчи асосий омили — бу устозлик мақомидир. Ҳаётда бирор соҳа ёки тармоқ йўқки, унинг ривожини ўргатиши ва ўрганишдан иборат бўлмасин. Шу боис жами устозларнинг устози бўлмиш ўқитувчи ва мураббийларга эҳтиром кўрсатамиз, доимо ҳурматда бўламиз. Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганидек:

**Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила.**

Ана шундай шарафли ва заҳматли касб соҳиблари бўлмиш барча устоз ва мураббийларни, ўқитувчи ва домлаларни касб байрамлари билан муборакбод этамиз.



Шогирдларига меҳр қўймаган устоз ҳақиқий устоз эмас. Меҳрнинг қайтими меҳрдир.

\* \* \*

Устознинг ачиқ гаплари ҳам самимий бўлса, шогирд учун ширин туюлади.

\* \* \*

Устозликни орзу қилмаган, унга интилмаган шогирд такомиллашишдан тўхтайд.

\* \* \*

Устоз етиштирган боғнинг мевасидан шогирдлар баҳраманд бўладилар.

\* \* \*

Агар инсонда саховат ва инсоф уйғун бўлмаса, у устозлик бахтига эришолмайди.

\* \* \*

Билими саёз, савияси паст одамлар ҳақиқий устоз бўла олмайди.

\* \* \*

Устознинг “кўзингга қара” дегани ҳушёр бўл, бу “ўзингга қара” деганидир.

\* \* \*

Лаззатларнинг энг ширини — устозлик.

\* \* \*

Устоз ўзига ва шогирдларига ўта талабчан бўлсагина кўп муваффақиятларга эришиши мумкин.

\* \* \*

Дунё тилсимларини очадиган калитни менга ато қилганлиги учун Аллоҳга шукр, устозга ташаккур дейман.

\* \* \*

Устоз бардошли, сабр-тоқатли бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, шогирдни тарбиялашдек саодат унга насиб қилмайди.

\* \* \*

Сени кимдир устоз деб атаса, билгилки, улугликка қадам қўйибсан. Шунга муносиб бўлишни унутма.

\* \* \*

Устоз кўрган шогирд келажакда издошлар тайёрлаши кераклигини унутмаслиги лозим. Шундагина устоз бошлаган мактаб ривожланади.

\* \* \*

Устоз меҳнатга ўргатса, чўчиманг. Сиз мақсадли ва самарали меҳнат қилишни ўрганган бўлсангиз, билингки, муҳтожликдан қутулгансиз.

\* \* \*

Одам ишлаганда оладиган маошининг миқдорини, устоз эса шогирдининг камоли ва тақдирини ўйлайди.

\* \* \*

Устоз билан шогирд ўртасида бегаразлик ва самимийлик бўлса, у дўстликка айланади ва бу жуда катта муваффақиятлар келтириши мумкин.

\* \* \*

Устоз ғояси — катта капитал. Унинг фойдасидан иқтидорли шогирдлар манфаатдор бўлади.

\* \* \*

Устоз — ғоялар эгаси. Дунёда ягона ўлмайдиган нарса шогирдлар давом эттирган устоз ғояларидир.

\* \* \*

Устоз ҳар жиҳатдан юксак чўққига ўхшаши керак. Шундагина унга ҳамма интилиб яшайди.

\* \* \*

Устоз бўлишдек саодатга эришиш учун кўп мураккаб йўллارни босиб ўтиш, анча тўсиқларни ортда қолдириш зарур.

\* \* \*

Ҳақиқий устоз бўлишдан олдин катта ҳарф билан ёзиладиган ИНСОН бўлиш лозим.

\* \* \*

Ҳақиқий устозни шогирдлари бошига кўтариши мумкин. Лекин устозликка даъвогарлар ўзларини пастга урмаслиги керак.

\* \* \*

Устоз қуёшга ўхшайди, шогирд эса дарахт сингари унинг беминнат нуридан баҳраманд бўлиб улғаяди, мева беради.

Дарахтнинг ҳосили — меваси, устознинг ҳосили — шогирдлари.

\* \* \*

Устоз фақат яхши, самимий одамлардангина етишиб чиқади. Ҳамма ҳам устоз бўлишдек саодатга эришавермайди.

\* \* \*

Яхши устозга шогирд бўлишлик ҳам Аллоҳнинг иноятидир.

\* \* \*

Комил инсон осмондан тушмайди, у ҳам устоз тарбиясини олган бўлади.

\* \* \*

Яхшилик, эзгуликни ўргатиб, саодатга элтувчи йўлни кўрсатадиган кишинигина устоз дейиш мумкин.

\* \* \*

Шогирднинг муваффақияти устоз кўнглини тоғдек кўтаради.

**Иқтисод фанлари доктори  
Мамаюнус ПАРДАЕВнинг  
“Ҳикматлар дунёси” китобидан.**

# ТУПРОҚШУНОСЛИК ИЛМИ БИЛИМДОНИ

**Таниқли олим ва моҳир мураббий Абдусамат Ахатов сермазмун ҳаёти ва кўп қиррали меҳнат фаолиятини Ўзбекистонда тарқалган тупроқларнинг фундаментал асосларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва улар ҳақидаги назарий ва амалий ёндашишларни илм дунёсида кенг тарғиб қилиш, бўлажак мутахассислар, бакалавр, магистр ва докторантлар онгида тўлақонли ва кенг қамровли кўникмалар шаклланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.**



А.Ахатов 1948 йил 20 октябрда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1969 йилда ўрта мактабни аъло баҳолар билан битиргач, Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) Биология-тупроқшunosлик факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни тугатганидан сўнг ёш мутахассис-тупроқшunos сифатида ЎЗМУнинг Тупроқшunosлик кафедрасида лаборант вазифасида меҳнат фаолиятини бошлади.

У 1975 йил январь ойида Ўзбекистон Фанлар академияси таркибидаги Тупроқшunosлик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Тупроқ физикаси ва технологияси лабораторияси, кейинчалик Тупроқ генезиси, географияси ва минералогияси лабораториясида кичик илмий ходим лавозимида ишлаб, қатор дала тажрибалари ва ишлаб чиқариш синовлари ўтказишда фаол иштирок этади.

А.Ахатов Тупроқшunosлик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти қошидаги аспирантуранинг сиртки бўлимида ўқиган (1980—1984 йиллар) даврида олиб борилган тажрибалари асосида номзодлик диссертациясини 1985 йилда муваффақиятли ҳимоя қилди.

Бўлғуси олимнинг истиқболли илмий ходим бўлиб шаклланишида 1981—1983 йилларда В.В.Докучаев номидаги Тупроқшunosлик институтида малака ошириши катта туртки бўлди. У ерда илк бор лойли заррачаларни тупроқ таркибидан ажратиш, лойли минералларни рентгендифрактометр усули билан аниқлашнинг замонавий усуллари, олинган маълумотларни таҳлил қилишдаги назарий ёндашишларни баътафсил ўрганди.

Унинг бевосита бошчилигида Қашқадарё воҳасининг текислик ва баландлик биоиклим минтақаларида тарқалган турли тупроқ хилларида илк бор тупроқ коллоидлари ажратилган, уларнинг физик-кимёвий хос-

салари ва лойли минераллар таркиби ўрганилди. 1986—1987 йилларда “Чирчиқ воҳаси тупроқ коллоидларининг минералогик таркиби ва структура-тузилиш хоссаларини ўрганиш, уларни тупроқ ҳосил бўлишидаги аҳамиятни белгилаш” мавзусида илмий тадқиқотлар олиб борди.

Олим иштирокида 1997—2003 йилларда кенг қўламли лаборатория ва дала тажрибалари олиб борилиб, салмоқли натижаларга эришилган.

У юртимизда тупроқ энергетикасини ўрганишга асос солган мутахассис саналади. Мазкур ўта муҳим муаммони Сирдарё вилояти тупроқларида ўрганиб, уларнинг гумус энергияси, кристаллик панжара энергиясини баътафсил таҳлил қилиб, тупроқ хиллари бўйича ишлаб чиқариш қобилиятини аниқлаган.

Абдусамат Ахатов илм йўлида эришган натижалари билан чегараланиб қолмасдан доимий равишда ўзининг илмий салоҳиятини оширишга интилиб келмоқда. У Бутуниттифоқ Тупроқшunosлар жамиятининг VII—VIII курултойларида ва Ўзбекистон тупроқшunosлар жамиятининг I—II курултойларида фаол қатнашиб, Ўзбекистонда тарқалган тупроқларга оид фундаментал тадқиқотларда олинган маълумотларни илмий мақола ва маърузалар сифатида эълон қилган.

Изланувчан олим 2003 йил февраль ойидан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Тупроқшunosлик ва деҳқончилик асослари” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб, талабаларга илм-фан сирларини чуқур ўргатиб, назарий-ва амалий машғулотларни олиб бормоқда. У ўзининг меҳнат фаолияти даврида 150 дан ортиқ илмий мақола ва услубий кўрсатмалар, ўқув қўлланма, монография чоп эттирган.

Институт илмий кенгашида тасдиқланган режага мувофиқ 2004—2007,

2014—2017 йиллар давомида кафедрада олиб борилган “Сугориладиган ерлар унумдорлигини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилишнинг услубий асосларини яратиш”, “Антропоген омиллар таъсирида тупроқда содир бўладиган агрохимёвий ва кимёвий жараёнларини ўзгаришини ўрганиш” мавзуларнинг илмий раҳбари сифатида кафедра ходимларига илмий тадқиқот ишларида қўлланиладиган замонавий услублар ва ёндашувларни ўргатган.

Тупроқшunosлик илми жонкуяри ва билимдони сўнгги йилларда илмий тадқиқотлар олиб бориб, тупроқ гумусини бир неча хил резерв (умумий, потенциал, яқин, ва лабил) турларига ажратишга муваффақ бўлди. Ажратилган гумус резерв турларини биоиклим минтақалар тупроқларида ўрганиб, уларнинг қайси тури устунлик қилишини, қандай шароитда гумус резерв турлари тўпланиб боришини аниқлаб берди.

Эътиборли жиҳати шундаки, олим тупроқ шўртобланиши бўйича олиб борилган изланишлари натижасида ўтган асрнинг 70 йилларида рус олими Н.И.Минашина ва бошқаларнинг Орол ҳавзасининг сугориладиган деҳқончилик юртиладиган ҳудудларида “Гипсли ва карбонатли тупроқларда шўртобланиш жараёни содир бўлмайди” деган фикри илмий асосланмаганини кўп йиллик тажриба, таҳлил ва кузатувлари асосида исботлаб берди. Шу билан бир қаторда, мазкур тупроқларда антропоген омиллар таъсирида шўрланган ер усти сувлари, турли даражада шўрланган коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш, ўсимликларни сугориш ва шўрини ювиш натижасида шўртобланишнинг моҳияти, йўналиши ва жадаллигини миқдорий кўрсаткичлари, уларни ифодалашда қўлланиладиган шўртобланган тупроқлар таснифини таклиф этди.

Абдусамат Ахатов фаолияти даврида жамоат ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. У зийрак ва содиқ дўст, маънан етук инсон, меҳрибон ота.

Фурсатдан фойдаланиб Турон фанлар академияси академиги А.Ахатовни 70 ёшга тўлганлиги муносабати билан самимий муборакбод этиб, узоқ умр, мустақкам соғлиқ ва ғайрат-шижоат тилаймиз.

**О.РАМАЗОНОВ,**  
**Б.ИСМОИЛХЎЖАЕВ,**  
*профессорлар,*  
**С.БУРИЕВ,**  
*қ.х.ф.н., доцент.*



## АТИРГУЛДАН МУРАББО

Розелла атиргулдан мураббо тайёрлаш гоёси фермерлик фаолиятига бағишланган тадбирда боғбон аёл ва банк ходимининг танишувидан бошланди. Сесилия Диас ва Грег Петерсоннинг гапи қизиби кетиб, Австралияда унутилиб кетган атиргулдан мураббо тайёрлашга бориб тақалди.

Орадан маълум вақт ўтгач, иккиси турмуш қуриб, ўша режани ҳаётга татбиқ этишга киришдилар.

Розелла атиргулини ўстириш ва қайта ишлаш у қадар қийинчилик туғдирмайди.



Унинг барглари этли бўлиб, ўзида органик кислота ва шакар сақлайди.

50 килограмм ҳосил йиғиш учун икки нафар одам 3 соат меҳнат қилиши керак. Қайта ишлаш – баргларни қайнатиш, қайнаш жараёнида пектин суюқлигини йиғиш ҳам шунча вақтни талаб қилади.

Фермерлар мураббодан ташқари розелладан тайёрланган яна 22 та таомни,

жумладан, сирка, ширинликлар ва шарбатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ҳам режалаштиришмоқда.

## АЖОЙИБ УСКУНА



Канадалик олимлар маҳсулотнинг истеъмолга яроқлигини аниқлаб берувчи мослама яратишди. Янги ускуна ёрдамида харидор дўконнинг ўзида маҳсулот таркибида зарарли бактериялар бор ёки йўқлигини аниқлаши мумкин.

Олимлар Sentinel Wrap деб номланган мазкур мосламани яратишга 15 йил сарф этишди. Ва ниҳоят, уларнинг меҳнатлари ўз самарасини берди. Ускунага ўрнатилган ингичка тўғрибурчакли пластикка маҳсулотдан бир чимдим қўйишнинг ўзи кифоя. Агар текширилаётган маҳсулотда хавfli микроорганизмлар аниқланса, ультрабинафша нур ёнади.

Мазкур инновацион мослама устидаги ишлар ҳали тўлиқ яқунлангани йўқ. Айни вақтда олимлар бу ускуна зиммасига суюқлик тозалигини ҳам аниқловчи қўшимча вазифани юклаш устида бош қотиришмоқда.

## БЕДАСЕВАР ТОВУҚЛАР

Британиялик паррандабоқар нафақат ўз товукларини беда билан боқмоқда, балки ҳамкасбларига беда тойларини етказиб бериш бизнесини ҳам йўлга қўйди.

Буюк британиялик Даг Уонсталнинг фикрича, товукларига (уларнинг сони 220 000 бошдан зиёд) беда беришни бошлагач, уларнинг соғлиги яхшиланиб, тухум бериш унумдорлиги ошган.

“Биз дарров кушларнинг ҳолати яхшиланганига гувоҳи бўлдик. Соғлом товуклар кўпроқ тухум қўйиши эса ҳеч кимга сир эмас”, – дейди Даг.

Даг бедани ўз ерида етиштирмоқда. Бу йил фермер 1000 тонна беда олишни режалаштирган.

Дагнинг сўзларига қараганда, бир той беда 15 кг келади. У аввал полиэтилен пакетларга ўралади ва товуклар чўқиши учун унда кичик-кичик тешиклар очилади. Бу тойлар бир ҳафтадан 10 кунгача етади. Сўнг товукларга яна янги той қўйиш керак бўлади.

“Беда оксилга бой емиш сифатида товуклар учун жуда фойдалидир. Бундан ташқари, товуклар доим бир нималарни чўқиб туриши лозим. Бу масалада ҳам беда беназирдир. Беда, шунингдек, ажойиб тўшама вазифасини ҳам бажаради”, – дейди Даг.



## СОВУҚДАН АСРОВЧИ НАНОКРИСТАЛЛАР

Олимлар меваларни паст ҳароратдан химоя қилувчи нанокристалларни синовдан ўтказишмоқда.

Маълумки, боғбонлар баҳорги аёздан катта зиён кўришади. Агар ҳаво илиқ бўлса, дарахтлар уйғониб, совуққа бардошсиз бўлиб қолишади. Ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши эса ҳосилни совуқ уришига сабаб бўлади.

Биринчи синов олма, гилос дарахтларида ўтказилди. Қайд этилишича, кристаллар ўсимликлардан тайёрланган. Аэрозол кўринишидаги нанокристаллар меваларга сепилганда улар химоя қобиғини яратади.

## ИККИ БОШЛИ БУЗОҚ

Польшанинг Ковалево-Поморск қишлоғида икки бошли бузоқ туғилди. Аммо у узоқ яшамади. Экологлар бунга сигирнинг кўп миқдор кимёвий моддалар билан бойитилган гени ўзгартирилган емиш билан боқилганини сабаб қилиб кўрсатишмоқда.

Бундан аввал Австралиядаги фермалардан бирида икки танали, саккиз оёкли ва бир бошли ўлик кўзичоқ туғилган эди.

## ЎСУВЧИ МЕБЕЛЛАР

Агар сиз катта сабр-тоқатга ва ўз боғингизга эга бўлсангиз, хитойлик 65 ёшли Шан Чунлиннинг тажрибасини синаб кўришингиз мумкин.

Фермер Шан Чунлинь ўз қизиқишларидан мўмайгина даромад олиш йўлини ўйлаб топди. У “экологик тоза мебель” ишлаб чиқаради.

Дарахтларга шакл бериш усулларини яхши билган Шан Чунлинь табиат томонидан ато этилган курси, стол, ётоқхона жиҳозларини яратмоқда.

Табиий кўринишига тоққайчи ёрдамида ишлов берилиши натижасида антиқа ва қутилмаган жиҳозлар яратилади. Бу жиҳозлар одатий мебелларга қараганда қиммат туради. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, ахир бу жиҳозларни яратишга йиллаб вақт кетади.

Хитойлик боғбоннинг доимий мижозлари нодир буюмлар сотувчилари ва коллекционерлардир.



## СУПЕРМАРКЕТ ТОМИДАГИ ТОМОРҚА

Брюсселдаги супермаркет кўкат, сабзавот ва кулупнайларни савдо пештахталарига тез етказиб бериш бўйича рекорд ўрнатиши мумкин.

Гап шундаки, мазкур супермаркет ўз томида етиштирилган маҳсулотларни сотади. Бельгиядаги Ahold Delhaize супермаркетлар тизими энг янги ва хавфсиз маҳсулотларни сотиб олишни истаганлар учун “Шаҳардаги ферма” лойиҳасини бошлаганини эълон қилди.

“Эрталаб соат олтида ҳосилни йиғиб оламиз, қарабсизки, дўкон очилишга бир соат қолганда бу маҳсулотлар пештахталаримиздан ўрин олади”, – дейди дўкон ходими Мари Дельвулькс.

Томдаги 360 квадрат метрни эгаллаган томорқа куёш панеллари ёрдамида энергия олади. Помидор, кўкат ва кулупнай етиштириладиган томорқа кеча-кундуз ишлайди.

## ЭНГ КИЧИК КУЧАКЧА

Сеҳргар Милли деб ном олган кучукча дунёдаги энг кичик жонивор сифатида Гиннес рекордлар китобидан ўрин олган.

Туғилганида Миллиннинг оғирлиги 28 грамм бўлиб, у бир



чой қошиққа сиғар эди. Ветеринарлар жониворнинг яшаб кетишига умид йўқ, деб ҳисоблашган. Аммо кучук эгаси Ванеса Семлернинг хатти-ҳаракати билан жонивор яшаб кетган ва 2012 йилда дунёдаги энг кичик кучукча сифатида Гиннес рекордлар китобига киритилган.

Ҳозирда жонивор 400 грамм тош босиб, бўйи тахминан 10 сантиметр келади.

## ХИТОЙНИНГ ХУРМО-ОЛМАСИ

Хитойнинг Уханя қишлоқ хўжалиги департаменти “Пангоши” деб номланган янги меванинг синовдан муваффақиятли ўтганини эълон қилди. Олма ва хурмо чатишмасидан ҳосил бўлган мазкур мевада иккала мева таъми жамланган.

Бу янги мева хурмога қараганда узоқ сақланади ва олмага қараганда 13 баробар ширинроқ таъмга эга. “Пангоши”нинг ўртача оғирлиги 100 грамдан 150 граммгача келади.

Б. БОБОЁРОВ тайёрлади



## ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

(«Сельское хозяйство  
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,  
илмий-оммабоп журнал

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва Сув хўжалиги  
вазирликлари

### ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси Қишлоқ  
хўжалиги ва озиқ-овқат  
таъминоти илмий-ишлаб  
чиқариш маркази

*Бош муҳаррир:*

**Тоҳир ДОЛИЕВ**

*Таҳрир ҳайъати:*

Зойир МИРЗАЕВ  
Баҳодир ЮСУПОВ  
Шавкат ХАМРАЕВ  
Аброр ВАХАБОВ  
Шухрат ТЕШАЕВ  
Баҳром НОРҚОБИЛОВ  
Низомиддин БАКИРОВ  
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ  
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ  
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ  
Ўктам УМУРЗОҚОВ  
Равшанбек СИДДИҚОВ  
Мирзиёд МИРСАИДОВ  
Бахтиёр КАРИМОВ  
Ибрагим ЭРГАШЕВ  
Қамар СЕРКАЕВ  
Мурод АШУРОВ

**2018 йил,  
№10. Октябрь**

Журнал 1922 йил  
октябрдан чиқа бошлаган.

**ОБУНА ИНДЕКСИ:**  
*якка обуначилар учун – 894*  
*ташкilotлар учун – 895*

## МУНДАРИЖА

<b>Т.ДОЛИЕВ.</b> Мақсад ва вазифалар муштарак .....	1
<b>А.ҒАФФОРОВ.</b> Озиқ-овқат хавфсизлиги – фаровонлик омили .....	2
<b>Р.СИДДИҚОВ, А.МАНСУРОВ, Н.ЮСУПОВ.</b> Кузги бошоқли дон экинларини экиш .....	3
<b>Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА, Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ, С.ШОДИЕВ, А.ҚОСИМОВ.</b> Боғ-тоқзорларни қишга тайёрлаш .....	4
<b>Ф.РАСУЛОВ, Д.ТУРСУНОВ.</b> Сабзавот ва картошка маҳсулотларини сифатли сақлаш .....	6
<b>Д.ЁРМАТОВА, Х.ХУШВАҚТОВА, С.ЯКУБОВ.</b> Кузги рапс – бебаҳо мойли экин .....	8
<b>О.НОРБЕКОВ.</b> Мева ва узумчиликни илмий асосда ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди .....	10
Пешулик донгдорлар .....	11
Эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш – олий бахт .....	12
Чўлда гулшан яратиш .....	13
<b>Ф.МИРЗО.</b> «Файзобод»нинг файзли хонадонлари .....	14
Олмалиқлик олмачилар .....	15
<b>Ф.МИРЗАЕВ.</b> Чорвадор кўмакчилари .....	16
Уруғчилик истиқболи йўлида .....	17
Пиллачиликда янги босқич .....	19
Интилганга барака йўлдош .....	20
<b>Х.КАРИМОВ.</b> Эл юмуши билан машғул одамлар .....	21
Харакат қаритмайди .....	22
<b>Р.ҚОЗОҚОВ.</b> Шуманайда пахта йиғим-терими авжида .....	22
Чорвадор ҳам тадбиркор .....	23
<b>ФАЙЗУЛЛО БОБО.</b> Илм-фансиз ютуқларга эришиб бўлмади .....	24
<b>Ш.ЖАББАРОВА.</b> Ер билан “тиллашган” деҳқон .....	26
<b>З.ЗИЯЕВ, Д.МУСИРМАНОВ, С.АЛИҚУЛОВ, А.АМАНОВ.</b> Кўп йиллик буғдой – ғаллачиликда янги истиқболли йўналиш .....	27
<b>А.АМАНОВ, К.БАЙМЕТОВ.</b> Мевали экинлар генофондининг боғдорчиликни ривожлантиришдаги ўрни .....	28
<b>А.ЮСУПОВ, Т.ШАМСИДДИНОВ.</b> Маҳаллий картошка уруғчилигини ривожлантириш истиқболлари .....	29
<b>Х.ТИЛАВОВ, Т.ОСТОНАҚУЛОВ, И.АМАНТУРДИЕВ.</b> Ковун навларининг қуритишга яроқлилиги .....	31
<b>Н.НУРУЛЛАЕВА.</b> Гожи – шифобахш ўсимлик .....	33
<b>С.АБДУРАМАНОВА.</b> Ёнғоқнинг Chandler навини in-vitro усулида микроклонал кўпайтириш .....	34
<b>Д.ХАЛМИРЗАЕВ.</b> Клонли олча пайвандтағларини биогумусдан фойдаланиб етиштириш .....	35
<b>Б.АЗИМОВ, Р.АЗИМОВ.</b> Влияние схемы посадки сортов перца сладкого на семенную продуктивность растений .....	37
<b>Ю.КЕНЖАЕВ.</b> Турли муддатларда экилган сидерат экинларининг ўсиб-ривожланиши ва биомасса ҳосилдорлиги .....	38
<b>З.АХМЕДОВА, Д.РАХМАНОВ.</b> Консервирование силоса кукурузы из кон- сервантов .....	40
<b>З.ЖУМАБОВЕВ, Н.ЎРАЗМЕТОВ.</b> Суғориладиган ерлардан йил бўйи фойдаланишнинг самарадорлиги .....	41
<b>У.ДАНИЯРОВ.</b> Пилла толасининг сифатини ошириш учун тут ипак қуртининг партеногенетик клонларидан фойдаланиш .....	42
<b>А.САДРИДДИНОВ, З.АБДУРАИМОВА, Т.НИЁЗОВ.</b> Ток қатор ораларини чуқур юмшатовчи-ўғитловчи машина .....	43
Устозлик саодати .....	44
<b>О.РАМАЗОНОВ, Б.ИСМОИЛХЎЖАЕВ, С.БУРИЕВ.</b> Тупроқшунослик илми билимдони .....	45
Агроолам .....	46

Журнал Ўзбекистон Матбуот  
ва ахборот агентлигида 2007 йил  
11 январда 0158-рақам билан  
рўйхатга олинган.

**Манзилими:** 100004, Тошкент  
Шайхонтохур тумани,  
А. Навоий кўчаси, 44-уй.  
Тел: +998 71-242-13-54,  
+998 71-242-13-24.

[www.qxjournal.uz](http://www.qxjournal.uz)

E-mail: [qxjournal@agro.uz](mailto:qxjournal@agro.uz),  
[uzqx\\_jurnal@mail.ru](mailto:uzqx_jurnal@mail.ru)

© «Ўзбекистон қишлоқ хоҳалиги»

Босмахонага топширилди: 2018 йил  
27 сентябрь. Босишга рухсат этилди:  
2018 йил 2 октябрь. Қоғоз бичими  
60x84 1/8. Офсет усулида офсет  
қоғозига чоп этилди. Шартли босма  
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.  
Бюртма №296 Нусхаси 3500 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК  
босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,  
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Б.ЭСОНОВ**  
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**



PLANETA  
SERVIS

*Реклама*

# ТРАКТОРВОР.UZ

**МТЗ ВА БЛЮМИНГ  
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ  
РАСМИЙ ДИЛЛЕРИ  
қуйидаги русумдаги**

**Беларус 80.1  
Беларус 892  
Беларус 920  
Беларус 1025**

**Беларус 82.1  
Беларус 952  
Беларус 80X  
Беларус 1221**




**тракторларини таклиф этади**

**(+998 98) 125-7-125  
(+998 98) 125-8-125**


**Тўловлар нақд ва пул ўтказиш  
йўли билан амалга оширилади.  
Хизматлар лицензияланган  
Маҳсулот сертификатланган**



## Хурматли журналхонлар! 2019 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ



Агар сиз  
**«ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ  
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ»**  
(кеלгуси йилдан журналимиз  
шу номда нашр этилади)  
ва «АГРО ИЛМ»  
журналларига  
обуна бўлсангиз:



- аграр соҳага оид долзарб мавзулардаги мақолалар;
- агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотлар, жумладан, илгор фермерлар, чорвадорлар ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларида ибратли ишларни амалга ошираётган замондошларимиз, уларнинг ютуқ ва илгор тажрибалари ҳақидаги материаллар;
- олим ва мутахассисларнинг таҳлилий ҳамда амалий тавсия, маслаҳатлари;
- қишлоқ хўжалиги фанида эришилаётган илмий натижалар, ихтиролар;
- дунё қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар билан мунтазам танишиб, касбий маҳорат ҳамда малакангизни ошириб борасиз.

Обунани тўғридан-тўғри таҳририятимиз орқали ёки «Матбуот тарқатувчи» АК, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг жойлардаги бўлимларида расмийлаштиришингиз мумкин.

Обуна индекслари:  
**«ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА  
СУВ ХЎЖАЛИГИ» — 895**  
**«АГРО ИЛМ» — 859**